

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК- ИҚТИСОДИЕТ ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси

«Молиявий ва бошқарув ҳисоби» фанидан

М А Ё Р У З А Л А Р М А Т Н И

Наманган - 2006 йил

Ишчи ўқув дастур, ТМИ томонидан тайёрланган 2006 йил 19 август 100008 рақам билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан 2006 йил 20 августда тасдиқланган намунавий дастур мавзулари асосида маърузалар матни тайёрланган.

Маърузалар матни «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг 2006 йил 25 августдаги 1-сонли йиғилишида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Тузувчилар:

и.ф.н., доцент Р.Исроилов

Кат. Уқит. А.Холмирзаев

Кат. Уқит. Р.Пирматов

Тақризчи:

и.ф.н, доцент И.Сирожиддинов

Наманган - 2006 йил

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ.

- 1. Хўжалик ҳисоб ҳақида умумий тушунча.**
- 2. Хўжалик ҳисобнинг турлари.**
- 3. Бухгалтерия ҳисоб ва аудитнинг яратилиш тарихи.**
- 4. Бухгалтерия ҳисобнинг предмети.**
- 5. Бухгалтерия ҳисобнинг усуллари.**
- 6. Бухгалтерия ҳисобга давлат раҳбарлиги.**

Корхона хўжалик фаолиятига раҳбарлик килиш ва унинг устидан назорат ишларини олиб бориш учун раҳбарлик керакли маълумотлар билан таъминланиши зарур. Бунинг учун корхонанинг хўжалик фаолияти узлуксиз кузатиб борилади. Кузатиш йул билан олинган маълумотлар маълум миқдор кўрсаткичларида ифодаланиб, исталган вақтда фойдалана олиш учун улар узига хос тартибда руйхат килиб борилади. Корхона хўжалик фаолиятида юз берадиган айрим ходисаларни кузатиш, улчаш ва руйхат килиш унинг фаолиятини миқдорларда акс эттиришдан иборатдир. Бу нарса хўжалик ҳисобнинг асосий мазмунини ташкил килади. Лекин хўжалик ҳисобнинг мазмуни ва маусадиди ҳамма ижтимоий-иқтисодий босқичларда кам бир хил булган эмас, улар хар бир янги ижтимоий тузум талабларига буйсундирилиши натижасида доимо узгариб келган.

Маълумки, ишлаб чиқариш усулининг узгариши жамият тузумининг узгаришига сабаб булган. Бу эса, уз навбатида хўжаликка раҳбарлик ва назорат килиш усулини узгартиришга, шуингдек, хўжалик ҳисобнинг узгаришига кам олиб келган. Хар бир ижтимоий тузумда хўжалик ҳисоб узининг маусадиди, вазифалари ва ташкил килиш шаклларига эга. Шундай килиб, кишилик жамиятининг ривожланиши хўжалик ҳисобнинг узгариши ва мазмунини белгилайди. Унинг мазмуни, у кандай ижтимоий тузумда қўлланилаётган бўлса, уша тузум хусусиятларидан келиб чиқади.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, хўжалик ҳисоб ёрдамида хўжаликда юз берадиган айрим ходисалар факат миқдор жихатидан эмас, балки сифат жихатидан ҳам ифодаланади. Демак, хўжалик ҳисоб корхона, муассаса, ташкилот хўжалик фаолиятига раҳбарлик, бу фаолият устидан назорат килиш маусадидида хўжаликда юз берадиган узгаришларни миқдорларда акс эттириш ва сифат жихатидан тавсифлашдан иборатдир.

Кишилик жамиятининг ривожлана бориш жараёнида хўжалик ҳисоб янги ижтимоий-иқтисодий тузум талабларига мувофиқ такомиллашади. Биз хозирда иттифок тугатилиб, катор мустауил давлатлар вужудга келган бир пайтда яшаймиз. Бундай шароитда мустауил давлатлар парламенти ишлаб чиққан ва тасдиулаган иқтисодий қонунлар амал кила бошлайди. Республикамиз 1991 йил 31 августда мустаткиллиқни қулга киритди ва хар йили 1 сентябр Мустақиллик қуни сифатида нишонланиши маълум қилинди.

МДХда халк хужалигини барқарорлаштириш ва иктисодий таназзулдан чиқишнинг бирдан-бир йул бозор иқтисодиётига утиш деб ҳисобланилди.

Бозор иқтисодиёти бу товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар асосида бошқариладиган. иқтисод булиб, мустақилликка эришган республикамызда у инсон манфаатларидан келиб чиқади. Бозор иқтисодиётига утишдан маусад, ишлаб чиқаришни замонавий техника билан қуроллантириш асосида ривожлантириб, кишилар яшаш шароитини яхшилаш, такчиллик, қимматчиликни тугатиш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасида кишилар иқтисодий эркинлигини таъминлаш, бошқаришнинг махмурий-буйруқбозлик усулига барҳам бериш, иш юритишдаги ишбилармонлик ва уддабуронлик имқониятларининг кенг қуламдаги фаолиятини таъминлашдир.

Хўжалик ҳисоб қорхоналарга бирикитилган моддий ва молиявий ресурсларнинг ҳаракати ва ҳолатини акс эттириш билан бирга улардан оқилона, самарали фойдаланиш устидан назорат олиб боради, шунингдек, республиканинг миллий бойлигини сақлаш ҳамда қупайтиришга ҳисса қушади.

Хўжаликни бошқаришда ҳисобдан муваффақиятли фойдаланиш учун маълум талабларга риоя қилиш керак. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳисоб ва режа кўрсаткичларининг бирлиги. Бу бирлик режа кўрсаткичларини ҳисоб кўрсаткичлари билан солиштириш ва режа топшириқларининг бажарилиш даражасини аниулаш учуп зарурдир. Ундан ташқари, ҳисоб маълумотларидан режа тузишда фойдаланилар экан, бу уз навбатида ҳисоб ва режа кўрсаткичларининг бирлигини ҳам такозо қилади.

2. Ҳисобнинг аниу ва туғрилиги. Бу талаб шунин билдирадики, ҳисоб маълумотлари туғри булиши, ҳақиқатан туғри ва аниу акс эттириши керак. У факат хўжаликдаги ютуқларанигина эмас, балки камчиликларни ҳам акс эттириши лозим.

3. Ҳисобнинг оддий ва тушунарли булиши. Ҳисоб кўрсаткичлари оддий ва қупчилик учун тушунарли булиши керак, бу эса хўжаликни бошқаришда ҳар бир ходимга ҳисоб маълумотларидан фойдалана олиш имқониятини беради.

4. Ҳисобнинг тежамқорлиги. Ҳисоб олдига қуйилган бу талабга ҳисоб ишларини узлуксиз такомиллаштириш ва соддалаштириш, ҳисоб олиб боришнинг янги, оқилона ва арзон усуллари жорий қилиш ҳамда бошқарма аппаратини қисқартириш йул билан эришиш мумкин.

5. Ҳисоб ишларини уз вақтида амалга ошириш. Ҳисоб хўжалик фаолияти ишлари туғрисидаги керакли маълумотлар билан раҳбарлик ва қорхона махмуриятини уз вақтида ҳабардор қилиб туриши керак, Шундай қилингандагина қорхона фаолиятида руй берган камчиликларни уз вақтида бартараф қилиш ва шу фаолиятни яхшилаш учун зарур булган чора-тадбирларни амалга ошириш имқонияти тугилади. Акс ҳодда унинг қорхона оператив раҳбарлик қилишдаги ва режа топшириқларининг бажарилиши устидан назорат қилишдаги аҳамияти йуқолади.

Хўжалик ишларига рахбарлик ва назорат олиб бориш учун зарур булган ҳисоб маълумотлари сон кўрсаткичларида ифодаланади. Хўжалик ҳисобни юритишда натура, шартли натура, пул ва меҳнат улчовларидан фойдаланилади (гр., кг, тонна ва к.к).

Натура улчови ҳисобга олинаётган нарсанинг ҳаракатини, масалан, материал, маҳсулот ва бошқаларни натура ҳолида ифодалаш учун хизмат килади. Турли хил хўжалик маблағларини туплашда натура улчовидан фойдаланилмайди.

Пул улчови ёрдамида хўжаликдаги маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбаси ҳақида умумлашган маълумотлар олиш, корхона хўжалик фаолияти натижасини аниулаш, ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамма харажатларни ҳисоблаш, маҳсулот таннархини аниулаш мумкин.

Меҳнат улчови маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки бошқа бирон ишни бажариш учун сарфланган иш вақтини аниулаш учун хизмат килади. Бу улчовга мисол килиб киши кун ва киши-соатни келтириш мумкин.

2. Хўжалик ҳисобнинг турлари

Ҳисобнинг оператив, статистик ва бухгалтерия ҳисоб сингари турлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири уз аниу объектлари, вазифалари ва хусусиятларига эга.

Оператив ҳисоб маълум хўжалик жараёни ва операцияларини улар юз берган жойнинг узида кечиктирмай назорат килиб боради. Хўжалик операцияларини амалга оширишда бу ҳисоб ёрдамида режалаштирилган кўрсаткичлар ҳақиқатда эришилган кўрсаткичлар билан ҳам сон, ҳам сифат жихатидан солиштирилади, олинган маълумотлардан корхона, айрим цех ёки ишлаб чиқариш участкаси фаолиятини бошқаришда фойдаланилади.

Оператив ҳисобнинг хусусиятларидан бири шундаки, унинг ёрдамида хўжаликнинг ҳамма томони эмас, балки баъзи бир кўрсаткичларигина назорат килиб борилади. Иккинчи муҳим хусусияти эса — бу ҳисоб маълумотлари хўжалик фаолияти ва операцияларини кузатиш натижасида олинади. Уларни махсус ҳужжатларда кайд килиш шарт булмай, огзаки, телефон оркали берилиши ҳам мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши, меҳнатга ҳақ тулаш фойдининг кундалик сарфи, мол етказиб берувчи корхона ва харцдорлар билан тузилган шартнома шартларига риоя килиниши туғрисидаги ва бошқа маълумотлар шу ҳисоб ёрдамида олинади. Шундай килиб, хўжаликда асосан оператив режалаштириш, айрим цех, участка ва бригадалар ишига рахбарлик килишда оператив ҳисоб маълумотларидан фойдаланилади.

Статистик ҳисоб - оммавий-ижтимоий ходисаларни урганиш ва назорат килиш тизимидан иборатдир.

Статистика ижтимоий ҳаёгда руй берадиган оммавий ва айрим типик ходисаларни миқдор ҳамда сифат жихатидан акс эттиради. У факат хўжалик жараёнларинигина эмас, балки жамиит ҳаётидаги маданий ва сиёсий ходисаларни урганиш, уларнинг ривожланиш конуниятларини ҳам уз ичига

олади. Статистик кўрсаткичлар ижгимоий ҳаёт ходисаларини миқдор ва сифат жихатилан ифодалайди. Масалан, статистик ҳисоб саноат корхоналарда товар маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори, меҳнат ва иш ҳақи, меҳнат воситалардан фойдаланиш, ишчиларнинг тоифаси, касблари бўйича сони ҳамда бошқа маълумотларни миқдор, сифат жихатидан урганади. Шунингдек, унинг ёрдамда аҳоли сони, таркиби ҳамда моддий ва маънавий савиясининг ўсиши ҳақидаги маълумотлар ҳам олинади.

Статистик ҳисоб урганилаётган ходисаларнинг хусусиятига қараб миқдор, пул, меҳнат ўлчовларида акс эттирилади. Бошлангич маълумотларни туплаш ва қайта ишлашда ҳисобнинг бу тури ўзига хос махсус усулларга эга. Масалан, статистик кузатиш, бу кузатилган олинган маълумотларни қайта ишлаш, гуруҳлаш, Уртача миқдорни аниқлаш ва бошқалар. Статистика хўжалик фаолияти ҳақидаги дастлабки маълумотларни мустақил ташкил қилинадиган бошлангич ҳужжатлар асосида олади. Бундан ташқари, у маълумотларни яна бухгалтерия ва оператив-техника ҳисоб маълумотларидан фойдаланиш йўли билан ҳам олади. Статистик ҳисобнинг асосий манбаи ҳисобот маълумотлари ҳисобланади.

Статистик ҳисоб ҳисобнинг бошқа турлари каби халқ хўжалиги ҳисоб тизимида муҳим ўрин тутadi. Ундан ҳисобнинг бошқа турлари сингари халқ хўжалиги режаларининг бажарилиши туғрисидаги маълумотлар олинбгина қолмасдан, балки халқ хўжалиги режасини тузишда, режа топшириқларини ошириб бажариш, ички резервларни аниқлаш ва ишга солишда ҳам фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисоб - бу қўндалик ва умумий маҳдумотлар олиш маусида айрим корхона, акциядорлик жамияти, муассаса, ташкилот ва бошқаларнинг хўжалик фаолияти ўзлуксиз равишда кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборатдир.

Корхонадаги маблағларнинг умумий миқдори, ўшбу корхонанинг бошқа корхона ва муассасалар билан ҳисоб-китоб ишларининг ҳолати, хўжаликда бўлган моддий бойликларнинг ҳар қил турлари ва қўндаликларнинг миқдори туғрисидаги ва бошқа маълумотлар бухгалтерия ҳисоб ёрдамида олинади. Булардан ташқари, ҳисобнинг бу тури ёрдамида сотиб олинган ва тайёрланган материал, ёнилгининг ҳамда ишлаб чиқариладиган ва сотилган тайёр маҳсулотларнинг ҳажми ва таннаҳи, корхона қўндалик-хўжалик фаолиятининг натижаси аниқланади.

Бухгалтерия, ҳисобни қўнчилиқ қолларда «бизнес алифбоси» деб аташади. Чўнки бухгалтерия қаланси, қўнқавий натижалар ва ўларнинг сарфланиши ҳақидаги ҳисобот, йиллик ҳисоботга тушўнтириш ҳати қаб қўндалик ҳисоб маълумотларидан бизнесда қенг фойдаланилади.

Инвестор (маблаг қўйувчи)лар, қўн етқазиб берувчилар, кредиторлар, банқлар, буюртмачилар қўн қўнқарувчи ва қўнқўнни бажарувчи ҳуқўмат орқали қўн қўнқоти маълумотларидан фойдаланувчилар бўлиб, ҳисобланади. Инвесторлар ва ўларнинг махлаҳатчиларини қўнқор қўнқонанинг қўнқавий баруарорлигини тавсифлайдиган, унинг қелқўсида ривожланишини таъминлайдиган, эҳлўн қилинган дивидентларни тулаш

кобилиятига доир маълумотлар купрок кизикгиради. Мол етказиб берувчилар, кредиторлар ва банкларни, асосан, корхона тулов кобилиятига доир маълумотлар, масалан, пул маблағлари холати, тайёр маҳсулот захиралари, дебиторлик қарзлари холати ва бошқа маълумотлар купрок кизиктиради. Давлат органларини эса хўжалик субъекти фаолиятини тартибга солиш, солиу сиёсатини ишлаб чиқиш, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга оид маълумотлар кизикгиради.

Бухгалтерия ҳисобда ҳамма ҳисоб улчовлари қўлланилади, аммо пул улчови бу уринда алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ёрдамида корхона, ҳиссдорлик жамияти, уюшма, концерн маблағларининг умумий миқдори, ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси каби умумлашган кўрсаткичлар аниқланади. Бухгалтерия ҳисобнинг муҳим ва ҳисобнинг бошқа турларидан фарклантирувчи хусусиятларидан бири ҳундан иборатки, унда корхона ҳужалвк фаолиятининг ҳамма томони акс эттирилади. Хўжаликда руй берадиган бирор узга риш (пул улчовида акс эттириш мумкин булган) унда уз аксини топмай қолмайди. Чунки бухгалтерия ҳисоб ёрдамида корхона хўжалик фаолияти ҳақида аниқ маълумот олинади.

Бухгалтерия ҳисобда хўжалик операцияларини биринчи бор руйхатга олиш ҳужжатлар ёрдамида амалга оширилади. Ҳамма ҳужалих операцияларини уз ичига олган ҳужжатларнинг булиши бухгалтерия ҳисобга корхона хўжалик фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар олиш имконини беради.

Ҳужжат тузиш корхона, уюшма, концерн, муассаса тезкор ходимлари зиммасига юклатилади. Ҳужжатлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш эса ҳисоб ходимлари томонидан олиб борилади.

Демак, бухгалтерия, ҳисоб корхоналарда содир бўлаётган хўжалик жараёни ва операцияларини пул ифодасида ёппасига, узлуксиз, узаро боғланган, ҳужжат билан асосланган ҳолда акс эттиришни таъминлайди. Ҳисобнинг бу тури оператив ҳисобдан фарқ қилиб, айрим хўжалик операциялари ёки жараёнларини эмас, балки корхона хўжалик фаолиятининг ҳамма томонини қамраб олгани учун статистик ҳисоб каби мустақил иқтисодий фан ҳисобланади.

Ҳисобнинг юқорида қайд этилган бу уч тури бир-бири билан узаро боғланган бўлиб, ягона ҳалқ ҳужалиги ҳисоб тизимини ташкил қилади.

3. Бухгалтерия ҳисоб ва аудитнинг яратилиш тарихи ҳақида

Бухгалтерия ҳисоб бу гуманитар ва ижтимоий аҳамиятга эга булган фандир. Бухгалтерия ҳисобнинг фан сифатида яратилиш тарихи кишилиқ жамиятининг ривожланиш тарихи билан узвий боғланган. Бундан бир неча минг йиллар аввал маълум булган бухгалтерия тушунчаси ва бухгалтерия ҳисоб буйича ёзилган китоблар қатор саволларга жавоб бериши мумкин. Масалан, бпз нимага пул сарфлашимиз, қарзни қандай қайтарамиз, уз бюджетимизни қандай бошқарамиз ва ,.к.

Молия операцияларини руйхатга олишнинг биринчи ёзувлари бундан 4000 йил аввал содир этилганлиги бизга маълум. Жумладан, Египет ер эгалари дон билан туланган солиунинг, ерларни сугориш учун сувдан фойдаланганлик солиғининг ҳисобни юритганлар. Ҳисоб тизимининг ривожланиши биздан аввалги эранинг 2000 йилида Хитойда, иккиёклама бухгалтерия элементилари Римда маълум бўлган. Олимларнинг таъкидлашича, римликларга «амортизация» тушунича ҳам маълум бўлган.

Бухгалтерия ҳисобнинг назарий асослари ким томонидан яратилганлиги борасида куп фикрлар мавжуд. Шунини таъкидлаб ўтиш мумкинки, иккиёклама ёзув тизимидан Шимолий Италиянинг айрим савдо марказларида XIII-XIV асрларда фойдалана бошланган. Биринчи маротаба бухгалтерия ҳисобни бир тизимга солиш Францисканка монахи Лука Пачоли томонидан олиб борилган. У ёзган китоб «Арифметика суммаси, геометрия, пропорция ва муносабатлар ҳақидаги тахлимот» деб номланди. Ушбу китоб асосан математикага бағишланган бўлиб, 1494 йилда нашр қилинди. Математика фанига бағишланган бўлишига қарамадан, китобнинг бир қисми «Счёты ва ёзувлар ҳақидаги тратпар» деб номланди. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоб фани тарихини яратувчилар, бу китоб бухгалтерия ҳисобнинг яратилишига сабаб бўлди, деб таъкидлашади.

Китобда биричи маротаба ҳисобчиларнинг вазифалари, савдогар ва бухгалтерларга қўйиладиган талаблар, иккиёклама бухгалтериянинг асосий гоёси ёритилган, бухгалтерия балансига тушунча берилган. Лука Пачоли трактининг хизмати шундаки, унда биринчи маротаба бухгалтерия ҳисобга ёндашиш тизими баён этилган.

«Бухгалтер» сузи 13 феврал 1498 йилда, яъни Лука Пачоли китоби чиккандаи 4 йил ўтиб, Германияда қўлланила бошлади. Бунга Рим императори иш юритувчини бухгалтер деб аташ ҳақида бўйруқ чиқарганлиги сабаб бўлди.

Иккиёклама ёзув тизими пайдо бўлгандан кейин узок муддат бухгалтерия ҳисоб назарияси ривожланишдан тўхтаб қолди, бу анваламбор, Италия шаҳарларида иктисодининг орқага кетиши билан боғлиқ эди. Бухгалтерия ҳисоб ривожланишининг кейинги босқичи XIX аср охири — XX аср бошлари деб ҳисобланади. Бу вақтга келиб Америка Қўшма Штатлари ва Англияда саноат ишлаб чиқаришининг ривожини, акционерлик капиталининг вужудга келиши, капитал қўйилмаларнинг ўсиши — буларнинг ҳаммаси айрим

бухгалтерия ва молия категорияларини гуруҳлаш ва аниқлаш заруриятини келтириб чиқарди. Масалан, капитал қўйилмаларнинг ўсиши «амортизация» тушунчасидан фойдаланишни, ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотларга бошқарма эҳтиёжи таннарх ҳисоблаш усулини ўйлаб топишни тақозо этди. Мулкдор ва бошқарувчи функцияларининг бўлиниши ҳисоботни нафақат бошқарувчига, балки инвесторлар, кредиторлар ва давлат органларига ҳам тақдим этилишини тақозо қилди.

Шундай қилиб, саноат ривожлана бошлаши билан ҳисоб билан шугулланувчи ходимлар алоҳида касб категорияси бўлиб ажралиб чиқа

бошладилар. 1773 йил Эдинбург шаҳар справочнигида ҳаммаси бўлиб 7 та бухгалтер борлиги таъкидланган. XIX аср охирига келиб Эдинбургда «Бухталтерлар жамияти» тузилганлиги ва актив ишлаётгани кайд этилган. 1880 йилда киролича Виктория Англия ва Шотландияда бухгалтерлар институти ташкил килинишини махкуллаган. Шу даврдан бошлаб бухгалтерлик касби давлат аҳамиятидаги касбга айланган.

Молия ҳисоботларини ташки фойдаланувчиларга тақдим этиш заруриятининг пайдо бўлиши мустауил аудиторлик текширишларини утказишга сабаб бўлди.

«Аудит» сузи «у эшитади», «эшитунчи» деган махнони билдиради. Биринчи мустауил аудиторлар Европанинг акционерлик компанияларида XIX асрдаёқ пайдо бўлган.

Буюк Британияда биринчи аудиторлар XIX аср урталарида пайдо бўлган. 1862 йилда қабул килинган Британия компаниялари ҳақидаги қонун бухгалтерия ҳисоб ва молия назорати бўйича мутахассислар қамида бир йилда бир марта компаниялар счётларини мажбурий текшириши зарурлигини кайд этган. Таъминан ҳудди шу даврга келиб, аудиторлар касби бошқа ривожлаиған мамлакатларда ҳам пайдо бўла бошлади. Жумладан, Францияда акционерлик жамиятлари балансини баҳолаш ва мажбурий текшириш ҳақида қонун қабул килинган. Қонунда текшириш «счётлар бўйича комиссарлар» деб номланувчи ревизорлар томонидан утказилиши кайд этилган.

Ҳозирги вақтда аудит касби олдига қуйиладиган талабни такомиллаштириш борасида халқаро майдонда қураш давом этмокда.

Бу масала билан 1977 йилда ташкил килинган Халқаро бухгалтерлар федерацияси ва бошқа ташкилотлар шугулланади. Халқаро бухгалтерлар федерацияси қошида доимий автоном қумита ҳуқуқида ҳаракат қилувчи аудиторлик амалпёти бўйича Халқаро қомитет ташкил бўлди.

Ўзбекистонда аудиторлик касби 1990 йиллардан бошлаб ривожлана бошлади. Бозор муносабатларининг ривожланишида бозор инфраструктураси унинг ажралмас элементи сифатида вужудга келди. Ҳозир бугун дуиёда, жумладан, ўзбекистонда аудит дейилганда, ташкилот молия, ҳисоботини назорат қилишнинг махсус ташкилий шакли тушунилади. Бошқача суз билан айтганда, аудит — бухгалтерия (молия) ҳисоботининг аниулиги даражаси ҳақида фикр ифода қилиш маусадда бу ҳисоботни мустауил текширилшдир.

Аудиторлик амалиёти бутун дунёда бўлгани қаби ўзбекистонда ҳам узининг ҳусусиятларига эга. У ҳар бир мамлакат ҳусусиятларини, унииг давлат тузилиши тизими, иқгисодий ривожланиш даражаси ва бошқаларни узида акс эттиради.

Ҳозирги қунга келиб бизда бухгалтерия ҳисоб ва аудиторлик фаолияти бўйича қатор стандартлар мавжуд: Бухгалтерия ҳисоб Миллий Стаидарти (БХМС) ва Аудиторлик Фаолияти Миллий Стандарти (АФМС).

Қорхона, акциядорлик жамияти, муассаса ва ташкилотларда юритиладиган бухгалтерия ҳисобнинг муҳим вазифаларидан бири режа топширикларинииг бажарилиши устидан назорат урнатишдир. Қорхоналар

ва уларнинг айрим қисмлари фаолияти учун белгиланган режа топшириқларининг бажарилиши устидан назорат бухгалтерия ҳисоб маълумотлари асосида олиб борилиб, унинг ёрдамида ҳисоб кўрсаткичлари узлуксиз режа кўрсаткичлари билан таққосланади ва уртадаги фарқи, унинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади.

Республикамиз беҳисоб бойликларга эга. Аммо ҳўжалик юретишнинг янги тизими шароитида моддий бойликларни сақлаш ва улардан тоғри фойдаланиш устидан назорат

Бухгалтерия ҳисобнинг вазифалари урнатилганда ҳисоб ҳамда назоратнинг аҳамияти янада ошади. Мулкчилик шартларини ривожлантириш ва қуриқлашда бухгалтерия ҳисоб муҳим рол ўйнайди. Унинг ёрдамида ҳўжаликдаги моддий ва пул маблағларининг ҳаракати назорат қилиб борилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қорхоналарнинг асосий қисми ўз фаолиятини тоғла ҳўжалик ҳисоб асосида амалга оширади. Ҳўжалик ҳисоб маҳсулот ишлаб қўқариш билан боғлиқ булган ҳаражатларни, ҳўжалик фаолияти натижаларини қул шаклида ифодалаш ҳамда қорхона ва муассаса ҳаражатларини уларнинг ўз даромадлари ҳисобдан қоплаш ва ишлаб қўқариш рентабеллигини таҳмиллашга асосланган. Тоғла ҳўжалик ҳисобни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қорхоналар мустауиллитини таъминлаш, уларнинг қабул ўилган мажбуриятларини бажаришда моддий жавобгарлиқни қўқайтириш, ходимларнинг қакат ўз топшириқларини бажаришдагина эмас, балки қорхонаини ўмумий иш натижаларини яхшилашдан моддий маифааторлиқларини ошириш лозимдир. Бу тадбирларни амалга оширишда бухгалтерия ҳисоб муҳим рол ўйнаб, унинг ёрдамида ҳаражатларнинг ҳақиқий баҳоси билан режада қўрсатилган баҳоси ўртасидаги фарқ, қўқимларни қамайтириш имқониятлари ўз вақтида аниқланади жами ҳўжалик молия натижалари ҳақидаги маълумотлар олинади.

Иқтисод қилиш тартиби ҳўжалиқни юретишнинг асосий ўсули ҳисобланади. Ў халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларида моддий ва пул маблағларини, иш вақтини тежашдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоб ёрдамида маблағларнинг тоғри сарфланиши устидан назорат олиб борилади ҳамда ҳўжалиқда рўй берадиган ҳар қандай ортиқча сарфлашлар тоғрисида ўз вақтида қорхона раҳбарлиги ва маҳмуриятга маълумот бериб турилади. Ҳисоб маълумотлари асосида материалларни сарфлаш меъёрига риоя қилиниши, меҳнатга ҳақ тоғлашнинг тури олиб борилиши ва бошқалар аниқланади.

Демак, ҳар бир қорхонада иқтисод қилиш тартибини амалга оширишда бухгалтерия ҳисоб муҳим восита ҳисобланади. Булардан ташқари, ҳисобчилар режалаштириш идораларини, маҳмуриятни зарур буладиган қўшимча иқтисодий маълумотлардан ҳам воқиф этиб боришлари зарур.

Режалаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни янада тақомиллаштириш ўчун қорхоналар, цехлар ва бошқа ишлаб қўқариш ўчалқалари ҳаражатлари тоғрисида батафсил маълумотлар зарур булади.

Уларсиз цехлар, участкалар ҳамда айрим ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ва моддий жавобгарлигининг узаро боғланган ягона тизимини амалга ошириш мумкин эмас.

4. Бухгалтерия ҳисобнинг предмети

Бухгалтерия ҳисоб, асосан, корхона, уюшма, концерн, акциядорлик жамияти, муассаса, ташкилотларда юритилади ва шу хўжаликлар фаолиятини кузатиб бориш ҳамда назорат килиш маусадига хизмат килади. Корхоналар хўжалик фаолиятининг асосий мазмуни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришдан бошқа соҳада эса ижтимоий масулотни таксимлаш ва истехмол килишдан иборат.

Ишлаб чиқариш соҳасига халк хужалигининг саноат, кишлок хужалиги, қурилиш, савдо моддий-техника таъминоти ва бошқа тармоклари киради. Уларда ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш фондларининг айланиши тарзида амалга оширилади. Корхона фондлари ишлаб чиқариш, таксимлаш, муомала ва истехмол килиш жараёнларига хизмат килиб, тухтовсиз айланишда бўлиб туради. Бухгалтерия ҳисоб айланиш жараёнида ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни ва уларнинг ҳолатини акс эттиради.

Ноишлаб чиқариш соҳасига укув, илмий, аҳолига маданий-маиший хизмат курсатувчи муассасалар, давлатни бошқариш ва мудофаа килиш органлари киради. Бундай муассасалар ва ташкилотлар уз вазифаларини бажаришлари учун давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади. Шундай килиб, ноишлаб чиқариш соҳасида моддий ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ижтимоий маҳсулот таксимланади ва истехмол килинади, бухгалтерия ҳисоб бундай муассаса ва ташкилотларда улар учун ажратилган маблағнинг туғри сарфланишини назорат килиб туради. Ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқаришдан ташқари, бухгалтерия ҳисоб иш кучи ва ишлаб чиқариш муносибатларини такрор ишлаб чиқаришни ҳам уз ичига олади. Бундай вақтда унинг роли ишчи кучи тайёрлаш билан боғлиқ ҳар хил харажатларни акс эттириш ва назорат килиб боришдан иборат.

Шундай килиб, бухгалтерия ҳисобиинг предмети ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жараёнида айрим корхона, уюшма, концерн, муассаса, ташкилот, биржа маблағларининг ҳолати ва улардан фойдаланишни акс эттиришдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоб предметининг мазмуни турли ижтимоий-иқтисодий босқичда бир хил бўлган эмас. Унинг узгариши бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишда мулкчилик шаклининг узгариши билан тавсифланади. Ибтидоий жамоа тузуми ҳам ҳисоб предмети бўлиб, у жамоа маблағлари ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ операцияларни ҳал қилган. Қулдорлик жамияти ишлаб чиқариш муносибатлари ишлаб чиқариш воситаларига қулдорларнинг мулкчилиги асосида тузилган. Бу жамиятда фақат қулдорларнинг маблағларигина эмас, балки қуллар ҳам ҳисоб предмети сифатида ҳисобга олинган. Феодал жамиятида бухгалтерия ҳисобни ҳукмрон

синф мулки ва крепостной дехконлар, капитализмда эса хусусий капиталнинг айланиши ташкил уилган. Социализмда бухгалтерия ҳисоб предметининг хусусиятлари социалистик мулкчиликнинг ижтимоий характери билан боғланган. Демак, ҳисоб предметининг мазмуни у ёки бу ижтимоий босқични тавсифловчи мулкчилик шакли билан аниқланади.

Бозор иқтисодиётига угиш жараёнида давлат мулки хусусийлаштирилиб борилади, чунки иқтисодиётни эркинлаштириш давлат мулки ҳукмронлигини тугатишни такозо этади. Давлат мулки жамоа мулкига, фуқаролар мулкига ва хусусий мулкка айлаштирилади, айрим ҳолларда давлат мулки фойдаланиш учун ижарага берилади. Республикамиз юқори ҳукумат органи бозор иқтисодиётининг ҳукукий асосларини мустаҳкамлаб берадиган қатор қонунлар ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Буларга «Қорхоналар туғрисида», «Тадбирқорлар туғрисида», «Ер туғрисида»ги ва бошқа Қонунларни мисол қилиб келтириш мумкин. Уларда мустақил республикамизда қандай мулк шакллари амал қилиши лозимлиги тасдиқланган.

Бозор — бу маълум қонун-қоидалар асосида маҳсулотларни сотиш, сотиб олиш, истехмол қилиш, тақсимлаш жараёнлари натижасида қишлоқ уртасида вужудга келадиган му- носабатлардир. Энг муҳими шуки, бу жараён эркин амалга ошади, яъни маҳсулотга нарх эркин қўйилади. Бозорга маҳсулотни сотиш учун олиб чиққан сотувчи уз меҳнати самарасидан манфаатдор бўлиши лозим. Шундагина унда янада қупрок ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш иштиёқи пайдо бўлади, натижада маҳсулотлар мул-қуллиги таъминланади, бу эса ҳақиқий рақобатни вужудга келтиради.

Бухгалтерия ҳисоб предметининг моҳияти унда ҳисобга олинадиган объектлар, қорхоналар ихтиёридаги хўжалик маблағлари, уларнинг қелиб қиқиш манбалари ва хўжалик жараёнлари орқали очиб берилади.

Қорхона ёки муассасалар, уюшма, қонцерн, акциядорлик жамияти ихтиёрида маълум миқдордаги маблағларнинг бўлиши уларнинг уз фаолиятини амалга оширишининг муҳим шартларидан биридир.

Маблағларнинг миқдори, тури, улардан фойдаланиш шакли қорхона ёки муассаса фаолиятининг ҳажми ва характериға боғлиқ. Қорхона маблағлари тури ҳамда жойланишиға қура ишлаб чиқариш доирасидаги, муомала доирасидаги саноатға тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжалиқлар маблағлариға бўлинади. Ишлаб чиқариш доирасидаги маблағлар бажарадиган вазифасиға қараб меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлариға бўлинади.

Меҳнат воситалари ишлаб чиқариш жараёнида узок вақт хизмат қилади ва шу вақт ичида узининг натурал шаклини сақлаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қийматиға уз қийматини утқазиб боради. Уларға машина, усқуналар, бино ҳамда иншоотлар, транспорт воситалари, хўжалик инвентарлари, асбоб-усқуналар ва бошқа маблағлар қиради. Бу воситалар уз қиймати, хизмат қилиш муддатиға қараб асосий воситалар ҳамда инвентар ва хўжалик анжомлариға бўлинади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида ва ишлаб чиқаришға тааллуқли бўлмаган соҳада узок муддат давомида (бир йилдан ортиқ) ҳаракатда бўладиган ҳамда ижараға

топширилиб ҳам фойдаланиладиган моддий активлар асосий воситалар деб аталади ва улар саноат корхоналарининг моддий-техника базасини ташкил қилади. Ушбу шартларга жавоб бермайдиганлари инвентар на анжомлар деб аталади.

Меҳнат буюмларига маҳсулот тайёрлашда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш захиралари киради. Уларга хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёкилги, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқалар киради. Уларнинг хусусиятларидан бири шундаки, улар битта ишлаб чиқариш жараёнида истехмол қилинади, яъни узининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қийматига бутунлай утказилади.

Хом ашё ва асосий материаллар деб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосини ташкил қиладиган меҳнат буюмларига айтилади.

Ёрдамчи материаллар асосий материаллардан фарқ қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил қилмайди, балки маҳсулот ишлаб чиқаришда бирон-бир восита сифатида иштирок этади. Ёкилги уз моҳиятига қараб ёрдамчи материалларнинг бир тури ҳисобланади. Лекин унинг халқ хужалигида катта аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, ёрдамчи материаллардан алоҳида гуруҳга ажратилади.

Ярим тайёр маҳсулотларга шундай меҳнат буюмлари кирадики, улар баъзи бир қайта ишлаш босиқларини утаган бўлса-да, хали тайёр маҳсулот ҳолига келтирилмаган бўлади. Уларнинг хусусиятларидан бири қайта ишлашнинг технологик жараён режасида қурсатиладиган ҳамма операциялари бирон-бир цех ёки ишлаб чиқариш участкасида утган бўлиб, кейинги цех ёки участкага қайта ишлаш учун беришга мулжалланган бўлади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ярим тайёр маҳсулотлардан фарқ қилиб, бирон-бир цех ёки участкада қайта ишлаш жараёнини утаб бўлмаган меҳнат буюмларидир. Уларга бевосита иш жойлари, дастгоҳларда қайта ишлаш жараёнини утаётган меҳнат буюмлари киритилади.

Муомала босқичидаги маблағларга тайёр маҳсулот, пул маблағлари, ҳисоблашишдаги маблағлар ва муомалага хизмат қилувчи маблағлар киради.

Тайёр маҳсулот — бу ишлаб чиқариш жараёнининг натижасидир. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат маҳсулотига ҳамма ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот киради.

Корхона ва муассасаларнинг пул маблағлари давлат банкида сақланади. Бунинг учун банк ҳисоб-китоб счётларини очади. Корхона ҳисоб-китоб счётидан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тулаш, хўжалик ҳамда бошқа харажатлар учун зарур бўлган тақдирда керакли пул маблағларини олади. Уйдан ташқари, шу счёт орқали ушбу корхонанинг бошқа корхона ва муассасалар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини олиб боради.

Корхона кассасида нақд пул унчалик куп бўлмаган миқдорда сақланади. Кассада сақданиши лозим бўлган нақд пул миқдори давлат банки томонидан белгиланади.

Ҳисоблашишдаги маблағларга дебиторлик қарзлари киради. Дебиторлар дейилганда ушбу корхонага қарзини уз муддатида туламаган корхоналар ва

айрим шахслар тушунилади. Масалан, корхона тайёр маҳсулотни харидорга жунатгандан кейин маҳсулотни жунатиш билан ушбу маҳсулот учун харидордан ҳақ олиш уртасида маълум бир вақт утади. Бу вақт давомида харидорларга жунатилган маҳсулот бухгалтерия ҳисобнинг объекти ҳисобланади. Харидор-корхона эса ушбу бухгалтерия ҳисобда дебитор деб ҳисобга олинади.

Дебиторлик қарзи бошқа сабабларга қура ҳам, масалан, корхона ходимларига маълум бир маусадар учун материал, ёкилги сотиб олиш, хизмат сафари харажатлари учун бунақ (аванс) берилиши ва бошқа вақтларда ҳам вужудга келади.

Бундай қарз тури дебиторлардан қорхонанинг ҳисоб-китоб счёти ёки қассасига пул келиб тушгандан сунг узилган ҳисобланади.

Муомалага хизмат қилувчи маблағларга ушбу соҳада фойдаланиладиган қар хил қинолар, қскуна ва инвентарлар қиради. Масалан, тайёр қасулотлар оқбори қиноси, оқбордаги ҳўжалиқ инвентарлари, тарозилар ва бошқалар. Саноатга тааллуқли булмаган ишлаб қиқариш ва ҳўжалиқ маблағларига ушбу қорхонадаги уй-қой, маданий-маиший ва соғлиқни сақлаш маусадларига хизмат қилувчи маблағлар қиради. Масалан, клуб, болалар боғқаси ва қаслиси, дам олиш уйлари, амбулатория, тиббий ёрдам қурсатиш қинолари ҳамда улардаги қскуналар. Бу маблағлар қорхона қодимлари ва уларнинг оила аҳзолари учун хизмат қилади.

Ишлаб қиқариш доирасидаги меҳнат буюмлари ва муомала босқичидаги маблағлар қорхонанинг айланма маблағлари деб қуритилади. Шундай қилиб, қорхона маблағлари асосий ва айланма маблағларга булинишини аниқудадик.

Айланма маблағлар меъёрлаштириладиган ва меъёрлаштирилмайдиган маблағларга булинади. Меъёрлаштириладиган айланма маблағларнинг миқдори режада белқиланган булади, уларнинг энг оз миқдори маҳсулот ишлаб қиқариш ва сотиш режасини бақариш учун зарур булган қорхона эҳтиёжи асосида аниқланади. Меъёрлаштириладиган айланма маблағларга қом ашё, материал, ёкилги, идишлар, таъмир учун эҳтиёт қисмлар, арзон бақоли ва тез эскирувчи буюмлар, тугалланмаган ишлаб қиқариш, тайёр маҳсулот, қелгусида қилинадиган харажатлар қиради.

Бошқа айланма маблағлар меъёрлаштирилмайдиган айланма маблағлар ҳисобланади. Уларнинг миқдори режада белқиланмайдик. Меъёрлаштирилмайдиган айлаима маблағларга қасса, ҳисоб-китоб счёти ва балансидаги бошқа счётлардаги пул маблағлари, жуиатилган товарлар, ҳисоб-китобдаги маблағлар қиради.

Асосий ва айланма маблағлардан ташқари, бухгалтерия ҳисобда қорхона оборотидан четлатилган маблағлар ҳам ҳисобга олинади. Буидай маблағларга фойдадан республика бюджетига, маҳсус фондларга ажратмалар ва бошталар қиради. Асосий, айланма ва четлатилган маблағлар бухгалтерич ҳисобнинг асосий объектлари ҳисобланади.

Қорхона маблағлари қар хил манбалар ҳисобга ташқил тоқиб, уларнинг келиб қикиш манбаларини қуйидаги қуруқларга булиш мүмкин:

1. Қорхонага бирқитилган маблағлар манбаи.

2. Банк кредитлари.
3. Кредиторларнинг қарзлари.
4. Ижтимоий маҳсулотни таксимлаш бўйича мажбурият.
5. Фойда, даромад.

Хар бир саноат корхонаси у ёки бу маҳсулот турини ишлаб чиқаришга мулжалланган. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни тухтовсиз давом этиб туриши учун аввал таъминот, кейин эса сотиш жараёнини амалга ошириш лозим. Бу учта босқич корхона маблағларининг тухтовсиз айланишини ташкил қилиб, ҳамма вақт бир-бирининг урнини алмаштириб туради.

Таъминот жараёни тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат буюмларини, яъни хом ашё, материал, эҳтиёт қисмларни сотиб олиш ва тайёрлашдан иборат. Модомики, бу меҳнат буюмлари бир ишлаб чиқариш жараёнида узининг қийматини тулалигича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қийматига утказар экан, ишлаб чиқариш жараёнини тухтовсиз давом эттириш учун корхона бу буюмлар захирасини доимо тулдириб бориши лозим.

Таъминот жараёнидаги бухгалтерия ҳисоб объекти шу жараён харажатлари, яъни сотиб олинган ёки тайёрланган меҳнат буюмларининг ҳақиқий таннарихи, сони ва ассортименти ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчилар ишлаб чиқариш курулларини ҳаракатга келтириб, бу куруллар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бу жараёндаги бухгалтерия ҳисобнинг объекти маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сони ва ассортименти ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида яратилган маҳсулотлар сотишга мулжалланган.

Сотиш жараёнида ҳам бухгалтерия ҳисобнинг объекти маҳсулотни сотиш (утказиш) билан боғлиқ харажатлар, сотилган маҳсулотнинг сони ва ассортименти, маҳсулотнинг тула таннарихини ҳамда корхона молия ишлаб чиқариш фаолияти натижасини аниулаш ҳисобланади.

Ушбу санаб утилган объектлар биргаликда бухгалтерия ҳисоб предметини ташкил қилади. Хўжалик маблағларининг таркиби, ташкил топиш манбалари, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда белгиланган режа топшириқларини бажаришда юз берадиган хўжалик жараёнлари бухгалтерия ҳисобнинг предмети ҳисобланади.

Таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш айрим хўжалик операцияларидан ташкил топади. Масалан, таъминот ва сотиш жараёнлари сотиш ва харид қилиш билан боғлиқ катор хўжалик операцияларидан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш жараёни эса меҳнат буюмларининг сарфланиши, меҳнат воситаларининг эскириши, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ҳамда бошқа узғаришлар билан боғлиқ хўжалик операцияларидан ташкил топади.

Хар бир хўжалик операциясининг асосий мазмуни маблағлар ҳаракати, уларнинг бир шаклдан иккинчисига утишидир. Демак, хўжалик операцияси деб хўжалик жараёнларини амалга оширишдаги корхона маблағлари, манбалари ва хўжалик жараёнларининг ҳаракатига айтилади.

5. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари

Хар бир фан предметини урганиш усули кишилар томонидан йиллаб очилмасдан, балки уша урганилаётган фан хусусиятлари, вазифалари ва унинг олдига куйилган та- лаблардан келиб чикади. Агар у ёки бу фан предмети дейилганда унинг нимани урганихи тушунилса, усули дейилганда уша урганилиши лозим булган нарсани кандай усуллар ёрдамида урганиш тушунилади.

Бухгалтерия ҳисоб усуллари деб унинг предметини урганишга каратилган усуллар йигиндисига айтилади Айрим усуллар унинг элементлари деб аталиб, қуйидагилардан иборат булади: Хужжатлаштириш ва инвентаризация килиш, баҳолаш ва калѓкуляция килиш, счётлар тизими ва иккиёклама ёзиш усули, бухгалтерия баланси ва хужжатлаштириш — бу корхона хўжалик фаолиятини кузатиб бориш, ҳисобга олинадиган хўжалик операцияларини назорат килиш ва акс эттириш асосий усулидир. Хар бир хўжалик операция тегишли расмийлаштирилади Бу ҳолат одатда операциялар содир булаётган пайтда амалга оширилади ва ҳисобнинг бошлангич даври ҳисобланади. Хужжатлардан кейинчалик хўжалик операциялари ҳақидаги маълумотлар гурухлари ва кайта ишлашда фойдаланилади.

Хужжатларда акс эттирилган хўжалик операциялари канчалик ҳақиқатгаа туѓри келих ёки келмаслиги текширилиши учуи ваќти-ваќти билан инвентаризация утказиб турилади.

Инвентаризация бу ҳисоб маълумотлари билан ҳақиқат уртасидаги тафовутни бартараф Килиш учун корхона маблағлари натура ҳолатини, ушбу корхонанинг бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоб ишларини текпгириш усулидир. Инвентаризация давомида корхона маблағларининг ҳақикий натурал ҳолдаги аниқланади ва олинган маълумотлар ҳисоб кусаткичлари билан солиштирилади. Аниуланган тафовут, яъни маблағларннинг ортикча ёки кам чикиши тегишли актларда расмийлаштирилади ва ҳисобда акс эгттирилади.

Шундай килиб, инвентаризация ёрдамида корхона ёки муассаса маблағлари ҳақидаги ҳисоб маълумотлари маблағларнинг ҳақикий натурал колдиги маълумотлари билан мувофиклаштирилади. Бу жараён давомида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоб ишларининг туѓри ёки нотуѓрилиги ҳам текширилади.

Баҳолаш — корхона маблағлари ва уларнинг келиб чикиш манбаларининг пул улчовида ифодаланишидир. У хар хил турдаги материал, ёкилгиларни ягона пул улчовида умумлаштириш имконини беради. Баҳолаш ёрдамида корхона уз ихтиёридаги бойликларни, асосий ва айланма маблағларнинг умумий суммасини аниулайди.

Калѓкуляция — ишлаб чикарилган маҳсулот ва сотиб олинган моддий бойликларнинг таннарини аниулаш усули бўлиб, бухгалтерия ҳисоб объектлари ҳақида умумлашган маълумотлар олиш учун зарур.

Хужжатлардаги маълумотлар баҳолангандан сунг уларни маълум тартибда гурулаш ва умумлаштириш керак. Бунинг учун эса бухгалтерия

ҳисобда счётлар тизими қўлланилади. Хўжалик маблағларининг ҳаракатини гурухлаш ва кун сайин акс эттириб бориш учун хўжалик операциялари счётларга руйхатлаштириб борилади.

Счётлар тизими ҳисоб объектларини уларнинг икгисодий мазмунига кура гурухлаш учун хизмат килади. Бу эса счётлар тизими ёрдамида корхона хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва режа топширикларининг бажарилиши ҳақида маълумотлар олиш имконини беради.

Хар бир хўжалик операцияси бухгалтерия ҳужжатларига асосан счётлар тизимида иккиёклама ёзиш усули билан руйхат қилинади. Иккиёклама ёзиш усулининг хусусияти шундаки, хар қандай хўжалик операциясига тегишли бир сумма бухгалтерия ҳисобда шу вақтнинг узида иккитадан кам бўлмаган счётда акс эттирилади. Хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисобнинг счётларида акс эттириш иккиёклама ёзиш усули ёрдамида амалга оширилади бу усул хўжалик операцияси икки тарафламалигидан келиб чиқади.

Бухгалтерия баланси маълум бир муддатга хўжалик маблағлари ҳолати ҳақида пул шаклида умумлашган маълумотлар олиш учун хизмат килади. Балансда корхона маблағларининг жойланиши ва таркиби, маблағлар манбаларининг ташкил топиши ҳақидаги маълумотлар келтирилади

Ҳисобот — бу маълум бир муддатга корхона ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти натижалари ҳақида умумлашган маълумотлар олиш усулидир. Баланс ва ҳисобот ёрдамида хар бир корхона хўжалик фаолияти натижалари яқунланади

Айтилган бутгаерия ҳисоб усулининг бундай элементлари амалда бири-биридан ажралган ҳолда эмас, балки бир бутуи ҳолда қўлланилади шундай қилиб бухгалтерия ҳисоб ёрдамида ҳам жараёни ва операцияларни кузатиш, уларии ҳужжатларда расмийлаштириш ҳисоб маълумотлари фаолиятининг ҳақиқий ахволига мувофиқ қилиши устидан жорий кузатиш ва назорат олиб боришга эришиш юқорида айтилгаилар асосида бухгалтерия ҳисоб усулини қуйидагича таърифлаш мумкин: бухгалтерия ҳисоб усули деб шуидай усуллар ва йуллар йигиидисига айтилади улар ёрдамида бухгалтерия ҳисобни предмети акс эпирилади.

6. Бухгалтерия ҳисобига давлат раҳбарлиги

Ҳисобнинг барча турлари бўйича умумий раҳбарлик республика Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоб ва аудити услубияти бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бу бошқарма дастлабки ҳисоб масалалари бўйича халқ ҳужалиги тармоқларига умумий раҳбарлик ҳисоб ишларини механизациялаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш устида иш олиб боради ҳамда дастлабки ҳисобнинг типик шартларини ишлаб чиқиб нашр қилдиради, барча корхона, муассаса, уюшма, концерн ҳамда ташкилотлар учун мажбурий бўлган ҳисоб ва ҳисобот масалалари бўйича йуриқнома, услубий курсатмалар ишлаб чиқади.

Бухгалтерия ҳисобни туғри ташкил килиш буйича методологик раҳбарлик ҳам Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоб ва аудити услубияти бошқармаси томонидан олиб борилади.

Молия Вазирлиги Республика Макроиктисодиёт ва Статистика Вазирлиги билан келишилган ҳолда бухгалтерия ҳисоб счётлар режасини, бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоботининг типик шартларини, улардан фойдаланишга оид йуриқномаларни тасдиқлайди, бухгалтерия ҳисобни яхшилаш ва ихчамлаштиришга доир таклифларни жорий этади.

Корхона, муассаса, ташкилотларда бухгалтерия ҳисобга раҳбарлик бош бухгалтер томонидан олиб борилади. Корхонадаги ҳамма ҳисоб ходимлари бош бухгалтер ихтиёрида бўлади. У эса, уз навбатида, махмурий томондан корхона раҳбарига, ҳисоб ва ҳисобот ишларини ташкил килиш буйича эса юқори ташкилотга, вазирлик (бошқарма) ёки концерн бош бухгалтерига бўйсунди. Бош бухгалтер ҳисоб ва ҳисобот ишларини туғри ташкил килиши, мулкни саклаш, пул ва моддий бойликлар туғри сарфланиши устидан назоратни таъминлаши, моддий ва пул маблағларини қабул килиш ва сарфлаш буйича ҳужжатларни туғри ва уз вақтида расмийлаштириши инвентаризация утқизиш, смета ва молия тартибларига риоя килиш устидан назоратни таъминлаши лозим. Айтиб утилган вазифаларни амалга оширишда бош бухгалтер маълум ҳуқуқларга эга. Масалан, унинг ҳисоб, ҳисобот ва назорат олиб бориш буйича барча курсатмалари ушбу корхонадаги ҳамма бўлим ходимлари учун мажбурий. Ҳамма бўлимлар ҳисоб ва назорат учун зарур бўлган ҳужжатлар, буйруқ ва бошқа материалларни бош бухгалтерга уз вақтида етказиб беришлари шарт.

Ҳисобот ва баланслар корхона раҳбаридан ташқари бош бухгалтер томонидан ҳам тасдиқланади. Ундан ташқари, пул, материалларни қабул килиш ва сарфлашда асос бўлиб ҳисобланувчи ҳужжатлар ҳамда кредит, ҳисоб-китоб буйича мажбуриятлар ҳам бош бухгалтер томонидан тасдиқланади.

Хўжалик юритишнинг янги тизими — бозор иқтисодиётига утиш шароитида ҳисоб ва назорат ишларининг ташкилотчиси сифатида бош бухгалтернинг роли ошади.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ВА ҲИСОБОТ.

- 1. Бухгалтерия баланси туғрисида умумий тушунча**
- 2. Бухгалтерия балансининг тузилиши ва моҳияти.**
- 3. Хўжалик муомалалари таҳсирида бухгалтерия баланси узгариши**
- 4. Ҳисоботнинг моҳияти ва аҳамияти.**

1. Бухгалтерия баланси туғрисида умумий тушунча

Аввал таъкидланганидек, бухгалтерия ҳисобнинг асосий маусади фойдаланувчиларни корхона фаолияти туғрисидаги зарур ахборот билан таъминлаш ҳисобланади. Корхонани самарали бошқариш учун аввало мол-мулк, унинг турлари ва манбалари туғрисидаги маълумотлар зарурдир. Бундай маълумотлар одатда муайян санага (одатда ой ёки чоракнинг биринчи кунига) пул баҳосида, умумлаштирилган гуруҳий қуринишда таудим этилиди. Ушбу маълумотлар бухгалтерия балансини таууслаш йули билан олинади.

Бухгалтерия баланси-пул баҳосида ифодаланган ва муайян санага тузилган, мол-мулкни унинг таркиби ва жойлаштирилиши ҳамда уни шакллантириш манбалари бўйича иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаштириш ва умумлаштириш усулидир.

Баланс уз тузилишига кура икки томонли жадвалдан иборат. Мол-мулкнинг таркиби ва жойлаштирилиши келтириладиган чап қисм «*актив*» деб номланади, ун қисм мол-мулкни шакллантириш манбаларини акс эттиради ва «*пассив*» дейилади. Бинобарин балансининг чап ва ун қисмларида бир нарса, яъни корхонанинг мол-мулки акс этирилади, фауат турли гуруҳларда. Мол-мулкнинг ҳар бир тури корхонага бирор бир манба ҳисобга келиб тушади. Шунинг учун активнинг умумий суммасига тенг булиши керак (баланс валютаси). Баланс (французча *balance-марози*) тенглик, мувозанат маҳноларини англатади.

Баланс умулаштирувчи объектларни акс этиришнинг икки ёулама хусусияти билан тавсифланади, унинг маҳноси шундан иборатки, объектлар балансда икки мартаба курсатилади ва икки жиҳатдан уаралади.

Балансни корхона молиявий ҳолатининг кенг уамровли тасвири билан таууслаш мумкин.

Бухгалтерия баланси корхонанинг ҳисобот даври учун молиявий аҳволи туғрисидаги ахборотининг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Унинг ёрдамида мол-мулкнинг таркиби ва тузилиши, корхонанинг фойда олиши ва унинг ликвидлилиги. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати ва динамикаси белгиланади. Манфаатдор фойдаланувчилар бухгалтерия балансни ахборотини урганиб, корхона нималарга эгалигидан, унинг салоҳияти ва мулкдорлардан олинган мол-мулкни уандай олинган ва уандай фойдаланилаётганлигидан хабардор буладилар.

Бухгалтерия балансининг тулов уобилияти, яъни у узининг жорий (ликвид) маблағлари ва мажбуриятларини уоплай олиши ва унга молиявий қийинчиликлар ҳавф солаётганини аниқланади.

Баланс тенглигини қуйидаги тенглама қуринишида тасаввур этиш мумкин:

$$\text{Активлар} = \text{Мажбуриятлар} + \text{Хусусий капитал} \\ \text{(заём капитали)}$$

Ушбу тенглама бухгалтерия ҳисобнинг асоси ҳисобланади. Бу ерда активлар корхона мол-мулкнинг умумий қийматини

курсатади. Мажбуриятлар (заём капитали) активларнинг камайишини таузо этади, чунки улар уз муддатида юридик ёки жисмоний шахсларга қайтарилиши керак булган кредиторлик қарзи миқдорини курсатади. Хусусий капитал корхонага унинг мулкдорлари уилган қўйилмалар қийматини тавсифлайди ва агар у узининг кредиторлари билан ҳисоб-китоб уилса, мулкдорда уоладиган маблағлардан иборат булади. Шунинг учун ушбу тенгламани қуйидаги қуринишда курсатиш мумкин:

Хусусий капитал = Активлар – Мажбуриятлар

Ушбу тенглама капиталга нисбатан қолдиқ тамойилини акс эттиради, яъни кредиторлар мол-мулкка биринчи навбатда дахво қилишга ҳақлидирлар. Агар кредиторларга нисбатан корхонанинг қарз мажбуриятлари бажарилмаса, улар қарзларни суд оруали ундириш ҳуқуқига эга буладилар. Инвесторлар қолдиқ дахво ҳуқуқигагина эгалар. Айни вақтда тенглама корхона активлари миқдори ва корхона кредиторлари ҳамда мулкдорларининг унинг капиталини шакллантиришда иштирок этиш даражасини курсатади. Корхонанинг молиявий баруарорлиги ана шу нисбатга боғлиу.

Балансинг турли хиллари мавжуд:

- даврий баланс*, у хар бир ой ёки чорақда тузилади;
- йиллик баланс*, бир йиллик иш якунларини тавсифлайди;
- кириш баланси*, янги корхона бунёд этилаётганида ёки илгари ишлаб тургани узгартирилаётганида тузилади;
- йиғма баланс*, вазирликлар, корпорациялар, концернлар томонидан айрим якуний балансларни бирлаштириш йули билан тузилади;
- консолидацияланган баланс*, узаро иқтисодий жиҳатдан боғланган, юридик жиҳатдан мустауил корхоналар балансларини бирлаштириш йули билан тузилади. Бундай балансларни холдинг компаниялари (бошқа компаниялар акцияларининг назорат тупламларига эга булган), шухба ва уарам ташкилотлари билан бирга асосий корхоналар тузадилар;
- брутто-баланс* (италғянча *brutto*-уупол, кир), уз ичига «Асосий воситаларнинг эскириши». «Номоддий активларнинг амортизацияси», «Сотиб олинган хусусий акциялар» сингари тартибга солувчи моддаларни олади;
- нетто-баланс* (италғянча *netto*-тоза), унда юуорида курсатилган моддалар булмаиди.

Чунончи, «брутто» балансида асосий воситалар, мол-мулк тури сифатида, активда курсатилади, уларнинг эскириши эса пассивда. «Нетто» балансида иккала модда активда акс эттирилади, лекин бунда асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати дастлабки қийматидан эскириш чиқариб ташланган ҳолда курсатилади, шунинг учун асосий якунда, яъни баланс воситасида ушбу сумма акс эттирилмайди. «Брутто» балансида пассивда корхона фойдаси, активда эса ундан фойдаланиш курсатилади, айни вақтда «Нетто» балансида пассивда корхона фойда суммаси билан ундан

фойдаланиш уртасидаги фарқ сифатида тақсимланмаган фойдагина курсатилади.

Ҳозирги вақтда узбекистон Республикаси корхоналарида нетто-баланс тузилади, у бухгалтерия ҳисоби халуаро стандартларига махфий келади.

2. Бухгалтерия балансининг тузилиши ва моҳияти.

узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сон буйруғига махфий мулчилик шаклидан уатхий назар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва юридик шахс ҳисобланган, банк ва суғурта ташкилотларидан ташуари барча корхона ва ташкилотлар ягона шакл буйича баланс тузадилар.

Балансининг актив ва пассиви булимларига, булимлар алоҳида гуруҳларга, гуруҳлар эса баланс моддаларига булинади. Мол-мулкнинг айрим турларини, уни шакллантириш манбаларини корхона мажбуриятларини тавсифлайдиган, баланс активи ва пассивининг кўрсаткичи (сатри) бухгалтерия баланс моддаси деб аталади.

Баланс активи икки булимга булинади: *Узоқ муддатли активлар ва айланма активлар.*

Активнинг биринчи булими Узоқ муддатли активларни акс эттиради.

«Асосий воситалар» моддаси буйича корхонада мавжуд булган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати, уларнинг эскириш суммаси, шунингдек қолдиқ қиймати курсатилади.

«Номоддий активлар» моддаси корхона тасарруфида булган, сезилмайдиган объектлар қийматини дастлабки қиймати буйича тавсифлайди.

Кейинги «Эскириш» моддаси ушбу активларнинг уопланган қиймати суммасини курсатади. «Қолдиқ қиймат» моддасининг суммаси эскириш чиқариб ташланган ҳолда дастлабки қиймат сифатида ҳисобида ҳисоб-китоб уилинади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартлари (Б.Х.М.С.) ҳауида тушунча, уларнинг аҳамияти, асосий уоидалари ва принциплари (№0 Б.Х.М.С.); №1 Б.Х.М.С «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий сиёсат; №2 Б.Х.М.С «Асосий фаолияти даромадлари»; №3 Б.Х.М.С «Молиявий натижалар туғрисидаги ҳисобот»; №4 Б.Х.М.С «Товар-моддий захиралар»; №5 Б.Х.М.С «Асосий воситалар»; №6 Б.Х.М.С «Лизинг ҳисоби»; №7 Б.Х.М.С «Номатериал активлар»; №8 Б.Х.М.С «Умумлаштирилган молиявий ҳисобот шухба ҳўжалик жамиятларига уилинган инвестициялар»; №9 Б.Х.М.С «Пул оқимлари туғрисида ҳисобот»; №10Б.Х.М.С «Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамининг моҳиятини очиб бериш»; №11 Б.Х.М.С «Илмий-тадуиуот ва тажриба конструкторлик ишланмалари»; №12 Б.Х.М.С «Молиявий инвестициялар ҳисоби»; №13 Б.Х.М.С «Бир акцияга туғри келадиган фойда»; №14 Б.Х.М.С «Қушма фаолиятда иштирок этиш улушини молиявий ҳисоботда акс эттириш»; №15 Б.Х.М.С «Бухгалтерия баланси»; №16 Б.Х.М.С «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги ҳўжалик фаолиятида содир булган ходисалар ва кузда тутилмаган ҳолатлар»; №17 Б.Х.М.С «Капитал уурилиш учун пудрат шартномалари».

Мазмуни, асосий турлари: йуриуномалар, тавсиялар ва бошқалар. Корхонанинг ҳисоб сиёсатини шакллантирадиган ишчи ҳужжатлар. Корхонанинг ҳисоб сиёсатини тузиш (намунавий).

Корхонанинг ҳисоб сиёсати. Корхонанинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича биринчи стандартлардан ҳисобланган №1-»Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» деган стандартга асосан ишлаб чиқилади. Бу ҳужжат корхона ичида фойдаланилиб бухгалтерия ҳисобини юритиш учун уоидаларининг чегараларини белгилайди, агар улар куп вариантли таркибдан иборат бўлса.

Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати деганда корхона томонидан танлаб олинган, бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллариининг йи`индиси тушунилади. Булар: хўжалик фаолиятининг дастлабки кузатиш, қиймат улчовида ифодалаш, муомалаларни жорий тартибда гуруҳлаш ва умумлаштириш.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига хўжалик фаолиятидаги фактларни гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини уоплаш ҳужжатлар айланишини ташкил этиш, инвентаризация, бухгалтерия ҳисоби счетларини ууллашусуллари, бухгалтерия ҳисобининг регистерлар тизими, ахборотларга ишлов бериш ва бошқа тегишли усуллар киради.

Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати бош бухгалтер томонидан ишлаб чиқилади ва раҳбар буйруги билан тасдиқланади.

Ҳисоб юритиш сиёсатининг мазмуни. Ҳисоб сиёсатини тасдиқлашда:1. бухгалтерия ҳисобининг ишчи счетлар режаси; 2. дастлабки ҳисоб ҳужжатларининг шакллари; 3. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш методлари; 4. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш тартиби; 5. Ҳужжатлар айланиш уоидалари ва ҳисоб ахборотларига ишлов бериш технологияси; 6. Хўжалик муомалалари устидан назорат урнатиш, шунингдек бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун зарур бошқа ечимлар ҳам уабул уилинади. Ҳисоб юритиш сиёсатига узгартириш киритиш тартиби.

Саволлар:

1. Марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган бухгалтерия ҳисоби, уларни фарқи?
2. Бош бухгалтернинг хуууулари, мажбуриятлари ва махсулиятлари нималардан иборат?
3. Бухгалтерия ҳужжатларини саулаш уандай ташкил этилади?
4. Бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоб нима?
5. узбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг меъёрий тартибга солиш тизимини ва унинг асосий элементларини тавсифланг?
- 6.»Бухгалтерия ҳисоби туғрисида» уонуннинг моҳияти ва асосий моддаларини тавсифланг?
- 7.Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати нима?

5-МАВЗУ: ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ.

1. **Хўжалик юритувчи субъектларда пул, ҳисоб-китоб операцияларини ташкил қилишнинг асосий тамойиллари ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари.**
 2. **Банкцаги ҳисоб-китоб счёти ва уни ҳисобга олиш, ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар ҳаракатини ҳужжатлаштириш.**
 3. **Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобкитоб операцияларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари**
 4. **Касса операцияларини ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш**
 5. **Ҳисобдор шахслардаги маблағларни ҳисобга олиш**
 6. **Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобнинг турли шакллари асосида ҳисоб юритиш**
 7. **Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоб**
 8. **Бюджет, бюджетдан ташқари туловлар юзасидан ҳисоб-китоблар ҳисоб**
 9. **Дахволар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоб. Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш**
 10. **Чет эл валютасидаги операцияларни ҳисобга олиш**
 11. **Чет эл валютасида касса операциялари ва валюта счёти бўйича операциялар ҳисоб**
- 3. Хўжалик юритувчи субъектларда пул, ҳисоб-китоб операцияларини ташкил қилишнинг асосий тамойиллари ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари.**

Хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолиятлари жараёнида бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар билан ҳисоб-итоб олиб боришларига туғри келади. Масалан, мол етказиб берувчилар билан сотиб олинган материал, асбоб-ускуна ёки ва бошқа товар моддий бойликлар, харидор корхоналар билан жунатилган маҳсулот, транспорт ташкилотлари билан юкларни ташиш, солиқ органлари билан бюджетга туловлар юзасидан, корхона узининг юқори ташкилоти билан ва х.к.

Ҳисоб-китоб бизда асосан нақд пулсиз, банк орқали ҳамда бартер асосида амалга оширилади. Корхонанинг умумий оборотда мустақил катнашувининг асосий шартининг банкда ҳисоб-китоб счётининг бўлишидир. Бу сёт саноат корхонасига пул маблағларини сақлаш ва ҳисоб-китоб олиб бориш учун очилади. Ҳисоб-китоб операцияларини олиб бориш қоидалари банк томонидан амалдаги қонунга мувофиқ белгиланади.

Корхоналар ургасидаги ҳисоб-китобни туғри ташкил қилиш пул маблағларидан маусадга мувофиқ равишда фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳисоб-китоб операцияларининг самарадорлиги қўп жихатдан уларни ҳисобга олишни туғри ва рационал ташкил қилишга боғлиқ. қўйидагилар бу операцияларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1. Ҳисоб-китоб операцияларини тула ва уз вақтида ҳисобга олиш.
2. Пул маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ операцияларни уз вақтида ҳисобга олиш ва назорат қилиш.
3. Ҳисоб-китоб тулов интизомига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш.

4. Банкдаги ҳисоб-китоб счёти ва уни ҳисобга олиш, ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар ҳаракатини ҳужжатлаштириш.

Корхоналар узлариининг буш (вақтинча ишлатилмаётган) пул маблағларини банкда саклашлари зарур. Узининг ҳўжалик ҳисобдаги оборот маблағларига ва мустауил балансига эга булган корхоналар учун банк ҳисоб-китоб счёти очади. Ушбу счётдан пул маблағларини бошқа ҳисоб-китоб счётига утказиб қуйиш йул билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишлари олиб борилади. Счётдаги пул маблағларининг сарфланиши ёки утказилиши корхонанинг рухсати билан амалга оширилади. Айрим ҳолларда счётдаги маблағ корхона рухсатисиз сарфланиши мумкин (масалан, арбитраж бўйруқлари асосида, бюджетга туловлар уз вақтида туланмаган бўлса ва х.к.). Шундай қилиб, корхона банкдаги ҳисоб-китоб счётининг тула ҳуқуқли эгаси ҳисобланади. Банк корхона пул маблағларининг туғри, яъни белгиланган маусадга сарфланиши усткдан назорат олиб боради. Ҳисоб-китоб счётида корхона асосий фаолияти билан боғлиқ операциялар юзасидан ҳисоб-китоблар олиб борилади. Рухсат этилган ҳоллардагина капитал қўйилмалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳам амалга оширилиши мумкин. Асосий фаолият юзасидан ҳисоб-китоб счётига қуйидаги ҳолларда маблағ келиб тушади:

- 1) реализация қилинган маҳсулот учун;
 - 2) реализация қилинган ортиқча материаллар, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа товармоддий бойликлар, бажарилган иш учун;
 - 3) юқори ташкилотдан;
 - 4) давлат бюджетидан;
 - 5) банкдан олинган кредитлар ва бошқ.
- қуйидаги ҳолларда ҳисоб-китоб счётидан пул туланиши мумкин:
- 1) сотиб олинган хом ашё, материал ва бошқа товармоддий бойликлар юзасидан мол етказиб берувчилардан булган қарз қайтарилганда;
 - 2) банкдан олинган қарз қайтарилганда;
 - 3) бюджетга ҳар хил туловлар туланганда;
 - 4) қасаба уюшма ташкилотларига ижтимоий суғурта ажратмалари утказилганда;
 - 5) кассага иш ҳақи тулаш учун нақд гтул берилганда.

Банк муассасаси корхона ҳисоб-китоб счётида қолган маблағ чегарасида унинг эгасининг курсатмаларини бажаради, яъни ҳисоб-китоб счётидан маблағ беради ёки утқазади. Корхона мажбуриятларини уз вақтида тулаши лозим, акс ҳолда жарима тулайди.

Ҳисоб-китоб счётидан туланадиган маблағ маълум тартибда, яъни ҳисоб-китоб ҳужжатларининг банкка қилиб тушиши тартибига қараб, навбат

билан туланади. Корхона, муассаса ва ташкилотлар уртасида олиб бориладиган ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳужжатлар ҳамма учун бир хил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Туловталабнома.
2. Тулрв топшириги.
3. Ҳисоб-китоб чеклари.

Агар корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб счётида маблаг бўлмаса ёки счётни тулаш учун маблаг етишмаса, у ҳолда ҳужжат банкнинг 2ракамли махсус картотекасида сақланади ва счётга маблаг келиб тушиши билан туланади. Банк маълум белгиланган (счёт эгаси билан келишилган) муддатда корхонага ҳисоб-китоб счётидан кучирма юборади. Кучирмада операция суммаси, счётдаги бошлангич ва охириги қолдиқ курсатилади, унга бошлангич ҳисоб-китоб ҳужжатлари кушиб топширилади. Бухгалтерия ходимлари банкдан олинган кучирмадаги ёзувларнинг туғрилигини, уларни кучирмага илова килинган ҳужжатлардаги суммалар билан мувофиқлигини диққат билан текширадилар. Ҳисоб-китоб счётидаги оттерациялар синтетик ҳисобни юритиш учун «Ҳисоб-китоб счёти»дан фойдаланилади.

5110-«Ҳисоб-китоб счёти» счётининг дебети қуйидаги счётлар кредити билан корреспонденцияланади:

- 4010 харидор ва буюртмачилардан олинадиган маблаг суммасига;
- 5010, 5020 кассада пул кайтарилганда;
- 6910 банкдан кредит олинганда;
- 48104890 дебиторлар қарзи туланганда.

5110-«Ҳисоб-китоб счёти»нинг кредити қуйидаги счётлар дебети билан корреспонденцияланади:

- 5010, 5020 кассага иш ҳақи тулаш ва бошқа маусадлар учун нақд пул чек билан берилганда;
- 6010 мол етказиб берувчилардан сотиб олинган хом ашё, материаллар учун қарз туланганда;
- 6510 қасаба уюшмаси ташкилотига ижтимоий суғурта ажратмаси утказилганда;
- 6410 иш ҳақидан ушлаб қолинган солиулар бюджетга утказилганда;
- 9810 фойдадан бюджетга туловлар утказилганда.

Корхона бухгалтерияси ҳисоб-китоб счётидан кучирма ва унга илова килинган ҳужжатларни ҳар томонлама текширгандан сунг ҳужжатларни қайта ишлаш учун ҳисоблаш машиналарига беради. Бухгалтерия ҳисобнинг журналордер шаклини қўлловчи корхоналарда ҳисоб-китоб счётининг кредити бўйича ёзувлар 2журналордерга, дебети бўйича ёзувлар эса 2-ведомостга ёзиб борилади. Улардаги ёзув банкдан олинган кучирма ҳамда унга илова килинган ҳужжатлар асосида ёзилади. Журнал-ордер ва ведомостнинг ойлик жами суммаси «Бош китоб»га қўйирилади.

3. Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоб операцияларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари

Хар бир ишлаб чиқариш бирлашмаси учун корхона жойлашган туманга хизмат килувчи банкда ҳисобгагоб счёти очилади. Бош корхонага карашли филиаллар учун ҳисобкигоб счёти субсчётлари ёки жорий (текуший) счётлар очилади.

Бирлашма ҳисоб-китоб счётида бирлашма фаолияти билан боғлиу ҳамма операциялар амалга оширилади. Ҳисоб-китоб счёти субсчётлари ёки жорий счётга бирлашма ҳисоб-китоб счётидан иш хақи, мукофот тулаш, мол етказиб берувчилар счётларини тулаш, хўжалик харажатпарини коплаш ва бошқа маусадлар учун маблаг утказилади. Бирлашма филиалларида жорий счёт операциялари «Банклардаги махсус счётлар» счётида юритилади. Ҳисоб-китоб счётидан жорий счётга маблаг утказилиши бирлашма бухгалтерияси счётларида куйидагича акс эттирилади:

Дт 6110 «Алохида булинмаларга туланадиган счётлар».

Кт 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

Филиал бухгалтериясида эса:

Дт 5500»Банкдаги махсус счёглар*.

Кт 6110» Алохида булинмаларга туланадиган счёт».

Ҳисоб-китоб счётлари субсчётлари буйича операциялар филиалларда ҳисоб-китоб счёти буйича корреспонденцияга ухшаш тартибда олиб борилади.

4. Касса операцияларини хужжатлаштириш ва ҳисобга олиш

Касса операцияларини юритиш ва расмийлаштириш тартиби «Касса операцияларини юритиш туғрисидаги Низом»га асосан олиб борилади. Корхона уз пул маблағларини банкдаги ҳисоб-китоб счётида саклаши лозим. Аммо маълум белгиланган лимит микцоридаги гтул маблағлари корхона кассасида ҳам сакпанади. Ҳисоб-китоб счётидан кассага олинган пул ишчихизматчиларга иш хақи, мукофот тулаш, нафака бериш, хизмат сафари харажатларини коплаш ва бошқа маусадлар учун сарфланади. Банкдан олинган маблағлар белгиланган маусадлар учун сарфланиши лозим. Сакланаётган пул маблағларининг белгиланган лимитдан ортиб кетиш холлари факат иш хақи, нафака, мукофот бериш кунларида юз бериши мумкин.

Касса операцшлари моддий жавобгар шахс булган кассир томонидан юритилади. Банкдан пул олиш учун корхонага чек дафтарчаси берилиб, унда банкдан олинадиган пулнинг микцори ва кандай маусад учун олинаётгани курсатилиши лозим. Пул маблағларининг харакатини расмийлаштирувчи асосий хужжат касса ордерлари ҳисобланади. Накд пул кассага касса кйрим ордерини расмийлаштириш билан кабул килинади. Бу ордер бош бухгалтер ва кассир томонидан имзоланади. Пулни топширган шахсга квитанция берилади. Кассадан пул берилиши касса чиким ордери билан расмийлаштирилади. Бу ордер корхона рахбари ва бош бухгалтер, кассир

томонидан имзоланади. Чиким ордерида пул нима учун берилгани курсатилади ва унга асос булувчи хужжат ордерга кушиб куйилади. Ордерларга кушиб куйилган дастлабки хужжатларга тегишли операция содир килингандан сунг(шу хужжатлар иккинчи марта фойдаланмаслиги учун) «Олинган» ёки «Туланган» деган штампт куйилади. Кассадан пул (пул бериш ҳақидаги аризага кура) тулов ведомости асосида ҳам берилади. Бу ҳолда хужжатларга касса чиким ордери урнини босувчи штамп куйилади.

Иш ҳақи, мукофот, нафақа бериш ҳақидаги тулов ведомостларида корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг пулни бериш туғрисидаги рухсат ёзуви булиши лозим. Касса хужжатлари кассага берилгунга қадар бухгалтерияда касса қирим ва чиким ордерларини руйхат қилиш журнаliga ёзиб куйилади. Шундай қилиб, бухгалтерия ходимлари касса операцияларини юритиш бўйича назорат олиб бориш имкониятига эга бўлади.

Кассир пул ҳаракати билан боғлиқ операцияларнинг ҳаммасини касса дафтарчасида ҳисоб қилади. Бу дафтарча аввалдан рақамланган, сургут печати қуйилган бўлиб, ҳар бир бети икки нусхада тулғазилади. Иккинчи нусхаси йиртиб олинади ва кассир ҳисоботи бўлиб хизмат қилади. Унда иш қуни бошланишига пул қолдиғи, қирим ва чиким операциялари суммаси, иш қуни охирига пул қолдиғи курсатилади. Ҳисобот бошланғич хужжатлар қушилган ҳолда бухгалтерияга топширилади. Касса операцияларининг синтетик ҳисоб 5000 «Касса» счётида юритилади. Бу счётнинг дебети қуйидаги счётлар қредити билан корреспонденцияланади: 5110, 4230, 4290 ва бошқа счётлар. Қредити қуйидаги счётлар билан корреспонденцияланади: 4430, 5110, 6710 ва бошқалар. Касса инвентаризацияси бир ойда бир марта утқазилади ва натижаси акт таққослаш ведомостида акс эттирилади. Инвентаризация вақтида пул қам қикса, у моддий жавобқар шахсдан ундириб олинади, ортиқча қикса, у ҳолда корхона фойдасига қушилади.

Бухгалтерия ҳисобнинг журнал-ордер шаклини қулловчи корхоналарда касса счётининг қредити бўйича ёзувлар бухгалтерияда 1- журнал-ордерга, дебети бўйича ёзувлар эса 1- ведомостга ёзиб борилади. Бу регистрларга ёзув касса дафтарчалари асосида касса счёти билан корреспонденцияланган ҳар бир синтетик счёт бўйича ёзиб борилади.

5.Ҳисобдор шахслардаги маблагларни ҳисобга олиш

Корхонанинг баъзи ҳаражатлари ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилади. Корхонанинг айрим ходимларига хизмат сафари ҳаражатлари, айрим майда хўжалиқ ҳаражатлари учун кассадан маблаг берилади. Масалан, хизмат сафарига кетаётган ходимга сафар ҳаражатларини қоплаш учун қетиш олдидан бунақ берилади. Хизмат сафаридан қайтгандан сунг уч қун давомида ҳисобдор шахс берилган бунақни сарфлаганлиғи ҳақида ёзма ҳисобот топшириши лозим.

Бунак ҳисоботиға тегишли хужжатлар илова килинади. Бухгалтерия ходимлари топширилган хужжатлар ва килинган харажатларни маусадга мувофиқлиги нуктаи назаридан текширадилар. Харажатлар суммаси корхона раҳбари томонидан текширилади. Ҳисобдор шахсга янги бунак аввалги бунак юзасидан тулик ҳисоб-китоб килингандан сунг берилади. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобни ҳисобга олиш учун 4220- «Хизмат сафари учун берилган бунаклар» счётидан фойдаланилади. Бу счётнинг дебет томонида сарфлаш учун берилган маблаг, кредитида эса сарфланган маблаг акс эттирилади. Ҳисоб-китоб ёзувлари 7-журнал-ордерда ҳар бир тасдиқланган бунак ҳисоботи бўйича олиб борилади ва ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобнинг ҳам синтетик, ҳам аналитик ҳисоби юритилади.

Бунак берилиши:

Дебет 4220»Хизмат сафари учун берилган бунаклар»

Кредит 5010»Касса»

Бунак ҳисоботи асосида:

Дебет 2510»Умумишлаб чиқариш харажатлари» ва бошқа счётлар

Кредит 4220»Хизмат сафари учун берилган бунаклар»

Агар маблаг материал, эҳтиёт қисмлар ва бошқа товармоддий бойликларни сотиб олиш учун берилса, у ҳолда 4220счёт кредити 1000 ва бошқа счётлар дебети билан корреспонденцияланади. Ишлатилмаган маблағнинг кассага қайтарилишига касса счёти дебетланади.

6.Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобнинг турли шакллари асосида ҳисоб юритиш

Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоб нақд пулсиз амалга оширилади. Амалда нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг турли шакллари қўлланилади. Саноатда ҳисоб-китобнинг асосан қуйидаги: акцепт, аккредитив, махсус счётлардан, туловтопширикларидан, чек орқали, узаро зачётга асосланган ҳисоб-китоб шакллари қўлланилади.

У ёки бу шаклни қўллаш корхоналар уртасида тузилган шартномада келишиб олинади, айрим вақтларда эса қайси шаклни қўллаш амалдаги қонунда белгиланган бўлади.

Ҳисоб-китобнинг *акцепт* шаклида ҳисобга олиш. Бу шакл кенг тарқалган ҳисоб-китоб шакллари билан ҳисобланади. Амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг 2-3 қисми ушбу шаклда олиб борилади. Акцепт шаклининг хусусиятларидан бири шундаки, бунда харидорга хизмат килувчи банк муассасаси мол етказиб берувчи корхона счётини харидор корхона розилик берган тақдирдагина тулайди.

Лекин харидор корхона счётини тулашга розилик бериши ёки тулашдан бош тўртиши ҳам мумкин. Харидор корхона счётни тулашдан бош тўртган ҳолдагина банкка бу ҳақда ёзма маълум қилади. Счётни тулашдан бош тўртганлиги ҳақида ёзма равишда маълумот олинмаганда ва бошқа ҳолларда харидор счётни тулашга рози деб ҳисобланади ҳамда мол етказиб берувчининг счёти банк томонидан туланади.

Ҳисоб-китобнинг бу шаклида тулов талабнома хужжати асосий хужжат ҳисобланади. Уни мол етказиб берувчи корхона харидор корхона номига товар моддий бойликларни жунатгандан сунг ёзади. Тулов талабнома хужжати маълум белгиланган суммадан кам бўлмаган суммага ёзилади. Бу хужжатни мол етказиб берувчи узига хизмат курсатувчи банк муассасасига топширади. Уз навбатида банк хужжатни харидор корхона ҳисоб-китоб чеки бўлган банкка жунатади. Мол етказиб берувчи бир вақтнинг узида тулов талабноманинг бир нусхасини ва унга илова килинган хужжатларни почта оркали харидор корхона манзилига жунатади. Харидор корхона тулов талабнома хужжатини тулашга розилик бериши ёки тулашдан бош тортиши мумкин. Мол етказиб берувчи ва харидор корхона турли шаҳарларда жойлашган такдирда уч иш куни давомида счётни туламаслиги ҳақида хабар килинмаса, тулов талабнома хужжати тулашга қабул килинди деб ҳисобланади ва счёт туланади. Агар мол етказиб берувчи ва харидор корхона бир шаҳарда жойлашган бўлса, бу муддат икки кунни ташкил килади.

Ҳисоб-китоб акцепт шаклининг кейинги акцепт тартиби ҳам мавжуд. Бунда мол етказиб берувчининг счёти харидор корхона банки олган кун туланади. Аммо шартнома шартлари бузилган бўлса, харидор корхонага уч кун давомида счётни тулашдан бош тортиш ҳукуки берилади. Нотугри туланган маблағ яна харидор корхонага қайтарилади. Ҳисоб-китобнинг бу шакли хужжатлар айланиш жараёнини тезлаштиради. Демак, айтилганлардан шундай хулоса килиш мумкинки, ҳисоб-китобнинг акцепт шакли харидор корхонага мол етказиб берувчи корхонанинг шартнома шартларини бажариши устидан назорат олиб бориш имкониятини яратади.

Аккредитив - бу мол етказиб берувчи корхонага хизмат курсатувчи банкнинг харидор корхонага хизмат курсатувчи банкка жунатилган маҳсулот учун мол етказиб берувчи счётини тулаш ҳақидаги курсатмасидир. Аккредитив шаклида акцепт шаклидан фарқгвд равишда счёт мол етказиб берувчи корхонага хизмат курсатувчи банкда туланади. Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли асосан шаҳарлараро ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Харидор корхона мол етказиб берувчи корхонанинг счётини тулаш учун узига хизмат курсатувчи банк муассасасига аккредитив ажратиш ҳақида ариза расмийлаштиради. Банк харидор корхонанинг маълум миқдордаги маблағини аккредитивлаштиради ва бу ҳақда мол етказиб берувчига хизмат курсатувчи банкка маълум килади. Маҳсулотни жунатганлиги ҳақидаги хужжатларни мол етказиб берувчи узига хизмат курсатувчи банкка топшириши билан унинг счёти туланади. Корхонанинг уз маблағлари ёки банк қарзи ҳисобдан аккредитив ажратилиши мумкин.

Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли мол етказиб берувчи корхона учун мол ҳисоб-китобини тезлаштириши, харидор корхона учун эса маблағлар айланиш жараёнини секинлаштириши мумкин. Чунки аккредитив аввалдан белгиланган маълум миқдордаги суммага 25 кунгача муддатга қуйилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳисоб-китобнинг бу шакли мол етказиб берувчи корхона счётини уз вақтида туламайдиган корхоналарни жазолаш сифатида қўлланилади. Аккредитив бўйича операцияларни ҳисобга олиш учун

55»Банклардаги махсус счётлар» счётидан фойдаланилади.Фойдаланилмаган ёки муддати утиб кетган аккредитив ёпилади, яъни харидор корхонага кайтарилади.

Юк обороти бунича махсус счётларда ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш. Ҳисобкитобнинг бу шакли ҳам шаҳарлараро ҳисоб-китобларда бир ёки бир нечта доимий мол етказиб берувчи корхоналар билан ҳисоб-китоб олиб боришда қўлланилади. Бу ҳолда ҳам ҳисоб-китоб мол етказиб берувчи жойлашган жойдаги банк муассасасида олиб борилади. Махсус счёт чекланмаган мўлдатга маълум белгиланган суммага очилади.

Махсус счёт ҳам аккредитивга ухшаш корхонанинг уз маблағи ёки банк қарзи ҳисобдан очилиши мумкин. Бунда маблағ харидор томонидан маҳсулот жунатилгунга қадар утказилади. Аккредитивда эса маҳсулот жунатилгандан кейин утказиларди. Ҳисоб-китоб бу шаклининг аккредитив шаклидан фарқи шундаки, махсус счёт очилган жойда харидорнинг ишончли вакили бўлиб, у счётни тулашга розилик бериш ҳуқуқига эга. Ишончли вакил махсус счётдан ҳар хил харажатлар, маҳсулотни ортиш, тушириш, ташиш харажатларини тулаш учун нақд пул олиши мумкин. Юк обороти бўйича махсус счётдан олиб бориладиган ҳисоб китоб операцияларини счётларда акс эттириш ҳудди аккредитивдагига ухшаш тартибда олиб борилади.

Тулов топшириқлари ердамида ҳисоб-китобни ҳисобга олиш. Бу шакл маҳсулотни харидорга етказиш муддати бир суткадан ошмайдиган корхоналар уртасидаги ҳисоб-китобни олиб боришда қўлланилади. Тулов топшириғи ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб, у истеъмолчининг узига хизмат курсатувчи банк муассасасига узининг ҳисоб-китоб счётидан топшириқча курсатилган суммани мол етказиб берувчи счётига утказиб қўйиш ҳақидаги курсатмасидир. Тулов топшириғи ҳужжати истеъмолчига хизмат курсатувчи банк муассасасига истеъмолчи товармоддий бойликларни олган куннинг кейинги иш кунидан кечикмай топширилиши лозим.

У маълум белгиланган миқдордаги суммадан кам бўлмаган суммага ёзилади ва алоқа корхоналари томонидан амалга оширилади. Счёт туланганидан сунг тулов топшириғининг нусхаси корхона бухгалтериясига келиб тушади. Ҳисоб-китобнинг бу шаклида ҳисоб-китоб билан боғлиқ операцияларни счётларда акс эттириш тартиби ҳудди акцепт шаклидагидек олиб борилади.

Чеклар ёрдамда ҳисоб-китобни ҳисобга олиш. Бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китобларни юритишда чеклар ёрдамида ҳисоб-китоб шакли кенг қўлланилади. Ҳисоб-китоб чеки бу шундай ҳужжатки, у орқали счёт эгаси узининг счётидан маълум суммани чек олган корхона счётига утказиш ҳақида курсатма беради. Ҳисоб-китоб чеки харидор корхона томонидан мол етказиб берувчининг вакилига маҳсулот олингандан кейин берилади. Вакил чекни тулаш учун узига хизмат курсатувчи банк муассасасига топширади. Бу эса корхоналар уртасидаги ҳисоб-китобни тезлаштиради. Чек мол етказиб берувчи вакилига берилган кундан бошлаб ун кундан сунг уз кучини йўқотади.

Банк томонидан акцептланган ва акцептланмаган ҳисоб-китоб чеклари ҳамда лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчалари берилади. Акцептланмаган чеклар асосан бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китобларда кулланилиб, уни интизомли истехмолчиларга нисбатан куллашга рухсат этилади. Акцептланган чеклар бюджет муассасалари билан ҳисоб-китоб олиб боришда қўлланилади. Бунда бюджет билан ҳисоб-китоб олиб боровчи корхона банкка акцепт килиш учун чек курсатиши лозим.

Мол етказиб берувчи транспорт ташкилотлари, алока корхоналари билан ҳисоб-китоб олиб боришда банк лимитланган чек дафтарчаларини ҳам куллайди. Лимитланган чек дафтарчалари олти ой муддатга ва маълум белгиланган суммадан кам булмаган миқдорда лимит суммасига ёзилади. Лимитланган чек дафтарчаси корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги маблағ ҳисобидан ёзилади ва банк муассасаси томонидан махсус счётада депонентлаштирилади. Кейинчалик ушбу депонентлаштирилган чек дафтарчаларидаги маблағдан мол етказиб берувчи корхона чеклари туланади. Чек дафтарчалари банк қарзлари ҳисобдан ҳам берилиши мумкин.

Истехмолчи ёзилган чекни мол етказиб берувчи корхона вакилига бергач, мол етказиб берувчи корхона вакили узининг банкдан чек асосида ҳисоб-китоб счётига гул утказди.

Чек дафтарчалари 5500-»Банклардаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар» счётида ҳисобга олинади. Чек дафтарчасини олиш билан боғлиқ операцияларни счётларда акс эттириш худди аккредитив очишга ухшаш тартибда олиб борилади.

Лимитланмаган чек бўйича лимит белгиланмайди ва маблағ депонентлаштирилмайди. Бундай чек дафтарчалари махсус қарз счёти бўйича кредит оладиган корхоналар, транспорт ташкилотлари ва алока корхоналарига бир йилгача муддатга берилади. Харидор томонидан товармоддий бойликларни лимитланмаган чек дафтарчаларидаги қарз счётидан тулаш счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт 5520-»Чек дафтарчалари»

Кт 6010-»Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар»

Жунатма (посилка) ва юкларни ташиш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар бўйича лимитланган ва лимитланмаган дафтарчалар ҳисоб 4800-»Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга оладиган счётлар» ва 6800-»Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга оладиган счётлар»да юритилади. Чеклар банк кредитлари ҳисобидан туланади. Банк муассасаси транспорт ташкилоти ва алока корхонаси топширган чекни банк кредити ҳисобидан тулайди. Бунда корхона туланган ушбу суммага қуйидагича бухгалтерия проводкаси расмийлаштирилади:

Дт 6810-»Банкнинг қисқа муддатли кредитлари»

Кт 4800, 6800-»Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар»

Режали туловлар тартибидаги ҳисоб-китоб шакли корхоналар уртасида, яъни мол етказиб берувчи ва харидор уртасида доимий алоқа мавжуд бўлган

холларда қўлланилади. Ҳисоб-китобнинг бу шакли машинасозлик корхоналарида, кумир, газ, металл сотиб олишда, деталларни жунатишда, озик-овкат саноати корхоналари билан савдо ташкилотлари 'уртасида нон, сут маҳсулотларини сотиш ва сотиб олишда қўлланилади. Унинг хусусиятларидан бири шундаки, ҳисоб-китоб ҳар бир жунатилган маҳсулот учун эмас, балки маълум белгиланган муддатда, яъни ҳар куни ёки 35 кунда бир марта олиб борилади. Ҳисоб-китобнинг туғри олиб борилиши банк томонидан назорат қилиб борилади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор ёки мол етказиб берувчи томонидан ёзилиши мумкин. Вақти-вақти билан жунатилган маҳсулот ва туланган пул текшириб турилади. Уртадаги фарк қўшимча маблағ тулаш ёки маҳсулот жунатиш билан тартибга солинади. Ҳисоб-китобнинг бу шаклида мол етказиб берувчи «Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб» счётидан фойдаланади.

узаро туловга асосланган ҳисоб-китоб шаклида корхоналарнинг узаро талабномаси бир хил суммага қайтарилади, счётлар тулик туланмайди. Ҳақиқий тулов уртадаги фарк суммасидагина олиб борилади. Корхоналар уртасидаги узаро зачётга асосланган ҳисоб-китоб банк томонидан белгиланган тартибда ва факат узаро талабномалар мавжуд бўлган тақдирда ташкил қилинади. Агар зачет қолдиги ушбу корхона фойдасига бўлса, қолдиқ суммаси унинг ҳисоб-китоб счётига утказилади, агар корхонанинг фойдасига бўлмаса, унинг счётидан тегишли корхона ҳисоб-китоб счётига утказилади.

7. Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.

Корхона хизматчилари билан иш ҳақи, депонентлар ва моддий жавобгар шахслар бўйича ҳисоб-китоблардан ташқари бошқа ҳисоб-китоб турларини ҳам амалга ошириш мумкин. Кредит ҳисобига сотиб олинган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар, яқка тартибда, кооператив уй жойлари сотиб олиш учун олинган ссудалар, материал йукотишларни қоплаш учун берилган суммалар бўйича ҳисоб-китоблар одатда қупрок юзага келадиган ҳисоб-китоблар ҳисобланади.

Ушбу ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш учун 4700-«Бошқа операциялар бўйича ходимлар қарзини ҳисобга олувчи счётлар» мулжалланган. Бу счётларга қуйидагилар қиради:

4710-«Ходимларнинг қарзга берилган товарлар бўйича қарзлари».

4720-«Ходимларга берилган заёмлар бўйича қарзлари».

4730-«Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари».

4790-«Ходимларнинг бошқа қарзлари».

Кредитга товарлар сотиб олишни хоҳлаган хизматчилар узлари ишлайдиган корхона бухгалтериясидан кредитга товар сотиб олиш учун хизмат мансаби, иш ҳақи, нимани ва қаердан сотиб олишини қурсатувчи маълумотномани олишлари керак. Маълумотнома товар сотиб олиш вақтида дуконга топширилади. Дукон топшириқномамажбуриятномани

расмийлаштириб, харидорнинг корхонасига жунатади. Корхона уз хизматчиси кредитга сотиб олган товар суммасини тулик коплайди ва дуконга утказиб беради. Ушбу маусад учун корхона банкнинг шу маусад учун ажратилган махсус ссудасидан фойдаланиши мумкинки, уни корхона ишчиларнинг иш хақидаи ушлаб колиш оркали коплайди. Агар корхона банк ссудаларидан фойдаланмаса, у холда товар учун олинган кредит иш хақидан ушлаб колиш оркали копланadi. Бухгалтерия ҳисобда буларнинг барчаси қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан акс эттирилади:

Банк кредитлари ҳисобдан савдо ташкилотларининг тулов ҳужжатлари асосида тулов амалга оширилганда:

Дт 4710-»Ходимлар билан бошқа операциялар буйича ҳисоб-китоблар» счёти («Кредитга сотилган товарлар буйича ходимлар карзи»).

Кт 6910-»Туланадиган қиска муддатли ижара».

Хизматчиларнинг иш хақидан ушлаб колинганда:

Дт 6710-»Ходимлар билан меҳнат хақи буйича ҳисоб-китоблар» счёти.

Кт 4710-»Ходимлар билан бошқа операциялар буйича ҳисоб-китоблар» счёти («Кредитга сотилган товарлар буйича ходимлар карзи»).

Банк ссудалари қайтарилганда:

Дт 6810-»Қиска муддатли банк кредитлари» счёти.

Кт 5110-»Ҳисоб-китоб счёти».

Корхона банк ссудаларидан фойдаланмаса, кредитга сотилган товарлар учун савдо ташкилотлари олдидаги қарзларни коплаш учун хизматчиларнинг иш хақидан ушлаб колинганда қуйидагича ёзувлар акс эттирилади:

Дт 6710-»Ходимлар билан меҳнат хақи буйича ҳисоб-китоблар» счёти.

Кт 4890, 6900-»Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётлари.

Ушлаб колинган суммалар савдо ташкилотига утказиб берилганда:

Дт 4890, 6900-»Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётлари.

Кт 5110-»Ҳисоб-китоб счёти».

«Берилган қарзлар буйича ходимларнинг қарзи» (4720) счётида корхона ишчиларига берилган қарзларига оид ҳисоблашишлар, яъни индивидуал (якка), кооператив уйжой қурилишига, далаховлиларни харид қилиш ёки қуриш учун берилган қарзлар акс эттирилади.

«Моддий зарарни коплаш буйича ходимларнинг қарзи» (4730) счётида корхона ходими томонидан пул ва товармоддий захираларнинг қамомати ва талонтарож қилиниши, яроксиз маҳсулот натижасида юзага келган моддий зарарни қоилаш буйича, шунингдек, зарарнинг бошқа турларини коплаш буйича ҳисоблашишлар ҳисобга олинади. «Моддий зарарни коплаш буйича ходимларнинг қарзи» счётининг кредити буйича ёзувлар туланган туловлар суммасига пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан, моддий зарарни коплаш учун меҳнат хақидан ушлаб қолинадиган суммаларга 6710- «Ходимлар билан меҳнат хақи буйича ҳисоб-китоблар» счёти билан корреспонденцияда амалга оширилади

«Ходимларнинг бошқа қарзлари» (4790) счётида юқорида қайд қилинган қарзлардан бошқа вужудга келган қарзлар юзасидан ҳисоблашишларнинг ҳисоб қорхонанинг ҳар бир ходими бўйича юритилади. Ушбу счётларда аналитик ҳисоб қарзнинг ҳар бир тури ва қарздор шахс бўйича махсус қарточкаларда юритилади.

8. Бюджет, бюджетдан ташқари туловлар юзасидан ҳисоб-китоблар ҳисоб

Қорхоналар ҳар доим бюджет билан ҳисоб-китоб олиб боради. Бюджетдан бериладиган маблағларнинг доираси ҳозирги кунда жуда чекланган. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг асосий қисми туловларлир. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолишлар (фуқаролардан олинадиган даромад солиғи).
2. Реализацияга олиб бориладиган (қушилган қиймат, акциз).
3. Қорхона фойдасидан туланадиган даромад (фойда) солиғи.
4. Молиявий натижаларга олиб бориладиган жарима, иқтисодий санкциялар.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар 6410»Бюджетга туловлар бўйича қарзлар» синтетик пассив счётида ҳисобга олинади. 6410счёт бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб тулов турлари 8журналордерда юритилади.

Туловларнинг ҳажми ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Ҳар бир тулов тури учун тулов муддати ва солиқ инспекциясига ҳисобот тоғтшириш муддати белгаланган. Чорак тугагандан сунг ҳисоб-китоблар яна қайта текшириб аниқланади. Ортиқча утқазилган маблағлар кейинги туловлар учун ҳисобланади ёки қорхонага қайтарилади, қам туланган суммалар охиригача тулаб қуйилади.

Бухгалтерия ҳисобда бюджетга туловлар ҳисобланганда қуйидаги қуводқалар расмийлаштирилади:

1. Фуқаролардан олинадиган даромад солиш ҳисобланганда:
Дт 6710-»Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб китоблар» счёти.
Кт 6410-»Бюджетга туловлар бўйича қарзлар» счёти.
2. Солиқ ва туловларга (қолмулкдан туланадиган солиқ, экология, ер, реклама солиғи, йул фондига ажратма ва х.к.)счётларда қуйидагича акс эттирилади:
Дт 9430-»Бошқа операциян ҳаражатлар» счёти.
Кт 6410-»Бюджетга туловлар бўйича қарзлар» счёти.
3. Маҳсулот реализациясига олиб бориладиган солиқуларга (экспортбожхона тадбирлари, қкС):
Дт 5110-»Ҳисоб-китоб счёти».
Кт 9210-»Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счёти.

Дт 9210-»Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счёти.

Кт 6410-»Бюджетга туловлар буйича карзлар» счёти.

4. Корхона фойдасидан туланадиган солиу суммаларга:

Дт 9810-»Даромадлар (фойда)га солинадиган солиу буйича харажатлар» счёти.

Кт 6410-»Бюджетга туловлар буйича карзлар» счёти.

5. Молиявий натижаларга олиб бориладиган туловларга:

Дт 9910»Якуний молиявий натижа» счёти.

Кт 9810-»Даромадлар (фойда)га солинадиган солиу буйича харажатлар» счёти.

6. Ҳисобланган солиу ва туловлар суммалари бюджетга утказиб берилганда куйидагича ёзувлар расмийлаштирилади:

Дт 6410-»Бюджетга туловлар буйича карзлар» счёти.

Кт 5110-»Ҳисоб-китоб счёти».

7. Агар корхонанинг бюджетдан карзи банкдан олинган карзлар ҳисобдан туланса, у ҳолда:

Дт 6410-»Бюджетга туловлар буйича карзлар» счёти.

Кт 6810-»Банкнинг киска муддатли кредитлари» счёти бухгалтерия ёзувлари расмийлаштирилади.

Корхона бюджетга туловлар килиш билан бирга бюджетдан ташкари ва бошқа фондларга (нафақа, бандлик (иш билан таъминлаш), ижтимоий суғурта фонди ва бошқ.) ҳам туловларни амалга ошириши лозим. Корхонанинг туловлар буйича бюджетдан ташкари ҳисоб-китоблари 6520»Давлат маусадли фонларига туловлар» счётида умумлаштирилади ҳамда 6510»Суғурта буйича туловлар» счётидан фойдаланилади. Тулов учун ҳисобланган суммалар учун ушбу сётлар кредитланади, утказиб берилган суммалар учун дебетланади. 6520»Давлат маусадли фондларига туловлар», 6510»Суғурта буйича туловлар» сётлари буйича синтетик ва аналитик ҳисоб тулов турлари буйича 8журналордерда юритилади.

9. Даъволар буйича ҳисоб-китоблар ҳисоб. Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш

Корхоналар уртасидаги ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти натижасида жарима ва ҳисоб-китоб сётига хато келиб тушган пул ёки ҳисобдан чиқарилганлиги натижасида бир томоннинг иккинчи бир томонга дахвоси буйича ҳисоб-китоблар келиб чиқиши мумкин. 6810»Дахволар юзасидан ҳисоб-китоблар» сёти ҳисоб-китобнинг ушбу турини ҳисобга олиш учун мулжалланган. Ушбу сётнинг дебети буйича корхона томонидан ҳисобдан чиқарилган ёки сарфланган, лекин куйидаги сётларнинг кредити билан корреспонденцияда бўлиб копланадиган сумма акс эттирилади: 6010-»Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» сёти мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва транспорт ташкилотларига нисбатан

дахво суммалари ушбу суммалар уларнинг сечтини текшириш натижасида шартномада курсатилган сифат, сон ва тарифларга мос келмаслиги, арифметик хатоликларга йул куйилганлигини аниулаш оркали келиб чикади; 9430-»Бошқа операцион харажатлар» счети туловчи томонидан тан олинган ёки Олий хўжалик суди томонидан буюрилган хажмда мол етказиб берувчининг айби билан буш туриб колишлар учун курсатилган дахво суммаси; 2610-»Ишлаб чиклришдаги яроксизлик» счети туловчи томонидан тан олинган ёкм Олий хўжалик судининг уарорида курсатилган хажмда мол етказиб берувчининг айби билаи йул куйилган брак учун курсатилган дахво сумммаси; 5110-»Хисоб-китоб счети» счети хисоб-китоб счетидан нотуғри (хато) хисобдан чикарилган (ёки хисоб-китоб счетига нотуғри келиб тушган) суммалар учун банк идораларига курсатилган дахволар; 9900-»Якуний молиявий натижа» счети туловчи томонидан тан олинган ёки Олий хужатик судининг уарорида курсатилган хажмда шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун мол етказиб берупчи ва транспорт хизматларини курсатувчи ташкилотларга нисбатан кулланилган жарима, пеня суммалари. Туловлар пул маблағлари счетига келиб тушганда 6860»Дахволар юзасидан хисоб-китоблар» счетининг кредити корреспонденцияда булади. «Дахволар юзасидан хисоб-китоблар» счетининг синтетик хисоб 8-журнал-ордерда, аналитик хисоб эса 7-ведомостда хар бир дебитор ва алохида дахволар буйича юритилади.

Хар хил дебитор ва кредиторларга нотижорат характеридаги операцияларни олиб борувчи ташкилотлар (олий укув юртлари, илмий муассасалар); курсатилган хизматлар учун хисоб-китоблар олиб бориладиган транспорт (темир йул ва сув) ташкилотлари; ташкилот ва шахслар депонентлари, ижро хужжатлари асосида ушлаб колишлар, нотурар жойларни ижарага олувчилар ва хоказолар киради. Ижро хужжатлари ёки суд органларининг уарорига мувофик, турли ташкилотлар ва алохида шахсларнинг фойдасига иш хақи куйидагича проводка билан акс эттирилади:

Дт 6710-»Ходимлар билан меҳнат хақи буйича хисоб-китоблар» счети.

Кт 4790-»Ходимларнинг бошқа қарзлари» счети.

Уларга пул утказилганда ёки туланганда куйидагича бухгалтерия ёзувлари расмийлаштирилади:

Дт 4790-»Хоимларнинг бошқа қарзлари» счети.

Кт 5110-»Хисоб-китоб счети» ёки «Касса счети».

Ундириб олиниши гумон булган дебиторлик қарзлари корхона рахбариятининг уарорига мувофик даргумон қарзлар буйича резервлар хисоблан ёки бундай резерв ташкил этилмаган бўлса, ушбу қарзларнинг корхона зарарини купайтириш хисобга (ёки соф фойда хисобдан коплаш) хисобдан чикарилади. Дахво килиш муддати тугаган барча кредиторлик қарзлари хўжалик фаолияти натижаларига, яъни фойдага олиб борилиши лозим.

Хар хил дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китобларнинг синтетик хисоби 8-журнал-ордерда, аналитик хисоб эса хар бир дебитор ва кредитор доирасида 7-ведомостда юритилади. Бунинг учун ведомостда чорак, ярим

йил ва йил мобайнида булиши мумкин булган операциялардан келиб чиккан холда хар бир дебитор ва кредиторларга мулжалланган катор ажратилади. Бу ведомостга езувлар дастлабки хужжатларнинг маълумотлари асосида езилади. Улар оборот ведомости принципига асосланган бўлиб, кредитли оборотлар тегишли счётларнинг дебети билан корреспонденцияланади. Ой охирида хар бир дебитор ва кредитор буйича ҳамда ҳамма дебитор ва кредиторлар буйича якун аниқланади. Ой давомидаги кредитли оборотлар 8-журнал-ордерга кучириб езилади.

10. Чет эл валютасидаги операцияларни ҳисобга олиш

Чет эл валютаси бир нечта турларга булинади:

1) чет эл валютаси бошқа давлатларнинг банкнот, коғоз пуллар, танга қуринишидаги пул белгиси бўлиб, муомалада қонуний тулов воситаси сифатида қатнашади. Чет эл давлатларининг счётлардаги маблағи, уларнинг пул ёки халқаро пул ва ҳисоб-китоб бирлигидир;

2) чет эл валютаси қимматли қоғозлар қуринишида ҳам булади. Булар тулов хужжатлари, чеклар, векселлар, аккредитивлар, пул қийматликлари, акциялар, облигациялар ва бошқа чет эл валютасида ифодаланган қарз мажбуриятлари;

3) қимматбаҳо металллар (олтин, қумуш, оқ олтин ва бошқ.).

Чет эл валютаси ундан фойдаланиш нуқтаи назарига қура қуйидагиларга булинади:

1. Эркин конвертация қилинадиган.

2. Конвертация қилинадиган.

3. Яққа ҳолдаги.

Эркин конвертирланадиган валюта эркин ва четланмаган ҳолда бошқа чет эл валюталарига алмаштириладиган валюталардир (АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, франияз франки, немис маркаси, Италия лираси ва бошқ.).

Конвертирланадиган валюта иштирокчилар томонидан қилишилган узаро муқобил маблағ ва мажбуриятлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобдаги валютадир. У бухгалтерия ёзуви қуринишида банк счётларида уз ифодасини топади.

Яққа ҳолдаги (конвертирланмайдиган) валюта бу **миллий** валюта бўлиб, у фақат битта давлат чегарасида ҳаракатда булади ва бошқа чет эл валютасига алмаштирилмайди.

Валюта операциялари валюта бойликларига нисбатан ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қорхоналарда амалга оширилган операциялардир. Чет эл валютаси ва чет элнинг қимматли қоғозлари билан буладиган операциялар қуйидаги турларга булинади:

1. Жорий валюта.

2. Капитал ҳаракати билан боғлиқ булган валюта операциялари.

Жорий валюта операцияларига қуйидагилар қиради: 1)товар, иш, хизматлар экспорти ва импорти бўйича туловларни қечиктирмасдан амалга

ошириш учун чет эл валютасини республикага олиб кириш ва республикадан утказиш ҳамда 180 кундан ортик булмаган муддатга экспорт-импорт операцияларини кредитлаш билан боғлиқ булган ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

2) 180 кундан ортик булмаган муддатга молия кредитларини олиш ва бериш;

3) республикага ва республикадан фойзалар, дивидендлар ва улуш бўйича бошқа даромадларни, капитал ҳаракати билан боғлиқ инвестициялар, кредитлар ва бошқа операцияларни утказиш; савдо характериға эға булмаган меҳнатға ҳақ тулаш суммалари, нафақа, алиментлар ҳамда бошқа шунға ухшаш операциялар суммаларини утказиш.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига қуйидагилар киради:

1) туғри инвестициялар, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳукукини олиш ва даромад ундириш маусида корхона устав капиталига маблағ қуйиш;

2) портфел инвестициялари, яъни қимматли қозғаларни сотиб олиш;

3) бино, иншоот ва бошқа мулк, ер ҳамла унинг бойликлари қушилғап ҳолда республиканинг амалдаги қонунларига қура, жойлашған жойи, қучмас мулкка мулкчилик ҳукуқи туловини утказиш ҳамда қучмас мулк бўйича бошқа ҳуқуқпар, товар, иш, хизматлар экспорти ва импорти бўйича 180 кундан ортиқбулған муддатға тулов муддатини кейинға суриш ва тақдим этиш;

4) 180 кундан ортик булмаган муддатға молия кредитларини тақдим қилиш ва олиш.

Ўзбекистон суми валюта базаси бўлиб ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, бухгалтерия ҳисобда ҳамма ёзувлар акс этирилған хўжалик операцияларида амалда фойдаланилған валюта туридан қайси назар сумларда олиб борилади.

Валюта қурси аукционларда, биржаларда, халқаро банк бозорида, тижорат банклари ҳамда бошқа юридик шахс ва фуқаролардан валюта сотиб олиш сотишда тақлиф ва талаб асосида тарқиб топадиган бошқа миллий ёки халқаро валюта баҳрсининг сумдаги ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида операцияларни амалға ошириш мулкчилик шаклидан қайси назар ҳамма корхона, бирлашма, ташкилот, муассасаларда «Бухгалтерия ҳисоб, статистик ва бошқа ҳисоботларда чет эл валютасида операцияларни акс этирилиш тартиби ҳақидаги Низом»ға мувофиқ олиб борилади. Мазкур Низом Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қумитаси, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг 7 ноябр 2001 йкл №119, №2001111, №34 ва 205 В сон уарори билан тақдиқланған ва Адлия вазирлигида 1085-сон билан 16.11.2001 йилда руйхатдан утған.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25 октябр 2001 йилдаги 422-сонли «Ички валюта бозорида алмашинув қурсларини ихчамлаштириш бўйича қоралар ҳақида»ги уарорига мувофиқ ишлаб чиқилған.

Бухгалтерия ҳисобида валюта маблағлари чет эл валютасида хўжалик операцияси содир булган муддатга узбекистон Республикаси Марказий банки курси буйича тенг эквивалентда акс эттирилади. Жумладан:

- 1) кассадаги валюта маблағлари, банкдаги депозит ва қарз ҳисобларидаги маблағлар;
- 2) чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;
- 3) юкбожхона декларацияси расмийлаштирилган муддатда тузилган шартнома буйича импорт килинган товармоддий бойликларнинг қабул қилиниши;
- 4) боғхона туловларини амалга ошириш;
- 5) чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатлари;
- 6) чет эл валютасидаги қимматли қозғалди.

Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бухгалтерия ҳисобида сотиб олиш ва сотиш қунида Марказий банк курси буйича акс эттирилади. Чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш вақтида вужудга келадиган курс фарқи (ижобий) «Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар (ижобий)» субҳисобида (9540) ҳисобга олинади.

Чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш вақтида вужудга келадиган салбий курс фарқлари «Молиявий фаолият буйича харажатларни ҳисобга оладиган ҳисоблар» (9600) ҳисобининг «Курс фарқларидан қуриладиган зарарлар (9620)» субҳисобида ҳисобга олинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойда ҳисобот ойна охири қунида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолайдилар. Бунда ташкил буладиган курс фарқлари, юқорида қайд этилганидек, «Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар (ижобий фарқ)» ҳисобининг «Курс фарқларидан олинadиган даромадлар (ижобий фарқ)» субҳисобида ва салбий фарқлар эса «Молиявий фаолият буйича қуриладиган зарарлар» субҳисобида ҳисобга олинади.

Балансинг валюта моддаларига қуйидагилар қиради:

- 1) кассадаги, банкдаги депозит ва қарз ҳисобларидаги валюта маблағлари, жумладан, аккредитивлар;
- 2) чет эл валютасидаги пул маблағлари;
- 3) чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва заёмлар;
- 4) чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узок муддатли қимматли қозғалди.

Қайта баҳоланмайдиган баланс моддаларига қуйидагилар қиради:

- 1) чет эл валютасига сотиб олинган хўжалик юритувчи субъект мүлки (асосий воситалар, номоддий активлар, товармоддий бойликлар, инвентар ва хўжалик мүсаламалари);
- 2) хўжалик юритувчи субъект устав қапители (фонди) мүқдори ва таҳсисчилар улуши.

Ҳар ойда баланс моддаларини қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган ижобий ва салбий курс фарқлари бухгалтерия ҳисобида тегишли

бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади ва кейинчалик корхона молияхўжалик фаолияти натижаларига қуйидаги тартибда олиб борилади:

- 1) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари буйича қарз қайтарилганда;
- 2) бошқа ҳолларда тегишли баланс валюта моддалари билан хўжалик операциялари содир бўлганда.

Бухгалтерия ҳисобни юритишни ихчамлаштириш маусидада юқорида эслатилган низомда ижобий ва салбий курс фарқларини «Молиявий натижаларни ҳисобга оладиган счёт»га курс фарқининг уртача миқдори буйича ёзишга рухсат берилиши таъкидлаб утилган. Курс фарқини тегишли счётга ёзишда қўлланиладиган усул хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатида уз аксини топиши лозим.

Корхона молияхўжалик фаолияти натижаларига ёзилган ижобий фарқ суммасига даромаддан (фойдадан) солиу буйича солиука тортиш базаси купаяди, агар фарқ салбий бўлса, у ҳолда аксинча, салбий фарқ даромаддан (фойдадан) солиу ҳисобланганда солиука тортиш базасидан чиқариб ташланади.

11. Чет эл валютасида касса операциялари ва валюта счёти буйича операциялар ҳисоб

Корхонанинг валюта маблағлари банкларнинг транзит ва жорий валюта счётларида сақланиши лозим. Транзит валюта счётида чет эл валютасида келиб тушган маблағларни утқизиш билан бовлик операцияларнинг ҳисоб юритилади. Жорий валюта счёти эса чет эл валютаси тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан кейин корхона ихтиёрида қоладиган маблағни ҳисобга олишга мулжалланган.

Чет эл валютасининг ҳисоб 52-«Валюта счёти»да ҳисоб-китоб пул ҳужжатлари ёзилиш санасига ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси буйича қайта ҳисобланган сумма юритилади. 5200-«Валюта счёти»га 2 та субсчёт очилади. 5210-«Мамлакат ичида валюта счёти», 5220-«Чет элдаги валюта» субсчётлари.

Нақд чет эл валютасининг ҳисоб 5000-«Касса» счётининг 5020-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари» субсчётида юритилади. Ҳисоб икки ҳил баҳода юритилади:

1. Валюта турлари буйича.
2. Сум эквивалентида (тенглаштирилган ҳолда).

Пул маблағларидан чет эл валютасининг аналитик ҳисоб, одатдагидек, касса китобида, синтетик ҳисоб эса 1 ва 2-журнал-ордерларда ва шунингдек, 1 ва 2-ведомостларда сум тенглигида юритилади. Валюта счётларидан маблағларни тегишли счётга ёзиш ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган тартибда олиб борилади.

МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ

- 1. Материаллар ҳисобининг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш.**
- 2. Материаллар ҳаракати билан боғлиқ операцияларини ҳужжатлар билан расмийлаштириш.**
- 3. Материалларни омборда ҳисобга олиш**
- 4. Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш**
- 5. Ишлаб чиқаришга сарфланган материалларни назорат қилиш**

1.Материаллар ҳисобининг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш.

Ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларидан бири меҳнат буюмлари ҳисобланади. Амалда улар материаллар деб аталади. Асосий воситалардан фарқ уилиб, материаллар бир ишлаб чиқаришиш жараёнида узининг қийматини тула равишда маҳсулот таннархига утказди. Хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёуилғи, эҳтиёт уисимлар корхона оборот маблағларини ташкил уилади. Оборот маблағларининг корхона учун умумий миқдори юуори ташкилотлар, яъни тегишли вазирлик томонидан белгиланади. Материалларнинг ҳар бир тури буйича норматив миқдори корхона томонидан мустауил равишда белгиланади. Ҳар бир ишлаб чиқаришиш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқаришиш жараёнининг тухтовсиз давом этиб туришида белгиланган нормативга риоя уилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Олинган пайтдан кейин корхона томонидан бир йил давомида сотиш (пул маблағларига айлантириш)га мулжалланган қимматли қоғозлар қиска муддатли ёки юуори даражада ликвидлик уобилиятига эга қимматли қоғозлар деб ,Ушбу қоғозларни сотиб олишга сарфланган қўйилмалар эса - қиска муддатли қўйилмалар деб аталади .

Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар - бу бир неча йил муддати давомида фойдаланиш учун сотиб олинган қимматли қоғозларга таснифланади.

Қарздоаликка оид қимматли қоғозларлар корхона -эмитент (қимматли қоғозларларни чиқарувчи) инвесторга (қимматли қоғозларни сотиб олувчи корхона) нисбатан булган қарздорлик шаклини ифодалайди. Шундай уилиб белгиланган тулов муддати келгандан кейин эмитент инвесторга маълум суммани қайтариши ва белгиланган ставка буйича фоиз тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади .Қарздорликка оид қимматли қоғозлар эмитент мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини таснифловчи гувоҳнома бўлиб ҳисобланмайди .

Улушни ифодалайдиган қимматли қоғоз инвестор томонидан эмитент мулкидаги улуши (капитали)га эгалик қимматлиилиш ҳуқуқини тасдиулайди .

Молиявий қўйилмалар турлар буйича қуйидагича гурухланади : қимматли қоғозлар(акциялар ,облигациялар, сертификатлар, давлат ва маҳаллий фоиз заёмлари)га инвестициялар ,шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар, уарам хўжалик жамиятига инвестициялар,чет эл капиталига эга булган корхоналарга инвестициялар ва бошқа инвестициялар.

Бир корхона томонидан бошқа корхонанинг оддий акцияларига Узоқ муддатли инвестициялари инвесторларга тегишли овоз ҳисоби ҳуқуқига эга булган акциялар фоизига караб туркумланиши мумкин:

1. Инвестор 50 фоиздан кўпроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акциялар (назорат туплам)га эга булган тақдирда инвестор бирлаштирилган (йиғма) ҳисобот тузиши лозим;
2. Инвестор 20 фоиздан 50 фоизгача миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга булган тақдирда у компания эмитентга аҳамиятли таъсир курсатиши мумкин деб ҳисобланади, шунинг учун акциялар таннархини ҳам қўшимча равишда инвестицияланган объект булган корхона тақсимланган фойдасида инвесторнинг улуши буйича ҳисобланиши лозим (улушли иштирок этиш усули);
- 3.Инвестор 20 фоиздан камроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга булган тақдирда инвестициялар таннарх ёки бозор қиймати каби икки қийматдан энг ками буйича ҳисобланади (қиймат усули).

Корхонада мавжуд булган барча инвестицияларнинг туплами инвестицион портфел деб аталади.

Молиявий инвестицияларни **номинал ,жорий ва бозор** қийматини ажратадилар .

Номинал қиймати қимматли қоғоз бланкасидаги уайд этилган сумма.Номиналл қиймати буйича барча акцияларнинг жамланган қиймати устав капитали миқдорини ифодалайди.

Жорий қиймати - хабардор мустауил томонлар -қимматли қоғознинг харидори ва сотувчиси уртасида қимматли қоғознинг сотилиши ёки алмаштирилиши .

Бозор қиймати - бозорда қимматли қоғоз нархи белгиланишининг натижаси билан аниқланадиган нарх. У маълум бир вақт мобайнида талаб ва таклиф мувозанатини акс эттиради .

Молиявий инвестициялар корхона активи бўлиб ҳисобланади ,шу боис улар даставвал бухгалтерия ҳисобида таннархни ёки сотиб олинган нархи буйича акс эттирилади.Молиявий қўйилмалар таннархига барча ҳақиқатдан амалга ошириладиган ёки шартномага махфий мол етказиб берувчига туланадиган харажатлар ,яъни :агентлар ва дилерларни тақдирлаш учун харажатлар ,фонд биржалари ва бошқа тартибга солувчи идораларнинг божлари ,маблағларни утказиш буйича солиулар ва божлар ,банк хизматлари буйича тақдирлашлар киритилади.

Молиявий қўйилмалар буйича операциялар мунтазам тавсифга эга бўлиб ва уларнинг бозор қиймати доимо узгариб турган тақдирда ҳисобда молиявий қўйилмаларни қайта баҳолаш буйича операциялар вижудга келиши мумкин. Бу ҳолатда молиявий қўйилмаларнинг ҳауиқий қийматинингузгариши ,қўйилмалар туркими ва корхонада уабул уилинган ҳисоб сиёсатига махфий, ҳисобда акс эттирилиши ёки акс эттирилмаслиги мумкин.

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар сотиб олинган пайтида сотиб олиш қиймати буйича ҳисобга олинади, кейинчалик эса улар таннархида қуйидагича акс эттирилиши мумкин:

а) жорий инвестициялар :

- бозор қиймати буйича ;
- харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками буйича.

Жорий инвестициялар бозор қийматининг узгаришидан олинган Даромад ёки зарар улар вужудга келган даврда тан олинади .

б) Узоқ муддатли инвестициялар :

- харид қиймати буйича ;
- қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат буйича ;
- харид қиймати ва бозор қийматининг энг кам баҳоси буйича.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар қайта баҳоланганда оширилган қиймат суммаси қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капитал таркибига киритилади . молиявий қўйилмалар қиймати пасайганда камайиш ,мазкур инвестициялар буйича хусусий капиталда акс этирилган,қиймати ошган сумма ҳисобига амалга оширилади. молиявий инвестициялар қийматининг пасайиши қайта баҳолашдан олинган даромадсуммасидан юғори булган тақдирда ,тафовут харажат сифатида тан

олиниши лозим.Аввал қиймати пасайтирилган инвестициялар буйича қиймати оширилган сумма,мазкур инвестициялардан олинган зарар уоплангандан

кейин хусусий капитални оширилишига утказилади.

Корхона уз ҳисоб сиёсатида инвестициялар юуорида уайд этилган усулларнинг уайси бири буйича баҳоланишини белгилаши ва бу ҳақуоний (бозор) қиймати булган тақдирда қайта баҳолаш даврийлиги ,шу жумладан инвестициялар туркуми буйича акс этирилиши лозим.

Молиявий инвестициялар харид ёки бозор қийматидан энг кам баҳоси буйича ҳисобга олинган тақдирда , инвестицияларнинг бозор қиймати жами умумий инвестицион портфел қиймати асосида ,ёки бир турдаги гуруҳлар,ёхуд алоҳида ҳар бир инвестициянинг асосида белгиланиши мумкин .Қийматнинг ошиши қайта баҳолашдан олинган даромад тариуасида хусусий капитал таркибига утказилади,камайтиши эса молиявий натижалартуғрисидаги ҳисоботда харажат тариуасида тан олинади .

«Ташмир» ҚК қуйидаги Узоқ муддатли қимматли қоғозларга эга деб фараз қилайлик:

Портфел	Харид қиймати	Бозор қиймати	Эҳтимолий даромад(зарар)
А акциялари	300000	200000	(100000)
Б акциялари	400000	400000	-
В акциялари	350000	430000	80000
Г акциялари	120000	1000000	(20000)
Жами	1170000	1130000	(40000)

Бинобарин ,бухгалтерия балансида акциялар харид уилинган 70000 сумдан бозор қийматининг 40000 сум чегирмаси айирилган ҳолда, яъни 1130000 сум миқдорда акс этирилади .Бунда қуйидаги утказмалар берилади:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар» -120000сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -40000сум .

К-т 8510 «Активларни қайта баҳолаш буйича тузатишлар» -80000 сум.

Қабул уилинган ҳисоб сиёсатиға махфий молиявий қўйилмалар баҳоланган таннарх ёки бозор қийматининг энг ками буйича ҳисобга олинган тақдирда ,бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган инвестицилар учта усул билан ҳисобланиши мумкин.

-умумий инвестицион портфел асосида ;

- инвестициялар туркуми ва бир хилдаги гуруҳлари буйича

-»Соғдиона» АЖ Узоқ муддатли инвестициялар туғрисида қуйидаги маълумотга эга деб фараз қилайлик.

№	Қимматли қоғоз	Сотиб олиш	Бозор	Сотиб олиш ва
---	----------------	------------	-------	---------------

	тури	қиймати	қиймати	бозор қийматларидан энг ками
I.	3 йил муддатли акциялар «узбекинвест»АЖ «Финиш»АЖ «Сокол « АЖ Жами:	200000 500000 300000 1000000	250000 400000 310000 960000	200000 400000 300000 900000
II.	5йил муддатли акциялар «Бек»АЖ «Ҳаёт» АЖ Жами:	700000 600000 1300000	7800000 650000 1430000	700000 600000 1300000
	Ҳаммаси:	2300000	2390000	2200000

Корхона томонидан инвестицияларнинг умумий портфели асосида қайта баҳолаш қўлланилганда балансида 2300000 сум сумма акс эттирилади чунки икки сумадан ,яъни 2390000 сумдан 2300000 сум кам.Инвестициялар туркуми буйича қайта баҳолашда ,бухгалтерия балансида акс эттириладиган биринчи гуруҳ буйича икки сумадан ,яъни 100000 сум ёки 960000 сумдан иборат ,улардан ками -960000 сум ёки танлаб олинади ,иккинчи гуруҳ буйича икки сумма ,яъни 1300000 сум ва 1430000 сумдан энг ками- 1300000 сум танлаб олинади, шундай уилиб акс эттирилган сумма 960000Қ1300000у 2226000 сумни ташкил этади .Корхона томонидан инвестицияларнинг ҳар бири тури буйича қайта баҳолаш қўлланилган тақдирда бухгалтерия балансида 2200000 сум суммани акс эттирилиши лозим.

2 Инвестициялар келиб тушишини ҳисобга олиш.

Инвестицияларнинг келиб тушиши қуйидагича ҳисоб варақаларда ҳисобга олинади:

- 5800-5890 « Қисса муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақалар «;
- 0610-0690 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга оливчи ҳисобварақалар».

Молиявий инвестициялар ушбу ҳисобварақаларда келиб тушиш билан боғлиқ булган харажатлардан жамланган сотиб олиш таннархи буйича акс эттирилади . Қимматли қоғозлар номинал қийматдан паст ёки баланд нархларда сотиб олиниши мумкин .Номинал қиймат -бу қимматли қоғоз бланкасида уайд этилган қиймат .Акциялар буйича харид нарх ёки облигациялар буйича фоизнинг бозор ставкаси номиналдан кам булган тақдирда (чегирма ёки дисконт) ,уоплаш даври пайтида харид ва номинал қиймати орасидаги фарқнинг қисми қўшимча ҳисобланади .Бунда 0610-0690 ҳисобварақаларнинг дебетида ва 9590 «Молиявий фаолиятдан олинadиган бошқа доромадлар» ҳисобварақининг кредити буйича ёзув амалга

оширилади. Корхона томонидан сотиб олинган харид қиймати уларнинг номинал қийматидан (устма ёки мукофот) куп булган тақдирда , сотиб олинган пайтдан то уоплаш пайтигача булган даврда сотиб олиш ва номинал қиймат орасидаги фарқнинг қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварағининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади . Қимматли қоғозлар уопланиши пайтида ҳисоботда акс эттирилган қиймати номинал қийматга тенг бўлиши керак . Чегирма ва устамаларни ҳисобдан чиқарилишининг даврийлиги улар бўйича фоизларни ҳисоблаш даврийлигига мутаносиб бўлиши лозим.

Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар) ни ҳисоблашда 4830 «Олинадиган фоизлар» ёки 4840 «Олинадиган дивидендлар» ҳисобварақаларининг дебети ва 9530 «Фоизлар куринишидаги даромадлар» ҳисобварақаларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади .

Мисол. 2003 йил 1 июлда «Ванда» МЧЖ «Лидасан» ҚҚга тегишли номинал қиймати 1000000 булган 10 % облигацияларнинг 1250000 сумга сотиб олинган , яъни облигациялар устама «мукофот» билан сотиб олинган , сотиб олиш пайтида брокерга 50000 сум туланган. Облигацияларнинг уопланиш муддати 2004 йил 30 апрел. Облигацияларнинг уопланиш муддати 10 ой булганлиги учун молиявий қўйилмалар қисқа муддатли ҳисобланади . Сотиб олишда қуйидаги ёзувлар амалга оширилади :

2003 йил 1 июлда :

Д-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -1300000 сум

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» -1300000 сум

2003 йил 31 июлда фоиз даромади ҳисобланди ($1000000 \times 10 \% : 12 \times 8333$ см):

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -8333 сум

К-т 9530 «Фоизлар куринишидаги даромадлар» -8333 сум

Шу пайтнинг узида устаманинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади ($1300000 - 1000000$): 10×30000 сум:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» -30000 сум

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -30000 сум .

Мисол. 2003 йил 1 октябрда «Алман» МЧЖ «Галера» компаниясига тегишли 9 %ли номинал қиймат 500000 сум булган облигацияларни 400000 сумга , яъни чегирма билан сотиб олган. Қопланиш муддати 2005 йил 1 октябр , яъни 24 ойдан кейин .

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -400000 сум

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» -40000 сум

2003 йил 31 октябрда $500000 \times 9 \% : 12 \times 3750$ сум фоизли даромад ҳисобланган.

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -3750 сум

К-т 9590 «Молиявий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар» -3750 сум .

Шу пайтнинг узида чегирма (дисконт) нинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади ($500000 - 400000$): $24 \times 4166,6$ сум

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -4166,6 сум

К-т « молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар» -4166,6 сум.

Молиявий инвестициялар фоизлар туланадиган асна орасида сотиб олинган тақдирда ,инвестор қимматли қоғозлар сотган шахсга унинг бзор иймати билан бирга олдинги туланган кундан уён жамланган фоизларни тулайди . Фоизлар тулаш куни етиб келганда инвестор эмитентдан сотиб олиш пайтидаги фоизлар ва қимматли қоғозларни сотиб олиш пайтдан то навбатдаги фоизларни тулаш пайтигача фоизларни олади.

Мисол. 2003 йил 1 мартда «Мирида» компанияси «Шахзод» кампаниясининг 12 %ли ,умумий номинал қиймати 70000 сум булган облигацияларини 600000 сумга сотиб олди .Фоизларни тулаш ярим йилда бир маротаба амалга оширилади .(1 январда ва 1 июлда) .Қопланиш муддати 2006 йил 1 март . Сотиб олиш пайтида , шунингдек олдинги фоизлар туланган пайтдан то харид қилиш пайтигача булган муддат ,яъни 2 ой учун ҳисобланган фоизлар туланган ($7000000 \times 12\% : 12 \times 2$) у 14000 сум.

Д-т «Қимматли қоғозлар» - 600000 сум

Д-т Бошқа дебиторларнинг қарзлари» -14000 сум

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»- 614000 сум

«Шахзод» компанияси томонидан 1 мартдан то 1 июнгача уадар ,яъни март,апрелх,май ,июнх ойлари учун ,сотиб олиенган давр буйича фоизлар ҳисобланади.($7000000 \times 12\% : 12 \times 4$)у

Д-т 4830 « Олинадиган фоизлар» -28000 сум

К-т 9530» Фоизлар куринишидаги даромадлар» - 28000 сум .

Фоизлар олинган кун, яъни 1 июлда қуйидаги ёзув амалга оширилади

:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобаврағи»- 42000 сум

К-т 4890 « Бошқа дебиторлик қарзлари « -14000 сум

К-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -28000 сум

Инвестициялар маҳсулотлар ,товарлар етказиб берилиши ёки хизматлар курсатилиши тарзида олинганда:

Д-т 0610 «ёки 5810 «Қимматли қоғозлар»

К-т 9010 -9030 «Маҳсулотлар ,ишлар ва хизматлар сотишдан олинган даромадлар».

Инвестициялар асосий воситалар ёки бошқа активларни бериш йули билан олинган ҳолатларда :

Д-т 0610 ёки 5810 « Қимматли қоғозлар»

К-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» ёки 9220 « Бошқа активларнинг реализацияси ёки бошқача чиқиб кетиши».

Мисол. Дастлабки қиймати 800000 сум ,эскириш 3000000 сум ,баҳолинган қиймати 600000 сум булган ускуналарни бериш йули билан инвестициялар олинган.

-асосий воситаларнинг дастлабки қийматига:

Д-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача

чиқиб кетиши» - 800000 сум

К-т 0130 «Машина ва ускуналар»-800000 сум

- эскириш суммасига :

Д-т 0230 « Машина ва ускуналар эскириши»-30000 сум

К-т 210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» -3000000 сум

-баҳоланган қийматига :

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар»-60000 сум.

К-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» -600000 сум .

-асосий воситаларнинг баҳоланган қиймати ва қолдиқ қиймати орасидаги фарқ буйича :

Д-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» -100000 сум

К-т 9310 « Асосий воситаларни сотилишидан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда»--100000 минг сум

Қимматли қоғозлар устав капиталини шакллантиришда муассислар акцияларини тулаш ҳисобига келиб тушган тақдирда қуйидаги ёзув берилади.

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар».

К-т 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар буйича қарзлари».

Беғараз ёрдам тарзида олинган қиммат қоғозлар қуйидагича ёзув билан акс эттирилади.

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар».

К-т 8530 «Текинга олинган мол-мулк».

Қимматли қоғозлар Узоқ муддатлидан қисқа муддатлига утказилиши мумкин ёки аксинча.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар»

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар».

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг тахлили ҳисоби қўйилмалар турлари (Пай, акциялар, облигациялар ва бошқалар) ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозлар корхона- эмитентининг номи) буйича олиб борилади. Молиявий инвестициялар тахлилий ҳисобини тузилиши тулиу уз вақтидаги ва ишончли маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим. Бунинг учун корхоналар мавжуд булган барча қимматли қоғозлар қимматли қоғозларни ҳисобга олиш буйича махсус журналда уайд этилиши керак.

Ушбу журнал албатта қуйидаги реквизитларга эга булиши лозим: корхона-эмитент номи, қимматли қоғознинг номинал ва сотиб олиш қиймати, серияси, рауами, умумий миқдори, сотиб олиш санаси ва сотиш санаси ва х.к. лар.

Қимматли қоғозлар депозитарийда сауланган тақдирда, журналда депозитарий реквизитлари уайд этилади.

3. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қиймат усули ва улушли катнашиш усули билан ҳисобга олиш.

Корхона томонидан молиявий қўйилмалар қимматли қоғозларга, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга булган бошқа корхоналарнинг акцияларига қўйилиши мумкин.

Корхона бошқа корхона акцияларининг назорат туплами (50% купроги) ни сотиб олган ҳолатда компания-инвестер эмитентга нисбатан бош компания ҳисобланади, эмитент эса компания-инвесторнинг шуъба корхонаси ҳисобланади. Шуъба корхонасининг оддий акцияларига молиявий қўйилмалар бош компаниянинг бухгалтерия ҳисобида молиявий инвестициялар ҳисобланади ва улушли уатнашиш усули билан бирликдаги хўжалик юритувчи субъект тарзида акс эттириш учун бош компания жамланган (йигма) ҳисобот тайёрлайди.

Икки маротабалик ҳисобни олдини олиш маусадида, жамланган ҳисоботни тайёрлашда ҳисоботдан бир-бирини такрорлайдиган бандларни чиқариб ташлаш лозим. Ҳисобот бандларидан қуйидагилар чиқариб ташланади:

- узаро қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисоб варақлар;
- шуъба ташкилоти капиталини ҳисобга олувчи ҳисоб варақлар;
- бош ва шуъба компаниялари орасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;
- бош ва шуъба компаниялари орасидаги амалга оширилган операциялардан ҳосил булган даромадлар ва харажатлар.

Жамланган ҳисобот бош ва шуъба компаниялари нинг ягона ҳисоб сиёсати асосида тайёрланиши керак.

Бош ва шуъба корхоналари томонидан ҳисобга олишнинг турли услубиятлари қўлланилган тақдирда жамланган ҳисоботга илова уилинган тушунтириш хатида бухгалтерия ҳисобнинг бошқа услубиятлари қўлланилган ҳар бир банди ёритилиши лозим.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига қўйилган молиявий қўйилмалар овоз бериш ҳуқуқига эга булган акциялар умумий миқдорининг 20% дан то 50% гача булган тақдирда, инвестор компания-эмитентга аҳамиятли таъсир курсатади деб ҳисобланади ва ушбу инвестицияларнинг ҳисобга олиш улушли уатнашиш усули билан амалга оширилиши керак. Улушли уатнашиш усули қўлланилганда молиявий инвестициялар сотиб олиш пайтида жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Компания-эмитент фаолиятининг молиявий натижаларида инвестор улуши тан олинган пайтда бу қиймат ошиши ёки камайиши мумкин. Инвестор инвестициялардан эмитент капиталидаги уз улушига мутаносиб миқдорда фойда олади, шу боис фойда инвестициялар ҳисоб варақларининг дебети ва инвестициялардан олинган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисоб варақларнинг кредитида акс эттирилади. Улушли уатнашиш усули қўлланилганда дивидентлар инвестициялар қайтарилиши тарзида акс эттирилади, шунинг учун

дивидентларни ҳисоблашда даромад ошмайди, инвестицияларнинг қиймати эса камаяди.

Мисол. «Фонон» АЖ «Фотон» АЖ нинг овоз бериш ҳуқуқига эга булган 10000 дона одий акцияларининг ҳар бирини 500 сумдан сотиб олди, бу «Фотон» АЖ акцияларининг 40% ни ташкил уилади. «Фотон» АЖ томонидан эълон уилинган дивидентлар 18000 сум , унинг тақсимланмаган фойдаси эса 160000 сумни ташкил этади .

Акцияларни сотиб олиш (10000x 500)у-5000000 сум .

Д-т 0610 « Қимматли қоғозлар»- 5000000 сум

К-т 5110 « Ҳисоб китоб ҳисоб варағи»- 5000000 сум

«Фотон» АЖ томонидан дивидентларнинг эълон уилиниши:

Д-т 4840 «Олинадиган дивидентлар»- 18000 сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -18000 сум.

Дивидентлар олинишида:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи»-18000 сум.

К-т 4840 «Олинадиган дивидентлар»-18000 сум.

Тақсимланмаган фойдани акс эттиришда «Фотон» АЖ соф фойдасидаги «Фонон» АЖ нинг улуши ҳисобланади $160000 \times 40\% = 64000$ сум.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -64000 сум.

К-т 9520 «Дивидентлар қурилишидаги даромадлар» -64000 сум.

Корхона инвестор, уз инвестицияларини саулаб уолган ҳолда, акциялар сотиб олган корхонасига аҳамиятли таъсир курсатишни тухтатган тақдирда ёки уюшмага айлантирилган корхона, инвесторга уз фондларини утказиш уобилиятини чеклайдиган уаттиу Узоқ муддатли чеклаш остида фаолият курсатган ҳолда инвестор улушли уатнашиш усулини тухтатишга ва уз инвестициялари учун қиммат усулни ууллашга мажбур.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига Узоқ муддатли инвестициялар овоз бериш ҳуқуқига эга булган акцияларнинг умумий миқдорида 20% гача тақдирда инвестор пассив улушга эга ёки компания- эмитент фаолиятига аҳамиятсиз таъсир курсатади деб ҳисобланади, шу боис ушбу инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби одатда қиймат усули билан амалга оширилади.

Ушбу усулнинг моҳияти ва унинг улушли уатнашиш усулидан фарқи шундан иборатки, акциялар буйича дивидентлари эълон қилиш пайтида даромадни ва дебиторлик қарзни камайтиради.

Мисол. 2003 йил 1 январда «Диана» компанияси «Наргиз» компаниясининг ҳар бир акциясини 1000 сумдан 1000 та оддий акциясини сотиб олди. Бу «Наргиз» компанияси барча акцияларининг 10 фоизини ташкил этади. Акцияларнинг уопланиш муддати 5 йил. «Наргиз» компанияси томонидан 130000 сум дивидент эълон уилинди. Компаниянинг 1 йилга соф фойдаси 2500000 сумни ташкил уилди.

Акциялар сотиб олиниши:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» 1000000 сум.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи»

Дивидентлар эълон уилиниши.

Д-т 4840 «Олинадиган дивидентлар» 130000 сум.

К-т 9520 «Дивидентлар курунишидаги даромадлар»

Дивидентлар олиниши.

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» 130000 сум

К-т 4840 «Олинадиган дивидентлар».

Пул маблағларини саулаб уолиш учун акциядорлар уртасида дивидентларни акциялар билан тулаши мумкин. Бу ҳолатда акциядорлар янги чиқарилган акцияларни оладилар. Акциялар курунишидаги дивидентлар активларни, мажбуриятларини ёки акциядорлар капиталини ҳеч уандай узгартирмайди ва инвесторнинг фоиз тарзидаги улуши узгаришига таъсир курсатмайди.

Акциялар курунишидаги дивидентлар олишда инвестор эмитентдан активларни олмайди, инвесторда муомилада булган акциялар миқдори ошади, яъни ушбу туркумдаги акциялар курунишидаги дивидентларни олиш, акциялар қиймати узгармаган ҳолда уларнинг миқдори ошишига олиб келади. Шундай инвесторда даромадни ҳисобга олиш учун ҳеч уандай утказма берилмайди, фауат инвестор эгалик уилган акциялар миқдори ошади.

Мисол. «Малика» АЖ «Ширин» компаниясининг ҳар бири 700 сумдан 1000 та оддий акцияларини сотиб олди. Сотиб олиш кунда қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -700000 сум

К-т 5110 « Ҳисоб китоб ҳисоб варағи» -700000 сум.

Бир уанча вақт утгандан сунг «Малика» АЖ 50% даромадни оддий акциялар курунишида олди, яъни муомаладаги оддий акциялар миқдори 1500тани ташкил этди. Дастлабки сотиб олинган акцияларнинг қиймати 700000 сум. 500та акцияларнинг қиймати -0 сум. Мавжуд булган 1500 та акцияларнинг баланс қиймати - 700000 сум.

Битта акциянинг баланс қиймати $700000:1500=466.6$ сумни ташкил уилади. Бинобарин, «Ширин» компаниясининг 1500та акцияларига «Малика» компаниясининг Узоқ муддатли молиявий қўйилмалари баланс қиймати дивидентлар олунгунга уадар 1000та акцияларнинг баланс қийматига тенг булади, чунки «Малика» АЖ ушбу акцияларни сотиб олмаган. «Малика» АЖ 500 та акцияларни сотиб олишда ҳеч уандай утказма берилмайди, лекин таҳлилий ҳисобда мавжуд булган акциялар миқдори ошади.

«Малика» АЖ 300 та акцияларнинг ҳар бирини 600 сумдан сотишга уарор уилди деб фараз қилайлик. Бунда қуйидаги утказмалар берилади:

-сотиш қийматига:

д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» -180000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» -180000 сум.

-баланс қийматига $300 \times 466.6 = 139980$ сум :

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» -139980 сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -139980 сум.

- сотишдан олинган фойда 180000-139980у40020 сум:
Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши»
-40020 сум.
- К-т 9320 «Бошқа активларнинг реализация қилишдан ва бошқача
чиқиб кетишидан олинган фойда» -40020 сум.

4.Инвестициялар чиқарилишини ҳисобга олиш

Инвестицияларнинг чиқарилиши улар сотилиш ёки эмитентга қайтарилиши, шунингдек беғараз ёрдам тарзида бошқа ташкилотга берилиши сабабли вужудга келади.

Чиқарилишда инвестицияларнинг баланс қиймати орасидаги фарқ аниқланади. Баланс қиймати сотиш қийматидан паст булган тақдирда фойда пайдо булади. Инвестицияларнинг баланс қиймати уларни сотиш ёки бериш қийматидан баланд булган тақдирда инвестициялар чиқарилишидан зарар курилади. Чиқарилишни ҳисобга олиш 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисоб варағида амалга оширилади.

Мисол. Баланс қиймати 200000 сум булган қисқа муддатли облигациялар 250000 сумга сотилди.

- сотиш нархига:
д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» -250000 сум.
- К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши»
-250000сум.
- инвестицияларнинг баланс қийматига:
Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши»
-200000сум.
- К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -139980 сум.
- инвестициялар сотилишидан олинган фойда:
Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши»
-50000сум.
- К-т 9590 «Молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар» -
50000 сум.
- Мисол: 300000 сум баланс қийматига эга булаган акциялар сотилди,
сотилиш нархи 270000 сум.
- сотилиш нархига:
д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» -270000 сум.
- К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» -
270000сум.
- баланс қийматига:
Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши»
-300000сум.
- К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -300000 сум.
- сотилишдан курилган зарарга:
Д-т 9690 «Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар» 30000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 30000сум.

Мисол. Баланс қиймати 100000 сум булган қисқа муддатли инвестициялар беғараз ёрдам тарзида бошқа корхонага берилди.

-инвестицияларнинг баланс қийматига:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» -100000сум.

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -100000 сум.

-чиқарилишдан курилган зарар суммасига:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» 100000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 100000 сум.

БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1. "Бошқарув ҳисоби" фани, унинг предмети ва методи**
- 2. Бошқарув ҳисобининг шаклланиш тарихи**
- 3. Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби ўртасидаги боғлиқлик**
- 4. Молиявий ва бошқарув ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги**

1. "Бошқарув ҳисоби" фани, унинг предмети ва методи

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барча жараёнларида иқтисодий ахборотларга нисбатан ҳаққонийлик, ҳолислик ва аниқлик каби талаблар қўйилади. Ҳозирги пайтда олинган иқтисодий ахборотлар ички ва ташқи фойдаланувчилар талабини тоииқ қондириши ҳарада энг кам меҳнат ва вақт сарф қилинган ҳолда шакллантирилиши лозим.

Шунингдек, иқтисодий ахборотлар корхона фаолиятини бюджетлаштириш, истикболни белгилаш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини тўғри ташкил этиш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда зарурий асос болиб хизмат қилиши керак. Бу каби масалалар республикамизда "Бошқарув ҳисоби" фанини шакллантириш ва уни ривожлантириш йўналишлариини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

"Бошқарув ҳисоби" фанининг предмети харажатлар ва маҳсулот таннархи **калкуляцияси, жавобгарлик** марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш, **бюджетлаштириш**, истикболда корхона тараққиётини белгиловчи лойиҳалар таҳлили, сегментлар бўйича ҳисобот тузиш, самарали трансферт баҳоларини шакллантиришнинг назарий-услубий ҳамда ташкилий асосларини ёритиш ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда фирма ва компаниялар бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги иш вақтининг 90 фоизини бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва

юритишга сарфлайдилар. Бошқарув ҳисоби билан юқори малакали мутахассислар шуғулланиши талаб этилади.

Бошқарув ҳисоби: — бу бозор муносабатлари зарурияти билан пайдо бўлган, корхона ва унинг турли бўғинларидаги таркибий тузилмаларининг фаолияти юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этувчи;

— корхона ҳисоб сиёсатига мувофиқ юритиладиган, таркибига корхона молиявий-хўжалик фаолиятини бюджетлаштириш, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калкуляция қилишнинг илғор усуллари кўллаш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисобот тузиш, ички хўжалик бўлинмалари ўртасидаги муомалаларда фойдаланиладиган трансферт баҳоларни шакллантириш;

— эволюцион йўл билан ривожланиб боровчи ички хўжалик ҳисобининг синтетик тизими, бир нечта иқтисодий фанлар мажмуасида туғилган комплекс фандир.

Корхоналарда бошқарув ҳисобини самарали юритишга дастлабки ва йиғма ҳужжатларнинг айланиш тезкорлиги, қабул қилинган ички ҳисобот шакллари, уларни тузиш даврийлиги ҳамда тақдим қилиш муддатлари, ахборотлар тизимини такомиллаштиришга мослиги таъсир қилади.

Бошқарув ҳисобида ҳужжатлаштириш ва инвентаризация, баҳолаш ва калкуляция, счетлар ва иккиёклама ёзув, баланс ва ҳисобот каби молиявий ҳисоб усуллари кўллашнинг барча элементларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, унда иқтисодий таҳлил, иқтисодий-математик ва статистик усуллар ҳам кенг қолланилади.

Бошқарув ҳисоби анъанавий бухгалтерия ҳисоби, оператив-техник ва статистика ҳисоби ҳамда иқтисодий таҳлилнинг кўпгина унсурларидан фойдаланади.

Бошқарув ҳисобининг самарали ташкил этилиши ва юритилиши ўз вақтида оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш, корхона фаолиятини режалаштириш, таҳлил ва назорат қилиш имконини бериб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Одатда, корхоналарда бошқарув ҳисоби қуйидаги фаолият турлари бўйича юритилади:

- таъминот-тайёрлов фаолияти;
- ишлаб чиқариш фаолияти;
- молия-тижорат фаолияти;
- ташкилий фаолият.

Корхоналарда таъминот-тайёрлов фаолияти такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва унинг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Слм сабабли, мазкур соҳада дастлабки бошқарув ахборотлари йиғилади ва қайта ишланади.

Бошқарув ҳисоби ахборотларини шакллантиришда ишлаб чиқариш фаолияти муҳим ўрин тутди. Унда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби,

ўзгариши, уларнинг жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобини ташкил қилиш, шунингдек, харажатлар ҳисоби ва таннарх калкуляциясини юритиш, сарфланган харажатлар бўйича четланишларни ҳисобга олинади.

Молия-тижорат фаолиятида эса корхона иқтисодий бўлинмалари (сегниентлари) бўйича сотиш, мамурий харажатлар бюджети тузилади ва уларнинг бажарилиши назорат қилинади.

Ташкилий фаолият бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш алоҳида бўлинмалар менежерлари зиммасига харажатлар ҳажми, уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш вазифасини юклайди. Бунда ишлаб чиқариш зарарсизлиги нуқтасининг дастлабки ҳисоб-китоблари амалга оширилади, ўзгарувчан, доимий харажатлар ва фойда ўртасидаги алоқадорлик таҳлил қилинади.

Бошқарув ҳисоби фақатгина харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калкуляцияси билан шуғулланибгина қолмасдан, балки корхона раҳбарига жорий ва истиқболли бошқарув қарорлари қабул қилишда кўмаклашиши зарур.

Ҳозирги пайтда республикаимиз иқтисодиётида бошқарув ҳисобининг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш зарурати куйидаги омиллар мавжудлиги билан изоҳланади:

- ривожланган мамлакатлар тажрибасига мувофиқ, бухгалтерия ҳисобини молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлиниши;
- бухгалтерия ҳисобида маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш, ҳақиқий харажатлардан четланишларни бошқаришда "Стандайт-кост" ҳисоб тизимининг пайдо бўлиши;
- харажатларнинг доимий ва ўзгарувчан турларга ажратилиши, натижада корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, харажатларни самарали тақсимлаш мақсадида таннархни калкуляция қилишнинг "Директ-костинг" каби замонавий тизимларини ривожлантириш заруратининг юзага келиши;
- корхоналар амалиётига "зарарсизлик нуқтаси", "маржинал даромад", "ишлаб чиқариш дастаги" ва бошқа янги иқтисодий атамаларнинг кириб келиши ҳамда уларни ҳўжалик юритувчи субъектларда харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий натижалар ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлашга йўналтириш зарурати;
- корхоналар ҳисоб тизими олдида моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни режалаштириш, ишлаб чиқариш захираларини стратегик бошқариш, уларга мос трансферт баҳоларни шакллантириш, харажатлар ва даромадлар ҳисобининг самарали моделини яратиш каби вазифаларнинг қўйилиши;
- бухгалтерия ҳисобида янги компьютер технологиялари, ахборот дастурларининг кенг жорий этилиши, шунингдек, бошқарув ҳисобини автоматлаштириш асосларини ишлаб чиқиш муаммосининг мавжудлиги ва ҳ.к.

Бошқарув ҳисоби корхонанинг ички вазифаларини ҳал қилишга мўлжалланган бўлиб, бу унинг "ноу-хау"сидир.

Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобининг муҳим вазифалари куйидагилардан иборат:

— корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш борасида истиқболли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотлар манбасини шакллантириш ва раҳбарларни улар билан таъминлаш;

— корхона молиявий-хўжалик фаолиятини тезкор бошқаришда менежерларга ишончли, юқори самарадор ахборотлами ўз вақтида этказиб бериш;

- маҳсулот (товар, иш, хизмат) турлари, уларни сотишнинг мувофиқ ҳажмини режалаштириш;

— қўшимча буюртмаларни қабул қилиш ёки рад этиш;

— баҳоларни шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш.

Стратегик вазифалар узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, куйидагилардан иборат:

— узоқ муддатли капитал қўйилмаларни жалб қилиш;

— бизнес таркибини ўзгартириш;

— маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш.

Бозор муносабатлари шароитида бошқарув ҳисоби ўз вазифалари орқали корхона ички фаолияти, унинг стратегияси ва тактикаси билан бошқарувнинг асосий ахборот. пойдевори сифатида намоён бўлади.

БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ СТРАТЕГИЯСИ истиқболда корхона тараққиётини белгиловчи лойиҳалар таҳлили, **истиқболни белгилаш**, бюджетлаштириш, **жавобгарлик марказлари бўйича** сегментар ҳисоботни тузиш, оқилона трансферт баҳоларни ўрнатиш ва бошқарув қарорларини мувофиқлаштириш тизимини ифодалайди

Бошқарув ҳисоби тактикаси эса жорий даврда ишлаб чиқаришни ташкил **этиш**, харажатлар ва маҳсулот таннархи калкуляцияси бўйича ҳисоб юритиш, далиллаш, қабул қилинган. қарорларни таҳлил ва назорат қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси учун жавобгарлик кабилардан иборат.

2. Бошқарув ҳисобининг шаклланиш тарихи

Республикамызда бошқарув ҳисобини алоҳида фан сифатида ривожлантириш йўналишларини белгилаш унинг шаклланиш тарихини ўрганиш заруратини юзага келтиради.

Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисоби таркибида мустақил фан сифатида расман 1972-йилда тан олинган. Бу пайтда бухгалтерларнинг Америка ассоциацияси томонидан бошқарув ҳисоби бўйича битирувчиларга бухгалтер-таҳлилчи малакасини берадиган дипломли дастури ишлаб чиқилган эди. Бинобарин, мустақил ўқув фани сифатида бошқарув ҳисоби олий ўқув юртларининг ўқув режасига киритилган эди. Унинг пайдо бўлиши ҳамда шаклланиши калкуляция ва ишлаб чиқариш ҳисобларининг ривожланиши билан боғлиқ.

Калкуляция ҳисоби хўжалик ҳисоби пайдо бўлиши билан бир вақтнинг ўзида келиб чиққан ва товар алмашув муомалалари натижаси бўлиб

ҳисобланган. **"Калкуляция"** сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржимада **"салсул"** - тошча, яъни, **"тошчалар билан санаш"** маъносини англатади. Иккиёқлама ёзувнинг пайдо бўлиши калкуляция ҳисобининг ривожланишини янада юқорироқ поғонага кўтарди. Корхонанинг умумий бухгалтерияси таркибида калкуляция ҳисобининг ажратиб кўрсатилиши эса бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш имконини берди.

Бозор муносабатлари шароитида бухгалтерия ҳисобини мукаммаллаштириш, жумладан ахборотларни ўз вақтида фойдаланувчиларга этказиш, тижорат сирининг сақланишини таъминлаш, корхона бухгалтериясининг икки мустақил қисм: молиявий ва калкуляция ҳисобига бўлинишини шарт қилиб қўйди. Бухгалтериянинг бу тарзда мустақил қисмларга бўлиниши молиявий ҳисобни марказлаштираш ва калкуляция ҳисобини эса номарказлаштиришга сабаб бўлди. Натижада, калкуляция ҳисоби ўз вазифаларига эга бўла бошлади ва бошқарув жараёнини тезкор-тахлили ахборот билан таъминлаш, корхона болинмалари харажатлари ва даромадларини назорат қилиш имкониятини яратди. Ушбу омиллар харажатлар меъёрлари, маҳсулотнинг норматив калкуляциясини ишлаб чиқиш, ҳақиқий хайъаж атларнинг меъёрий хараж атларга мувофиқлигини тезкор назорат қилиш, мавжуд четланишларни аниқлаш ва бартараф қилишга имкон туғдирди ҳамда таннархнинг шаклланиш жараёнини бошқаришнинг четланишлар бўйича бошқарув усули юзага келди.

XX асрнинг 40-йиллари охирида АҚШ ва ғарбий европанинг айрим мамлакатларида "ишлаб чиқариш ҳисоби" атамаси аста-секин "бошқарув ҳисоби" атамасига алмашина бошлади. Бу даврда бухгалтерия ҳисоби бошқарув сиёсатининг шаклланиши ва амалга оширилишида фаол иштирок эта бошлади, бухгалтерлар эса тахминлаш, режалаштириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш ва корхона бошқарув хизматларини ахборот билан таъминлаш устидан назорат ўрнатиш соҳасида фаолият юрита бошлади.

3. Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби ўртасидаги боғлиқлик

Бошқарув ҳисобининг моҳиятини чуқурроқ англаш у билан ишлаб чиқариш ҳисоби орасидаги боғланиш ва фарқли жиҳатларни ажратишга бевосита боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ҳисоби ишлаб чиқариш харажатлари ва корхона даромадини бошқариш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш имкониятларини аниқлашда намоён бўлади. У корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ барча масалаларни батафсил ақс эттириши лозим.

Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби ўртасидаги ўзаро боғлиқликни жадвалда тасвирлангани каби ифодалаш мумкин.

Жадвалда кўриниб турибдики, бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш ҳисобидан кенгроқ бўлиб, ўз ичига ички (сегментар) ҳисоб ва ҳисобот, Трансферт бмхони шакллантириш ҳамда истиқболни белгилаш каби ҳисобнинг *янги* йўналишларини қамраб олади.

Замонавий ишлаб чиқариш ҳисоби эса юқоридагилардан ташқари куйидаги кўрсаткичларни ҳам ўзида акс эттиради: - харажатлар ва даромадларнинг турлари;

- жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ва даромадлар ҳисоби;
- харажатлар ва даромадларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби.

Корхонада ички хўжалик ҳисобининг турлари ва улар ўртасидаги алоқадорлик

л.л.-жадвал

Тғ Р	Кўрсаткичлар	Бошқарув ҳисоби	Ишлаб чиқариш ҳисоби	Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калькуляцияси
1	Режалаштириш (бюджетлаштириш)	Қ	Қ	-
2	Тахминлаш (истикболни белгилаш)	Қ	Қ	-
3	Ички (сегментар)ҳисоб ва ҳисобот	л		
4	Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш	Қ	Қ	Қ
5	Франсферт баҳони шакллантириш	Қ	-	-
6	Истикболни белгилаш	Қ		

4. Молиявий ва бошқарув ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини истикболли ривожлантириш молиявий ва бошқарув ҳисоби каби унинг муҳим таркибий қисмлари ўртасидаги алоқадорликни ўрганишни тақозо этади.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби ўртасида кўпгина умумийликлар мавжуд, чунки уларнинг иккаласи ҳам корхона ҳисоб тизими ахборотидан фойдаланади.

Молиявий ҳисобнинг қабул қилинган тамойиллари бошқарув ҳисобида ҳам амал қилиши мумкин, чунки корхона раҳбарлари ўз фаолиятларида мутлақо текширилмаган тахминлар ва фикрларга таяниб иш қилишлари мумкин эмас. Бундан ташқари, ҳар иккала кичик тизирн ахборотидан зарурий бошқарув қарорлари қабул қилиш учун фойдаланилади.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги мавжуд тафовутларни куйидагича ифодалаш мумкин:

1. Ҳисобнинг мақсади. Молиявий ҳисобнинг мақсади корхонанинг мулкӣ ва молиявий ҳолатим баҳолаш, активлар ва пасивларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш, даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишдан иборат. Бу малумотлар маъмуриятнинг ўзи учун ҳам, ташқи фойдаланувчилар учун ҳам мўйжалланган бўлади. Ташқи фойдаланувчилар, инвесторлар ва кредиторлар корхонанинг молиявий ахволи, унинг тўлов қобилияти, кредитга лаёқати, мазкур корхонага берилган инвестицияларнинг рентабеллик даражаси кабиларга баҳо беришда айнан шу маълумотларнинг аниқ белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқ равишда олиб борилганига эътибор берадилар.

Бошқарув ҳисобининг асосий мақсади эса корхона раҳбариятини оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш учун харажатлар ва молиявий натижалар тўғрисидаги ишончли ахборотлар билан таъминлашдир.

2. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш. Молиявий ҳисобда ҳисоб сиёсати уни юритиш қоидалари, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш тартибини ифодалайди.

Бошқарув ҳисоби ҳисоб сиёсатида асосан корхона фаолиятини бюджетлаштириш, тахминлаш, таннархни ҳисоблаш, трансферт баҳони шакллантириш, сегментар ҳисобот тузиш масалалари ўз ифодасини топади.

3. Ахборотларни бухгалтерия ҳисоби счетлари тизимида акс эттириш. Молиявий ҳисоб счетлари тизини корхона моддий, меҳнат ва молиявий ресурслари ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисидаги барча малумотларни умумлаштиради. Ушбу счетлар тизими ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини счетлар режаси ва уни қоллаш бўйича йўриқнома" номли миллий стандартга асосланади. Ушбу счетлар режасининг янги таҳрири ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002-йил 9-сентябрдаги 103-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002-йил 23-октабрда 1181-сон билан рўйхатга олинган.

Бошқарув ҳисоби счетлар режаси эса корхона ва унинг бўлинмалари фаолияти тўғрисида стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш, бюджетлаштириш, харажатлар ҳисоби ва таннарх калкуляциясини ташкил этиш, "Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" тизими бўйича молиявий натижаларни аниқлашни назарда тутати. Мазкур счетлар режасини амалиётга жорий этиш икки разрядли бухгалтерия ҳисоби счетлари тизимидан тўрт разрядли тизимга ўтиш заруриятини келтириб чиқаради:

4. Ахборотдан фойдаланувчилар. Молиявий ҳисобни ташқи ҳисоб доб ҳам атайдилар. Унинг натижалари чоп этиб борилади, бироқ, молиявий ҳисоботлар нафақат молиявий ахборотларни, шунингдек, корхоналар фаолиятидагж муваффақиятларни, уларнингянги маҳсулотларини намоиш этувчи реклама тусидаги ахборотларни ҳам ўз ичига олади. Молиявий ҳисоб ахборотларидан фойдаланувчилар, асосан, корхонадан ташқарида бўладилар. Ушбу ахборот корхона раҳбарияти, давлат органлари, кредиторлар, акционерлар, инвесторлар (ички ва ташқи фойдаланувчилар) учун зарур.

Бошқарув ҳисобини, бинобарин, ички ҳисоб деб аташ мумкин. Унинг натижаларидан корхона бошқаруви ходимлари, таъсисчилар ва кузатув кенгаши аъзолари фойдаланадилар.

5. Ахборотни тақдим этиш шакллари. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, молиявий ҳисобот бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги, асосий воситалар тўғрисидаги, пул оқимлари тўғрисидаги, хусусий тўғрисидаги ҳисобот шакллари, шунингдек, изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлардан иборат. Молиявий ҳисобот шакллари Молия вазирлиги томонидан 2002-йил 27-декабрдаги 140-сонли буйруқ билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2003-йил 24-январда 1209-рақам билан рўйхатга олинган "Молиявий ҳисобот шакллари тўғрисида"ги қоидаларга асосланиб тақдим этилади. Шунингдек, корхоналар солиқлар, ижтимоий таъминот ва суғурта, меҳнат биржаларига ўрнатилган тартибда ҳисобот топширадилар.

Бошқарув ҳисоби ахборотлари эса фойдаланувчиларга эркин шаклда тақдим этилади.

6. Ҳисобни юритиш мажбурияти. Молиявий ҳисоб расмий ҳисоб бўлиб, барча корхоналар учун уни юритиш мажбурийдир. Молиявий ҳисобот ҳужжатлари солиқ идоралари ва бошқа тегишли жойларга тақдим этилади, улар аудиторларнинг текширув объекти ҳисобланиб, чоп этилиши шартдир. Бошқарув ҳисобини олиб бориш корхона раҳбарияти талабларига мувофиқ амалга оширилади.

7. Ҳисобни ташкил этиш қоидалари. Молиявий ҳисобда молиявий ҳисобот ахборотлари аниқ таъйинланиши ва қоидаларга мувофиқ шаклланиши ҳамда акс эттирилиши шарт, улар асосида маълумотлар қайд қилинади, баҳоланади ва тегишли ҳисобларда расмийлаштирилади. Ушбу таъйинланиши ва қоидалар "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида белгиланган бўлиши шарт.

Бошқарув ҳисобини юритиш тартиб-қоидалари корхонанинг стратегик ва тактик мақсадларидан, хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади. Бу ҳисоб турида маълумотларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аҳамиятлилиги даражасига етибор берилади.

8. Ҳисоб таъйинланиши. Молиявий ҳисоб умумий таъйинланишга таянади, булар бухгалтерия ҳисобини иккиёқлама ёзув усулида юритиш, аниқлик, маълумотнинг шаклдан устунлиги, кўрсаткичларнинг қийинлашувчанлиги, молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги ва ҳ.к. Бу таъйинланишга корхона ходимлари билан бир қаторда давлат идоралари вакиллари ҳам амал қилади.

Бошқарув ҳисобининг асосий таъйинланиши эса ҳисобни иккиёқлама ёзув усулида юритиш, узлуксизлик, аниқлик, ҳисоблаш, эҳтиёткорлик, кўрсаткичларнинг қийинлашувчанлиги ва ҳ.к. ҳисобланади.

9. Ҳисобнинг асосий объектлари. Молиявий ҳисоботларда корхона одатда ягона, яхлит деб таъйинланади. Кўп тармоқли фаолият олиб борувчи йирик корхоналар ҳар бир соҳа бўйича, яъни, корхонанинг йирик

сегментлари бўйича харажатлар ва даромадларни умумлаштирилган молиявий ҳисоботда акс эттириши шарт.

Бошқарув ҳисоби, одатда корхонанинг алоҳида бўлинмалари: бўлимлар, сеҳлар, участкалар, иш жойлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади.

10, Ҳисобнинг асосий тузилмаси. Молиявий ҳисоб қуйидаги асосий тенгликка мувофиқ шаклланади:

Активлар қ ўз маблағлари манбалари Қ Мажбуриятлар

Бошқарув ҳисоби ахбороти тузилмаси ва таркиби унинг фойдаланувчиларини эҳтиёжларига боғлиқ. Бошқарув ҳисобининг ҳар қандай тузилмаси энг аввало харажатлар, даромадлар ва активлар каби категорияларга таянади. Бу тузилмаларни қоллашда асосий мезон — зарур ахборотнинг фойдалилигидир.

11. Ахборотнинг ошкоралик даражаси. Молиявий ҳисоб ахборотлари унинг фойдаланувчилари учун очиқ ҳисобланади. Жумладан, ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунининг 19-моддасига кўра, мазкур ахборотлар солиқ органларига, таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга, давлат статистика органларига, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга тақдим қилинади.

Бошқарув ҳисоби ахборотлари кўпроқ махфийлик хусусиятига эга бўлиб, улардан корхона менежеиари, таъсисчилар ва кузатуй кенгаши аъзолари

12, ахборот акс эттириш усуллари ва йўллари. Молиявий ҳисоб қийматида шаклланадиган ахборотни ўз ичига олади. Корхонанинг молиявий ҳисоботи ҳисоботи бош дафтардаги барча счетлар бўйича якуний қолдиқлар ўз ичига олади. Молиявий ҳисобда хўжаликжараёнлари бухгалтерияҳисобининг ҳужжатлаштириш ва инвентаризация, баҳолаш ва калкуляция, счетлар тизими ва иккиёқлама ёзув, бухгалтерия баланси ва ҳисобот каби **усулларда** ифода этилади. ТЖнда молиявий ҳисобот малумотлари албатта пул бирлиги кўринишида акс эттирилиши зарур. Молиявий ҳисобот маълумотлари бош дафтарнинг якуний ёзувларига мос келади.

Бошқарув ҳисобида хўжалик муомалаларини акс эттиришда иккиёқлама ёзув усулига асосланиш шарт эмас. Мазкур ҳисоб турида малумотлар ҳар қандай ўлчов бирлигида ҳисобланиши раумкин. Шунингдек, унда молиявий ҳисобот шакллари ахборотларининг Бош китоб маълумотлари билан мос келиши ва таққосланиши шарт эмас.

Бошқарув ахборотини қайд этиш ва акс эттиришда эса молиявий ҳисоб усуллари билан биргаликда эконометрика, статистика, иқтисодий таҳлил усулларида ҳам фойдаланлади.

13. Ахборотларни ўлчаш. Хўжаик жараёнларини умумлаштириш учун молиявий ҳисобда иақат қиймат ўлчови қолланилади ва сўмларда ифода этилади.

Бошқарув ҳисобида эса ҳисоб ўлчовларининг моддий, меҳнат ва қиймат каби барча турларидан фойдаланилади.

14. Ҳисобот тузишнинг даврийлиги. Молиявий ҳисобот қатғий белгиланган муддатларда тузилади ҳамда тақдим этилади.

Бошқарув ҳисобида ҳисобот ҳар куни, ҳар ҳафта ва бошқа муддатларда тузилиши мумкин. Ҳисоботларни тақдим этиш муддати корхона раҳбарияти томонидан белгиланади. Муҳими, ҳисобот истеъмолчиларга фойдали бўлиши ва ўз вақтида тақдим этилиши лозим.

15. Ахборотнинг содир бўлиш вақти. Молиявий ҳисоб корхона аниқ молиявий тарихини акс эттиради. Унда ҳўжалик муомалалари уларнинг содир болганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар орқали қайд этилади, яъни, ҳисобнинг бу тури корхона ҳўжалик фаолиятида аллақачем содир бўлган муомалаларни тасдиқлайди.

Бошқарув ҳисобининг рнақсади эса содир болган воқеалар таҳлили асосида истиқболга молжалланган тавсиялар, бошқарув ва инвестиция қарорлари дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Молиявий ҳисоб ҳўжалик муомалалари содир бўлгандан сўнг бошқарув ҳисоби эса воқеа-ҳодисаларни олдиндан ташхислаб бериши зарур. Шу боисдан, бошқарув ҳисобини кўпинча тахминлаш ҳисоби, махфий ҳисоб деб ҳам атайдилар.

16. Ахборотнинг аниқлик ва ишончлилик даражаси. Молиявий ахборот содир бўлган операцияларни акс эттиради, шу боис, у ҳолислик хусусиятига эга ва аудиторлик текширувидан ўтади.

Бошқарув ҳисоби эса кўпроқ бўлажак даврга мўлжалланган истиқбол билан иш тутди. Шу боис, бошқарув ҳисобидаги ахборот эҳтимоллик ва субъектив (хусусийлик) тавсифига эга.

17. Харажатлар ва даромадларни гуруҳлаш йўллари. Молиявий ҳисобда харажатлар калкуляция моддалари бўйича, даромадлар эса корхона ва унинг фаолият турлари (сегментлари) бўйича гуруҳланади ва акс эттирилади.

Бошқарув ҳисобида харажатлар харажат моддалари бўйича, даромадлар эса бўлинмалар ва маҳсулот(иш, хизмат) турлари бўйича гуруҳланади ва акс эттирилади. Харажат моддаларининг рўйхати тармоқ йўриқномалари билан белгиланади ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсатида ифодаланади.

ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШ.

1. Харажатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турли хил белгиларига қараб туркумланиши

2. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил этиш

3. Қўшимча харажатларни ҳисобга олиш

4. Жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этиш

5. Жавобгарлик марказларининг турлари

1. Харажатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турли хил белгиларига қараб туркумланиши

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда харажатлар алоҳида ўрин тутди.

Харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товар сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир. Корхоналарда харажат турлари ва моддаларининг юзага келиши уларнинг асосий, молиявий ва инвестиция фаолиятидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш корхона харажатлари асосан хомашё, материаллар, ёқилғи ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларидан иборат бўлади.

Республикамызда харажат моддалари ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ўз.Р. ВМ.нинг 2003-йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан ўзгартириш киритилган) "Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосланади.

Бу Низомга асосланган ҳолда барча харажат моддаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар.

2. Давр харажатлари:

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- фоизлар бўйича харажатлар;
- хорижий валюта операцияларида юзага келадиған салбий курс фарқлари;
- қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар.

4. Фавқулодда зарарлар.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиған харажатлар ишлаб чиқариш ёки маҳсулот(иш, хизмат)ни қайта ишлашда фойдаланиладиган табиий ва меҳнат ресурслари, хомашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий воситалар ҳамда ишлаб чиқаришга тегишли бошқа харажатларнинг баҳосини ифодалайди.

Ушбу харажатлар иқтисодий мазмунига кўра қуйидагича тартибда гуруҳланади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;
- асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий фаолият бўйича харажатлар муомалаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги счетлар белгиланган:

9610-"Фоизлар кўринишидаги харажатлар";

9620-"Курс фарқларидан зарари";

9630-"қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар";

9690-"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар".

Мазкур счетлар транзит счетлар ҳисобланиб, актив характерга эга. Уларнинг дебет оборотлари хўжалик муомалалари натижасида содир болган молиявий харажатларни, кредит оборотлари эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини ифодалайди.

Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари қўйилган вазифаларга мувофиқ харажат элементлари ва калкуляция моддаларига бўлинади.

Харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий мазмунига қараб аниқлаш ва тегишли сметалар тузишга асос бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатларини калкуляция моддалари бўйича гуруҳлаш эса маҳсулотлар таннархини аниқлашга хизмат қилади. Мазкур харажатлар хомашё ва материалларни тайёрлаш, қайта ишлаш, яроқсиз маҳсулотларни тузатиш, ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган харажатларга корхонанинг маданий-маиший объектларига сарфланадиган харажатлар киради.

Шунингдек корхоналарда харажатлар маҳсулот таннархига киритилишига кўра бевосита ва билвосита харажатларга ажратилади.

Бевосита харажатлар таркибига корхоналарга маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган хомашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш (ажратмалари билан бирга), ишлаб чиқаришда фойдланилаётган асосий воситалар амортизацияси каби харажатлар киради.

Бевосита моддий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулотлар тайёрлаш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган, четдан сотиб олинadиган хомашё ва материал харажатларини ифодалайди.

Юқоридагилардан ташқари "Харажатлар таркиби тўғрисидаги" Низомга мувофиқ қуйидаги харажатлар ҳам бевосита моддий харажатлар таркибига киради:

— нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (иш, хизмат) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарлар қиймати, хўжалик буюмлари ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситалари;

— сотиб олинладиган, келгусида корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

— ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, корхонанинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характериға эға бўлган ишлар ва хизматларға маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича муомалаларни бажариш, хомашё ва материалларға ишлов бериш, уларнинг сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш. белгиланган технологик жараёнларға риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш воситаларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Корхона ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини марказий омбордан, цехға, шунингдек, тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборға келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятиға эға бўлган хизматлар ҳисобланади;

— табиий хомашё (ер рекултивациясига ажратмалар, ихтисослаштириш, юридик шахслар томонидан амалға ошириладиган эрни рекултивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтларға ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинладиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун эса ёғоч-тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишға ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари;

— технологик мақсадларға, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришға, биноларни иситишға сарфланладиган ёнилғининг четдан сотиб олинладиган барча турлари, корхоналарнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришға хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

— корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланладиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. Бунда корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойига трансформация қилиш ва узатиш харажатлари моддий харажатларнинг тегишли элементларига киритилади;

— ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва уларнинг ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши;

- корхонанинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни этказиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан юклаш ва тушириш ишлари ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига киритилиши зарур;
- корхоналар томонидан мол этказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади;
- маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар хараж атларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади;
- моддий харажатлар элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан толанадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматларидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлар, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва этказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

Бевосита меҳнат харажатлари: бевосита ишлаб чиқариш ходимлари, ишлаб чиқариш жараёнида ишлаётган машина операторлари ва бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган бошқа ходимлар меҳнат ҳақи харажатлари.

Шунингдек "Харажатларатаркибиатўғрисида"ги Низомга кўра, бевосита бевосита харажатларга қуйидагилар киритилади:

- хўжулик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган, амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига ега бўлган ҳисобланган ишҳақи, ШУ жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;
- касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар;
- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ боиган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:
- технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;
- кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;
- ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;
- алоқа, темир йўл, дарё, автомобилии транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга боиган бошқа ходимларнинг иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъект жойлашган

жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтгача тўланадиган, ёлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

— қурилишда, реконструкция қилишда ва мукаммал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

— доимий равишда эр ости ишларида банд болган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан олдин ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

— меҳнатга ҳақ тўлашнинг раёнлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан раён коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чў1, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

— хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктидан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида толанадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);

— иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

— ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;

— амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллار учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

— мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

— донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

— давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.

— хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам сбۇ жумлага киради.

— белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатиға ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

Билвосита харажатлар эса маҳсулотлар ишлаб чиқарисб билан боғлиқ болмаган харажатлар ҳисобланиб, уларга маъмурий-бошқарув харажатлари, бошқарув асбоб-ускуналарини сақлаш ва фойдаланиш харажатлари киради. Режалаштирилишига қараб харажатларни қисқа ва узоқ муддатли харажатларга ажратиш мумкин. қисқа муддатли харажатлар корхонанинг тактик мақсадларини амалга оширишга имкон беради.

Узоқ муддатли харажатлар эса корхонанинг стратегик мақсадини амалга оширишда юзага келади. Уларга илмий текширишлар, янгиҳли кириХх ву нвожлантириш, тайёрмаҳсулотлархиингянги хнини ини инлилах 1111(<)нсинИиж^;и .сариланганхаражатлар киритилади. Кииртиумилнр Ихолиятида ярим ўзгарувчан харажатлар ҳам юзага лд Йннм ўзгарувчан харажатлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўғХХниврхнн, лиам доимий харажатхусусиятига эга бўлган харажатлар Илиниил 1И111 нии 11. л Жларга телефон хизмати харажатларини киритиш мумкин. Бунда луи ойлик аниқ тўланиши лозим бўлган сумма — доимий харажатлар, сл 1; 11 ларлараро ва халқаро сўзлашув харажатлари эса ўзгарувчан харажатлар гуруҳига киритилади.

Смета калкуляциясидан маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришда замонавий технологияни қўллаш ва келгуси даврларда сарфланадиган харажатлар сметасини тузишда фойдаланилади. Ушбу усул корхонада янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, маҳсулотлар баҳосини белгилаш ва ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги ҳамма харажатлар рнахсулот таннархига киритилади. Бу эса ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, шунингдек, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилишга имкон беради.

2. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил этиш

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнида содир боладиган ҳар бир муомаланинг бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги счетлар гуруҳидан фойдаланилади:

- 2010 - "Асосий ишлаб чиқариш";
- 2310 - "Ёрдамчи ишлаб чиқариш";
- 2510 - "Умум ишлаб чиқариш";
- 2610 - "Ишлаб чиқаришдаги брак";
- 3110 - "Олдиндан тўланган ижара ҳақи";
- 3120 - "Олдиндан тўланган хизмат ҳақи";
- 3190 - "Бошқабўнакхаражатлари";
- 8910 - "Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви".

Ишлаб чиқариш харажатларини элементла

ри ва калкуляция моддалари бўйича ҳисоб юритишни таъминлаш мақсадида асосий ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" сче­тида тайёрланаётган маҳсулот турлари бўйича гуруҳланади.

2010 - "Асосий ишлаб чиқариш" сче­тидан харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги корхона ва ташкилотлар фойдаланади:

— маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари;

— қурилиш-монтаж, геология-қидирув ишларини бажариш бўйича пудрат, геология ва лойиҳа қидирув ташкилотлари;

— хизматлар кўрсатиш бўйича транспорт ва алоқа корхоналари;

— илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш бўйича илмий-тадқиқот корхоналари;

— автомобил йўиларини асраш ва таъмирлаш бўйича йўл хўжаликлари.

Ушбу сче­тнинг дебетида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар, шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар ва асосий ишлаб чиқариш­ни бошқариш ва хизраат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар акс эттирилади.

2010 - "Асосий ишлаб чиқариш" сче­тининг кредитида ишлаб сбиқарилган тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг ҳақиқий танна­рхи суммаси акс эттирилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги маҳсулот (иш, хизмат) танна­рхини аниқлаш учун тегишли харажатлар 2300 -- "Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" сче­тларида гуруҳланади.

2300 — "Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" сче­тларидан қуйидаги ёрдамчи ишлаб чиқариш­лами ҳисобга олишда фойдаланилади:

— энергиянинг ҳар хил турлари (электроэнергия, газ ва бошқалар) билан ёрдам кўрсатиш;

— транспорт хизматларини амалга ошириш;

— асосий воситаларни таъмирлаш;

— инструментлар, штамплар, қурилиш деталлари, конструкцияларни тайёрлаш;

— тош, шағал, кум ва бошқа рудасиз материаллар қазиб олиш;

— ёғоч материалиарим тайёрлаш ва уларга ишлов бериш;

— қишлоқ хўжайи­ги маҳсулотларини тузлаш, қоқи қилиш ва консервалаш (асосан савдо корхоналарида);

— махсус кийимлар ва пояфзалларни таъмирлаш, тикиш ва бошқалар.

Шунингдек, мазкур сче­тларда 21-сонли БХМСга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар балансида турган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик бўлинмалари харажатлари ҳам ҳисобга олинисби мумкин.

2300 - "Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" сче­тларининг дебетида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар, шу билан бирга ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган билвосита харажатлар ҳаинда яроқсиз маҳсулотдан кўрилган зарар акс эттирилади.

3. Қўшимча харажатларни ҳисобга олиш

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) турлари ўртасида билвосита харажатларни оқилона тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маҳсулотларнинг технологик турлари бўйича таннархини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу ҳолат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг баҳосини шакллантириш бўйича корхона ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ижобий самара беради.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;
- 2) умумишлаб чиқариш харажатлари;
- 3) давр харажатлари,

Ўзбекистонда юқоридаги биринчи ва иккинчи бандлардаги харажатлар тақсимот базасига мутаносиб равишда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшилади. Давр харажатлари эса корхонанинг молиявий натижалари ҳисобидан қопланади.

МДХ давлатларида эса учала харажатлар ҳам маҳсулот таннархига киритилади ва счетлар тизими орқали тўлиқ таннарх ҳосил қилинади.

Ушбу харажатлар умумий хусусиятга эга бўлиши билан биргаликда, уларнинг хусусий жиҳатлари ҳам мавжуд: машина ва ускуналарни ишлатиш ва асраш харажатлари шартли-ўзгарувчан бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ. Умумишлаб чиқариш ва давр харажатлари эса шартли-доимий харажатлар ҳисобланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмайди.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини маҳсулотлар таннархига киритиш орқали таннарх аниқлашнинг ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида ва бўлинмалар даражасида тақсимлаш каби усуллари мавжуд.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида тақсимлаш усулининг моҳияти шундаки, бунда мазкур харажатлар 2510- "Умумишлаб чиқариш харажатлари" счетининг дебетида йиғиб борилади ҳамда ҳисобот даври охирида улар ягона тақсимот базаси асосида маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Шунингдек, бу усулнинг афзаллиги унинг соддалиги ва кам меҳнатталаблигида бўлса, асосий камчилиги эса, маҳсулотларнинг хилма-хил турлари ҳақиқий таннархини аниқлаш пайтида жиддий хатоликларга олиб келишидир.

Одатда, бошқарув ҳисоби тизимида ҳисобот даври ичида умумишлаб чиқариш харажатлари сметаси тузилиб, унга асосан сметадаги харажатлар ҳақиқатда эришилган маҳсулот ҳажми ва ҳақиқий харажатлар билан таққосланиб, тузатилиб борилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БҲМСга биноан тасдиқланган харажат моддаларига бўлиб ҳисобга олиб

борилади ва корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатиға мувофиқ алоҳида ҳисоб объектлари ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 5 феврал 54-сонли қарори (2003-йил 25 декабрдаги 567-сонли қарор асосидаги ўзгартишлар билан) билан тасдиқланган "Маҳсулот (иш ва хизмат) таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомға кўра умумишлаб чиқариш харажатлари қуйидагилардан иборат:

- машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятиға эға бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари;

2300 -" Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" счетлари дебетланганда қуйидаги счетлар кредитланади:

- 0200 -"Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби";
- 0500 -"Номоддий активларнинг амортизацияси ҳисоби";
- 1000-"Материалларҳисоби";
- 1100 --"ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисоби";
- 1610 -"Материаллар қийматидаги оғишишлар";
- 2510 -"Умумишлаб чиқариш харажатлари";
- 2610 -"Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот";
- 2810 —"Омбордаги тайёр маҳсулотлар";
- 3100 -"Истикбол харажатлари ҳисоби";
- 3200 -"Муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби";
- 4860 -"ДаВолар бўйича олинадиган счетлар";
- 6010 -"Мол этказиб берувчилар ва пудратчиларға тўловлар";
- 6500 -"Суғурта бўйича қарзлар ва давлат мақсадли фондларига тўловларҳисоби";
- 6710 -"Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар";
- 6970 -"Ҳисобдор шахсларға қарзлар";
- 6990 -"Бошқа мажбуриятлар";
- 6110 -"Алоҳида балансға ажратилган болинмаларға тўланадиган счетлар";
- 9390 -"Бошқа операцион даромадлар".

2300 -"Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" счетларининг кредитида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотфлсўрсатилган хизмат, бажарилган иш)нинг ҳақиқий таннархи кўрсатилади.

3. Қўшимча харажатларни ҳисобға олиш

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) турлари ўртасида билвосита харажатларни оқилона тақсимлаш муҳим аҳамиятға эға бўлиб, маҳсулотларнинг технологик турлари бўйича таннархини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу ҳолат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг баҳосини шакллантириш бўйича корхона ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ижобий самара беради.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини куйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;
- 2) умумишлаб чиқариш харажатлари;
- 3) давр харажатлари.

Ўзбекистонда юқоридаги биринчи ва иккинчи бандлардаги харажатлар тақсимот базасига мутаносиб равишда маҳсулотнинг ишлаб чиқарисб таннархига кўшилади. Давр харажатлари эса корхонанинг молиявий натижалари ҳисобидан қопланади.

МДХ давлатларида эса учала харажатлар ҳам маҳсулот таннархига киритилади ва ҳисоблар тизими орқали тўлиқ таннарх ҳосил қилинади.

Ушбу харажатлар умумий хусусиятга эга бўлиши билан биргаликда, уларнинг хусусий жиҳатлари ҳам мавжуд: машина ва ускуналарни ишлатиш ва асраш харажатлари шартли-ўзгарувчан бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ. Умумишлаб чиқариш ва давр харажатлари эса шартли-доимий харажатлар ҳисобланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмайди.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини маҳсулотлар таннархига киритиш орқали таннарх аниқлашнинг ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида ва бўлинмалар даражасида тақсимлаш каби усуллари мавжуд.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида тақсимлаш усулининг моҳияти шундаки, бунда мазкур харажатлар 2510- "Умумишлаб чиқариш харажатлари" счётининг дебетида йиғиб борилади ҳамда ҳисобот даври охирида улар ягона тақсимот базаси асосида маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Шунингдек, бу усулнинг афзаллиги унинг соддалиги ва кам меҳнатталаблигида бўлса, асосий камчилиги эса, маҳсулотларнинг хилма-хил турлари ҳақиқий таннархини аниқлаш пайтида жиддий хатоликларга олиб келишидир.

Одатда, бошқарув ҳисоби тизимида ҳисобот даври ичида умумишлаб чиқариш харажатлари сметаси тузилиб, унга асосан сметадаги харажатлар ҳақиқатда эришилган маҳсулот ҳажми ва ҳақиқий харажатлар билан таққосланиб, тузатилиб борилади,

Умумишлаб чиқариш харажатлари ўзбекистон Республикаси 21-сонли БҲМСга биноан тасдиқланган харажат моддаларига бўлиб ҳисобга олиб борилади ва корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ алоҳида ҳисоб объектлари ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 5 феврал 54-сонли қарори (2003-йил 25 декабрдаги 567-сонли қарор асосидаги ўзгартишлар билан) билан тасдиқланган "Маҳсулот (иш ва хизмат) таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра умумишлаб чиқариш харажатлари куйидагилардан иборат:

- машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари;
- ишлаб чиқаришга тайинланган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришдаги мулкларни суғурталаш харажатлари;
- иситиш, ёритиш ва ишлаб чиқариш биноларини асраш харажатлари;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бинолар, машина ва ускуналар, ижарага олинган бошқа мулкларнинг ижара тўловлари;
- ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг ишхаки;
- ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш жараёнида харажатларни ҳисобдан чиқариладиган объектлар танланиб, аниқ сех, маҳсулот, шартнома турига тегишли харажатлар танлаб олинади ва йиғилади. Бу шароитда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсирот базасини танлаб олиш муҳимдир.

Бўлинмалар даражасида ишлаб чиқаришнинг билвосита харажатларини тақсимлаш усули анча меҳнатталабдир, бироқ у олдинги усулга нисбатан маҳсулотлар алоҳида турлари бўйича таннархни тўлиқроқ аниқлаш имконини беради. Бу усулда мазкур харажатлар алоҳида субсчётлар очиш йўли билан болинмалар даражасида ҳисобга олинади.

Корхоналарда ҳисобот даври якунида маҳсулотлар алоҳида турлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг тақсимоти ҳар бир субсчёт учун амалга оширилади. Бунда ҳар бир субсчётга бўлинма технологик жараёни хусусиятини ифодаловчи ўз тақсимот базаси раос келади. Масалан, корхона автоматлаштирилган бўлинмасининг ишлаб чиқариш билвосита харажатлари унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари бўйича асбоб-ускуналар иш соатларига биноан, қўлда йиғиш сехининг ишлаб чиқариш билвосита харажатиари эса меҳнатнинг бевосита харажатиарига кўра тақсимланади.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларини ҳисобга олишда бу усулни қўллаб, хатоликларни батамом барт-араф этиб бўлмайди, чунки, биринчидан, умумкорхона ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотида, иккинчидан, алоҳида бўлинма ичидаги турли ишлаб чиқариш тизимлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотида хатолар бўлиши мумкин.

Корхона алоҳида болинмалари, сехларининг технологик жараёнлари меҳнат, капитал ва материалталаблиги даражалари билан фарқ қилади.

Агар бўлинма фаолияти харажатлари ичида иш ҳақининг ҳиссаси юқори бўлса, шу бўлинма, сех, бригадининг умумишлаб чиқариш харажатларини меҳнат ресурсларини истеъмол қилиш биан боғлиқ кўрсаткичларни асос қилиб олиниб, улар маҳсулот туриари бўйича тақсимланади (2. л.-жадвал).

Ушбу жадвалдан келиб чиқиб, билвосита харажатлар тақсимотининг асоси сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари;
- меҳнатнинг меъёрий бевосита харажатлари;
- корхонадаги муайян технологик жараёнда қатнашувчи ходимлар сони.

Агар бўлинма фаолияти капиталталаб бўлса, умумишлаб чиқариш харажатларини асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлари асосқилиболиниб тақсимланади.

Бунда ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимооти базаси сифатида асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий иш соатлари, маҳсулот турлари бўйича амортизация ажратмалари ёки маиум техник жараёнда фойдаланилган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати олинади.

Корхона бўлинмаси фаолияти материалталаб бўлса, яъни, унда маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатларнинг асосий қисмини хомашё ва материал харажатлари ташкил қилса, тақсимот базасига хомашё ва материалларнинг ҳақиқий бевосита харажатлари ҳамда уларнинг режали таннархи киритилади.

Агар боинма фаолияти натижаси қандайлигини (меҳнатталаб, капиталталаб ёки материалталаб) аниқ белгилаш имкони болмаса, тақсимотнинг аралаш базасидан фойдаланилади. Бунда тақсимот базаси тўлиқ бевосита моддий харажатлар (хомашё, материаллар ва асосий воситалар маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархида катта салмоққа эга бўлса) дан иборат бўлади.

2.1.-жадвал

"Бухоросут" очик турдаги қўшма корхонасининг 2003 йил учун умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш (тақсимлаш базаси — асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи харажатлари)

Маҳсулот турлари	Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари		Умумишлаб чиқариш харажатлари, минг сўмда
	минг сўмда	%да	
Сариёғ, килоли	13786	28,0	129982
Бринза, ёғли	7059	14,0	64914
Пишлоқ "Турист"	23441	47,0	170612
Сут, 2,5%	2180	5,0	20953
қатик	3201	6,0	29748
Жами	49667	100	416209

Тақсимот базалари корхона функционал хизматлари, яъни, бошқарув аппарати учун ҳам ишлаб чиқилади. Бунда тақсимотнинг асосий базалари куйидагилардан иборат бўлади:

- омбор хўжалиги учун бир бирлик маҳсулотни бир кун сақлашнинг норматив харажатлари омбордаги маҳсулотларнинг ўртача қолдиғига кўпайтири лгани;

- диспетчерлик хизмати усбун ташиб кетиладиган тайёр маҳсулотлар тонна-километрда;
- юкларни жўнатиш бўлими учун тайёр маҳсулотларни юклаб жўнатиш бўйича шартномалар миқдори.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг энг ниос тақсимлаш базасини ҳисоблаш учун малум жорий харажатлар талаб қилинади. Шу сабабли, корхоналарда унча меҳнатталаб бўлмаган бошқа қўшимча тақсимот базаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар таннархи, хомашё ва материаллами сотиб олиш таннархи, маржинал даромад, ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони кабиларни киритиш мумкин.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотининг самарали тизимини татбиқ этиш масалаларига эътиборсизлик кўп ҳолларда ишлаб чиқариш дастури, сотишлар ва корхона бабо сиёсатида жиддий хатоликларга сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида, корхона молиявий фаолиятини салбий натижаларига олиб келади.

4. Жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этиш

Жавобгарлик марказлари — бу бошқарув ҳисоби тизимида муҳим объект ҳисобланиб, бошқарув ходимлари фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган янги психологик талқиндир. Унинг асосий мақсади назоратдан кўра кўпроқ ўзини бошқаришда бошқарув ходимларига ёрдам беришдир.

Хўжалик юритувчи субъектларда жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобни ташкил этишнинг асосий мақсади фаолият харажатлари ва даромадлари ҳақидаги малумотларни алоҳида-алоҳида умумлаштириш ҳамда улар бўйича мавжуд четланишларни бўлинмалар зиммасига юклашдан иборат.

Бошқариш нуқтаи-назаридан корхонанинг жавобгарлик марказларига бо"линиши қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- жавобгарлик марказлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаси билан боғланган бўлиши;
- жавобгарлик марказларида фаолият ҳажмини аниқлаш, харажатларни И лисоблаш ва уларни тақсимлаш учун асос вазифасини бажариши;
- ҳар бир жавобгарлик маркази менежерларининг ваколатлари ва жавобгарлиги аниқ белгиланиши зарур. Менежер фақат ўзи назорат қила оладиган кўрсаткичлар учун жавоб беради;
- ҳар бир жавобгарлик маркази учун ички ҳисобот шакллариининг ўрнатилиши;
- жавобгарлик марказлари менежерлари ўтган давр учун марказ фаолияти таҳлилини ўтказишда ва истиқбол режаларини (бюджет) тузишда фаол иштирок этисблари лозим.

Шунингдек, корхонани жавобгарлик марказларига бўлишда тегисбли марказ раҳбарларининг эътирозларига таъсир қила оладиган ижтимоий-психологик омилларни ҳисобга олиш лозим.

Бошқарув ҳисобида корхона фаолиятини жавобгарлик марказларига болиб ташкил этиш тармоқ хусусиятлари, ишлаб чиқариш жараёни технологияси ва уни ташкил этилиши, дастлабки материаллар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таркиби, техник жиҳозланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ.

Корхонани ташкилий тузилма доирасида бошқаришни ташкил этишнинг чизиқли, функционал, чизиқли-функционал ва матрицали шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин.

Чизиқли бошқариш деганда "вертикал бўйича" бошқариш тушунилади, бунда қуйи бўғинлар юқори бўғинларга бевосита бўйсунди.

Чизиқли бошқаришда ҳар бир раҳбар ўзи маъсул болган бўлинмаларни мустақил бошқаради ва барча зарур бошқарув қарорларини мустақил қабул қилади. Бу тизимнинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Жумладан, унинг ижобий жиҳатлари:

- ходимларнинг ўз вазифаларини бажарилишига шахсий жавобгарлигини юзага келтиради ва мустаҳкамлайди;
- асосланмаган ва самарасиз топшириқлар берилиш ҳолларини бартараф этишга имкон яратади;
- белгиланган вазифаларни тезда бажариш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиб бориш мумкин;
- бўлинмалар ходимлари фақат ўз раҳбарларига ҳисобот беришлари сабабли корхонада ижрочилик ва интизом даражаси яхшиланади.

Мазкур тизимнинг салбий томонлари эса кўпроқ унда оддий ва қисқа муддатли вазифаларни бажаришга эътибор қаратилиши сабабли, комплекс ҳамда истиқболли масалаларни ҳал қилиш анча қийинлашиши билан ифодаланади. Шунингдек, бундай шароитда буйруқбозлик ва расмийчилик муҳити юзага келиши мумкин.

Бошқариш корхонани молия, таъминот, сотиш, кадрлар, иқторлик ва технологик ишловлар, ишюритиш, ташқи иқтисодий алоқалар ва хоказолар каби алоҳида функциялар бўйича бошқаришдир. Бу тизим корхона раҳбари ва алоҳида функциялар менежерларининг фаолиятини ихтисослаштиришга мўлжалланган. Бунда менежерларнинг ўз бўлинмалари фаолиятини чуқур ва пухта билиши, содир бўлаётган жараёнларни истиқболли таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Функционал бошқариш тизимининг афзаллиги корхонада бошқарув фаолиятининг ихтисослаштирилиши билан белгиланади. Бу ҳолат бошқарув самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Корхоналар фаолиятида бошқаришнинг чизиқли-функционал тузилмасидан кенг фойдаланилади. Бундай тузилма доирасида чизиқли бўлинмалар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича асосий фаолият билан шуғолланади, ихтисослашган функционал бўлинмалар эса (маркетинг бўлими, режа-молия бўлими, кадрлар бўлими) асосий бўлинмаларга

хизмат қилади. Бу ҳолда бошқарувнинг ихтисослашуви, унинг тамойиллари биргаликда тўлароқ амалга оширилади ҳамда тайёрлаиладиган қарорларнинг юксак даражалилиги ва ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинига ёппасига раҳбарлик қилиш таъминланади.

Матрицали тузилмада функционал бўлинмалар билан бирга муайян ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш учун махсус органлар (лойиҳа гуруҳлари) тузилади. Бу гуруҳлар бошқарувнинг турли даражаларидаги алоҳида функционал бўлинмалар мутахассисларидан таркиб топади.

Матрицали тузилманинг афзаллиги шундаки, у корхона ички фаолиятидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини беради, бу эса функционал ихтисослашиш ривожига ҳалал бермайди. Функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ)нинг вужудга келиши ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Унинг мақсади энг кам харажат қилган ҳолда энг яхши сифатли ва замонавий, янги буюмни ишлаб чиқаришга эришишдир.

Бошқаришни ташкил этишнинг матрицали шакли раҳбар ва ходимларнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятини таъминлайди, уларнинг шахсий қобилиятларини намоён этишлари учун шароитлар яратади. Мазкур ташкилий тузилмага мувофиқ жавобгарлик марказларини тузиш (сех, болим, боинма) ҳар бир боинма фаолиятини муайян шахслар масъулияти билан боғлашга, бўлинмалар молиявий натижаларини баҳолашга ва уларнинг корхона фаолияти натижаларига қўшган ҳиссасини аниқлашга имкон беради.

5. Жавобгарлик марказларининг турлари

Хўжалик юритувчи субъектларда жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этишда ушбу марказларнинг турлари моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Корхонада бўлинмалар бўйича бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш учун уларни қуйидаги белгиларга мувофиқ таснифлаш лозим:

- ваколатлар ва жавобгарлик ҳажмига кўра;
- марказ бажарадиган функциялар бўйича.

Ваколатлар ва жавобгарлик ҳажмидан келиб чиққан ҳолда жавобгарлик марказларини харажатлар, сотиш, фойда ва инвестициялар марказларига болиш мақсадга мувофиқдир.

Харажатлар маркази — бу фақат харажатларнинг мақсадли сарфланишига масъул бўлган корхонанинг бўлинмасидир (ишлаб чиқариш сеҳи, конструкторлик бюроси ва ҳ.к.).

Корхонани бундай марказ доирасида бошқариш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини режалаштириш, меъёрлаштириш ва ҳисобини ташкил этиш амалга оширилади

Шуни таъкидлаш лозимки, жавобгарлик марказларини аниқлашда корхона технологик тузилмасини эътиборга олиш, уни горизонтал ва вертикал кўринишларга ажратиш зарур.

Горизонтал тузилмада марказ учун жавобгар ҳар бир шахс фаолияти доираси билан фарқланади, вертикал тузилмада эса бошқарув қарорлари қабул қилишга ваколатли шахснинг ҳаракатлари назарда тутилади.

Жавобгарлик марказларининг ҳар бири бир вақтда харажатлар, даромадлар, фойда ёки инвестициялар маркази бўлиши мумкин

Бу чизмага асосланиб, корхона жавобгарлик марказларининг шаклланишини горизонтал ва вертикал қўринишларда таҳлил қилиб чиқиш. Корхона бўлинмалари раҳбарлари фаолиятини марказий бошқарув ходимлари фаолияти билан мувофиқлаштириш имконини беради.

Жавобгарлик маркази раҳбари вазифаларни бажариш бўйича белгиланган мажбуриятлар билан бирга молиявий жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олиши шарт. Бунда ҳар бир марказ ўзига тайинланган турли функцияларни бажариши мумкин (ишлаб чиқариш, маркетинг, техник хизмат, ҳисоб, назорат ва ҳ.к.). Мазкур ҳолатда, муайян функциялар ёки воситалар эмас, балки ходим ёки маъмурият жавобгарлик маркази объекти бўлиб ҳисобланади.

БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

- 1. Бюджетлаштириш ва унинг корхона фаолиятини режалаштиришда тутган ўрни**
- 2. Бош Бош бюджет, унинг таркиби ва тузиш тартиби**
- 3. Мослашувчан ва статик бюджет, улами тузиш асослари**
- 4. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини тузиш**
- 5. Харажатлар ва маҳсулот таннаرخини режалаштириш хусусиятлари**

"Бюджет" атамаси кенг маънода, давлат миқёсида иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, яъни ички маҳсулотнинг қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида ҳукумат ихтиёрида марказлашган пул фондларининг, корхоналар ихтиёрида эса марказлашмаган пул фондларининг шаклланиши ва улардан оқилона фойдаланишни англатади.

Тор маънода эса, "бюджетлаштириш" атамаси ҳали бизнинг иқтисодий адабиётларда атрофлича ёритилмаган, чунки корхонанинг доимий асосга қўйилган комплекс режалаштириш, назорат ва ҳо^алик фаолияти таҳлили тизими шу пайтгача фақатгина бизнес-режалаштириш билан чекланган эди.

Тараққий этган мамлакатлар бошқарув ҳисобида режалаштириш жараёнини таърифлаш учун "бюджетлаштириш" атамасидан кенг фойдаланилади.

Бюджетлаштириш корхонанинг маълум даврга мўлжаллангань молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳисобланади.

Бюджетлаштиришнинг афзаллиги корхона моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини узоқ, қисқа ва ўрта муддатли режалаштириш, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракати, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган бозор талабларини ўрганишда ўз ифодасини топади. Бюджетлаштиришда асосий эътибор маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинadиган даромад (фойда) ҳажмини тахминлашга қаратилади.

Бюджетлаштиришнинг қуйидаги ижобий жиҳатлари майжуд:

—корхонанинг асосий мақсадини таъминлашда хизмат қиладиган жараёнларни режалаштиради;

—алоҳида бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

—корхона бўлинмалари раҳбарларини ўз вазифаларини самарали амалга оширишларига кўмаклашади;

—корхона ходимларини ички тартиб-қоидаларга риоя қилишларини таъминлашга хизмат қиладди;

корхона алоҳида бўлинмалари раҳбарларини белгиланган режаларнинг бажарилиш даражасини баҳолашларида асос бўлади.

Бюджетлаштириш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади:

—корхонанинг мақсадларига эришишини таъминловчи хўжалик муомалаларини режалаштириш;

—барча даражадаги раҳбарларни ўзлари жавобгар марказлар мақсадига эришишларида рағбатлантириш;

—турли хил бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш. Бунда болинмалар ходимларининг манфаатлари эътиборга олинади;

—корхона жорий фаолиятини назорат қилиш, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинишини таъминлаш;

—жавобгарлик марказлари ва улар менежерлари олдида қўйилган режаларнинг бажарилишини баҳолашда асос вазифасини ўташ;

—менежерлар малакасини оширишда кўмаклашиш.

қуйида ушбу вазифаларга батафсилроқ тўхталамиз.

Режалаштириш. Кўпчилик ҳолларда, бошқарув қарорлари бўйича режалар ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш жараёнида шакллантирилади ва бюджетларни тузишда мазмунан аниқлаштирилади.

Мувофиқлаштириш. Корхонанинг ҳар бир жавобгарлик маркази бошқа жавобгарлик марказлари иш жараёнига таъсир этади ва уларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

* Бюджетларни тайёрлашда алоҳида фаолият турлари ўзаро мувофиқлаштирилади, бунда барча бўлинмалар келишув асосида, корхона умумий мақсадидан келиб чиқиб фаолият кўрсатади. Бу ҳолатда ишлаб чиқариш режасини маркетинг бўлими режаси билан мувофиқлаштириш, жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини режалаштирилган сотув ҳажми ва тайёр маҳсулотлар қолдиғи билан таққослаш асосий талаблардан ҳисобланади. Хомашё ва материалларни сотиб олишни

режалаштиришда ишлаб чиқариш бюджетида ифодаланган маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган талаб таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқилган режалар барча қатнашчилар уларнинг шартлари билан тўлиқ танишиб олмагунча амалга оширилмаслиги лозим.

Режаларқуйидагибўлимларданиборатбўлади:

- қанча маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ишлаб чиқарилади;
- ишлаб чиқаришда қатнашадиган ходимлар, фойдаланиладиган усуллар ва асбоб-ускуналар тўғрисида малумотлар;
- қанча хомашё ҳаматериаллар сотиб олинади;
- сотиш баҳоси қандай белгиланади, келгусида қандай чекловларга риоя қилинади ва ҳ.к.

— Ушбу маълумотлар реклама, техник хизмат кўрсатиш, маъмурий ва меҳнатга ҳақ тоиаш харажатларини режалаштириш ҳамда маҳсулот сифатини самарали бошқаришга имкон беради.

— *Рағбатлантириш.* Бюджетларни тузиш жараёни жавобгарлик марказлари раҳбарлари мақсадини амалга оширишда муҳим рағбатлантириш воситаси бўлиши мумкин.

Бюджетларнинг рағбатлантириш роли кўпроқ менежерларни ўз бўлинмаларида бюджетларни тузиш жараёнида фаол қатнашишларида намоён бўлади.

Назорат. Пухта тайёрланган бюджетлар ҳақиқий эришилган кўрсаткичларни таҳлил қилишда муҳим манба ҳисобланади, шунингдек, улар бюджетларни тузиш жараёнида кутилган барча ўзгаришлар натижаларини баҳолашни ўз ичига олади.

Ҳозиргача корхоналар амалиётида жорий натижалар ўтган йил натижалари билан таққосланиб келинган. Кўпгина корхоналар айни пайтда ҳам таққослашнинг асосий воситаси сифатида ушбу усулдан фойдаланмоқда. Аммо бу тарихий усул жорий йил учун режалаштирилган ривожлантириш дастуридаги ўзгаришларни акс эттирмайди.

Ҳақиқий кўрсаткичларни бюджет маълумотлари билан таққослаш бошқарув фаолиятида асосий эътиборни қайси жиҳатларга қаратиш зарурлигини белгилаб беради.

Ҳақиқий эришилган натижалар билан бюджет маълумотлари ўртасидаги четланишлар таҳлили қуйидаги афзалликларга эга:

- корхона фаолиятидаги энг аввал ҳал қилиниши лозим бўлга муаммоли жиҳатларни аниқлашга кўмаклашади;
- бюджетларни тузиш жараёнида ўрганилмаган янги имкониятларни юзага сбиқаришга ёрдамлашади;
- бош бюджетдаги мавжуд номувофикликларни очиб беради.

Баҳолаш. Ҳар ойда бюджетлардаги четланишларни аниқлаш бутун ҳисобот даври учун назорат мақсадларига хизмат қилади. Ҳисобот даврф ҳақиқий натижалари билан бюджет маълумотларини таққослаш йил охирида жавобгарлик марказлари ва улар раҳбарлари фаолиятига таъсир этувчи асосий омилларни баҳолаш имконини беради.

Малакани ошириш. Бюджетлар менежерларнинг малакасини ошириш ҳам ижобий самара беради, яъни, менежерлар бюджетларни тузишда ўй бўлинмалари фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотларга, шунингдек жавобгарлик марказлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни чуқур таҳлилий қилиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Бу эса корхона жавобгарлик марказларига масъул шахсларни тайинлашда муҳим аҳамият касб этадилар

Бюджетлаштириш самарали бошқарув усуллари билан ҳисобланиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

- корхонанинг фаолияти билан бўлинмалар фаолиятини комплекс режалаштиради;

- бюджетлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини яратади;

- тузилган бизнес-режани тасдиқлайди;

- ўзгариб турувчи ички ва ташқи салбий омилларни бартараф этишга кўмаклашади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар келгусида даромадларини оширишлари учун ўзларининг фаолиятларини истиқболли режалаштиришлари зарур бўлади. Унинг асосини бюджетлаштириш ташкил этади.

Бошқарув ҳисобининг асосий вазифаси ҳисобланган ва бошқарув назоратини таъминлашда муҳим бўлган режалаштириш жараёни қуйидаги тамойилларга таянади:

- корхона томонидан ишлаб чиқилган стратегияни амалга ошириш учун ўрта ва узоқ муддатли режаларни амалга ошириш учун махсус дастурлар тузиш;

- зарур бюджет (смета)ларини ишлаб чиқиш. Бюджетларни ишлаб чиқиш корхона тузадиган режалар асосли бўлиши ва уларни амалга ошириш учун этарли моддий маблағлар мавжуд бўлиши аниқлашга ёрдам беради.

Одатда, режалаштириш жараёни амал қилиш вақтига мувофиқ узоқ, ўрта ва қисқа муддатли, қўйилган мақсадга кўра эса оператив, тактик ва стратегик режалаштиришга бўлинади.

Тезкор ёки қисқа муддатли режалаштириш тизими кун, ҳафта, декада, ой, чорак ёки бир йил давомида амалга оширилади. Бу режалар бош дастур асосида ишлаб чиқилиб, аниқ мақсад ва йўналишга эга бўлади, уларни бажаришда турли хил усуллар қўлланилади. Тезкор режалар корхона асосий мақсадини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тактик режаларни ифода этади. Улар жумласига ишлаб чиқариш режаси, умумишлаб чиқариш харажатлари режаси, моддий - техника таъминоти режаси кабилар киради.

Тактик ёки ўрта муддатли режалаштириш 3-5 йил муддатни қамраб олиб, корхонанинг узоқ муддатли мақсадларга молжалланган дастурларини ишлаб чиқиш ёрдамида амалга оширилади. Мазкур режалаштиришда корхона мақсадининг ресурслар билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинади ва турли хил молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги мутаносибликлар аниқланади.

Стратегик ёки узоқ муддатли режалаштиришда корхонанинг 5-10 йил муддатга белгиланган ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади. Бу

концепция корхонани бозорда барқарор ҳолатни сақлаш ва ўз сегментига эга бўлиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, толов қобилиятини яхшилаш, фойдани энг юқори даражага олиб чиқиш ва рентабелликни ошириш каби стратегик мақсадларига эришишини таъминлайди. Стратегик режалар бизнесни ва ташкилий тузилмани белгилаш, аниқлаб олиш бўйича тузиладиган бош режалар ҳисобланиб, алоҳда эҳтиёж болмаса қайта туздлмайди. Уларга янги технологияларни жорий этиш, янги бозорларни ўрганиш ва харидорларни жалб қилиш кабиларни киритиш мумкин*

Узоқ ва ўрта муддатли режалар корхона стратегиясини, қисқа муддатли режалар эса тактикасини амалга оширишга кўмаклашади.

Бизнес-режалаштиришни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- бизнес-режалаштиришнинг узлуксизлиги;
- қўйилган мақсадга эришиш йўларидан энг мақбулини танлашга имкон берувчи кўп вариантлилиқ;
- корхона ходимларини режалаштиришга тоиқ жалб этилишини таъминловсби иштирок этишлилик.

Бизнес-режа назарда тутилган бизнеснинг қисқа ва тушунарлилигини, белгилаб олинган асосий вазифаларнинг тўғри эчимларини топишга имкорт берувчи муҳим куролдир.

Бизнес-режақуйидагитузилмагага:

Бизнес концепцияси;

2. Ҳозирги вақтдаги вазият ва корхона ҳақидаги қисқача ахборот;

3. Бизнес объекти тавсифи;

4. Бозорни тактик таҳлил этишнинг мавжудлиги;

5. Ташкилий режа, шу жумладан, ҳуқуқий таъминот;

6. Ходимлар фаолияти ва бошқарув;

7. Ишлабчиқаришрежаси;

8. Маркетинг реж аси;

9. Йирик таваккалчилик ва хавф-хатарлар;

10. Молиявий режа ва молиявий стратегия.

Бизнес-режа кўзда тутилган бизнесни асослаш ва муайян вақт мобайнидаги натижаларни баҳолаш учун мўлжалланади.

Бизнес-режа фаолият йўналишини белгилаб олишга ва бизнес бошқаришга имкон берувчи ҳаракат ҳисобланади. Шу сабабли, уни ички хўжалик режалаштирилишининг узвий қисми ёки ижро ва назорат учун амалий қўлланма сифатида эътироф этиш мумкин.

Корхоналарда бизнес-режа инвестицияларни юқори даромад келтирадиган соҳаларга йўналтиришда ижобий самара беради. Шу жиҳатдан у инвесторлар учун бизнесни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бизнес-режа назарда тутилган бизнес муваффақиятини кафолатлаши ва корхонанинг таваккалчиликка тайёрлигини таъминлаши керак.

Юқорида таъкидланганидек, бизнес режалаштириш — бу маҳорат ва санъатни талаб қилувчи жиддий жараёндир.

Бизнес режалаштиришни жараён сифатида амалга ошириш учун куйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш лозим:

—корхона фаолият кўрсатаётган муҳитдаги ўзгаришларга доимий мослашувчанлик;

—режалаштиришнинг мослашувчанлик хусусиятларини назарда тутувчи узлуксизлик;

—манфаатлар мувофиқлиги ва интеграциясига асосланган алоқадорлик;

—бизнес-режанинг аввал тузилган бўлимларини умумлаштириш асосидаги такорланувчанлик;

—қўйилган мақсадга эришишнинг муқобил имкониятлардан энг маъқулини танлаб олишга имкон берадиган кўп вариантлилики;

—корхона барча ходимларини режалаштиришга жалб этиш нуқтаи-назардан жараёни муҳимлигини назарда тутувчи иштирок этиш тамоюи;

—режалаштириш жараёнида реал муаммолар ва ўз-ўзига баҳо беришни акс эттиришнинг айнан бир хиллиги.

, Бизнес-режаларнинг куйидаги ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари мавжуд:

—ўзаро боғлиқлик муносабатлари бўйича: бунда иккита мустақил бизнес-режа қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинади ва улардан муқобил ҳамда юқори даромад келтирадигани танлаб олинади;

—кутилаётган даромад бўйича: харажатларни қисқартириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва технологияларни янгилаш ҳисобига қўшимча даромад олиш, бозорда мийосиб ўринга эга болиш, бизнеснинг янги соҳаларини ўзлаштириш, ижтимоий самара ва сифатга эришиш;

—ташқилий ишлар бўйича: аниқ мақсадни белгилаш, бозорни тадқиқ этиш ва юқори имкониятга эга лойиҳалар асосида ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш.

Таъкидлаш лозимки, техник-иқтисодий асосланиш (TIA) ҳам кўп жиҳатдан бизнес-режага яқин туради. Ундан бизнес-режанинг асосий фарқи стратегик йўналиши ва тадбиркорлик хусусиятида ҳамда корхона ички имкониятларини ташқи муҳит таъсиридаги ишлаб чиқариш, молиявий фаолиятнинг бозор хусусиятлари билан ўзаро бирикувида намоён бўлади.

Амалиётда кўпгина ҳолларда бизнес режалаштириш асоссиз равишда ички хўжалик режалаштирилиши билан бир хил деб қаралади. Аммо, улар орасида куйидаги тафовутлар мавжуд:

— ички хўжалик режалаштиришидан фарқли ўлароқ, бизнес-режалаштириш корхона умумий мақсадини эмас, балки фаолиятнинг янги турини режалаштириш ёки бизнес-режанинг мазмунини аниқловчи энг муҳим вазифаларни қамраб олади. Бизнес-режа, асосан, корхона ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга мўлжалланади, ички хўжаликни режалаштириш эса юқоридагилардан ташқари жорий ва истиқболли фаолиятнинг хилма-хиллигини ҳам ўз ичига олади;

—бизнес-режа, одатда, бажарилиши муайян муддатлар билан белгиланган инновацион лойиҳаларга ишлаб чиқилади, бу муддатлар тугаши билан

лойиха устида олиб борилаётган иш тугалланади. Ички хўжалик режалаштириши корхонани бошқаришнинг барча даврларида узлуксиз амалга оширилади. Бунда даврий ва йиллик режани бажариш мобайнида . тегишли тузатишлар киритилгандан кейин навбатдаги режани амалга оширишга ўтилади ва ҳ.к. Бизнес-режа нафақат аниқ, балки янада торроқ. чегараларга эга, ҳар қандай ички хўжалик режаси эса бундай аниқ чекловларга эга бўлмайди;

—бизнес-режа тадбиркорлар янги фаолиятни бошлаши ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ресурслар, аваламбор молиявий ресурсларга ега бўлиш, шунингдек, ишончли шериклар қидириб топиш, асосий молиявий кўрсаткичларни пухта таҳлил қилишни талаб этади, бунда нафақат ички хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти, балки кредит, молиявий ва банк тизимларида таваккалнинг мавжуд даражаси ҳисобга олинади. Ички хўжалик режалари кўпроқ хусусий равишда фойдаланиш учун, бизнес-режалар эса инвесторлар ва кредитлар олиш учун зарур холос;

—бизнес-режалар корхона раҳбарияти иштии-окида ишлаб чиқилади. Ички хўжалик режалаштиришини амалга ошириш билан эса корхонанинг тажрибали менежерлари ва бўлинмалар мутахассислари шугбулланадилар. Ички хўжалик режасини ишлаб чиқишда ҳар бир тадбиркорнинг шахсан иштироки нафақат реал стратегик ва тезкор мақсадни ишлаб чиқишга имкорф тугъдиради, балки келажакда харажатлар ва даромадларни солиштириш асосида бизнес-лойихани бажаришнинг энг мукамал шаклини ташкил этишни ҳам таъминлайди.

2. Бош бюджет, унинг таркиби ва тузиш тартиби !

Хўжалик юритувчи субъектларда бюджетлаштириш жараёни бошбюджетни тузишдан бошланади. Уни тузиш қуйидаги тўртта асосий босқичга ажратилади

в) ишлаб чиқариш хусусиятига эга устама харажатлар сметаси

г) маъмурий-бошқарув харажатлари сметаси.

Бош бюджетни тузишнинг якуний босқичи кутилаётган фойда ёки зарар тўғрисидаги умумлаштирилган сметани тузиб чиқиш ҳисобланади.

Мазкур смета қуйидаги кўрсаткичларни ўзида акс эттиради:

а) маҳсулотлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

б) ишлаб чиқаришга сарфланадиган хомашё ва материаллаф харажатлари;

в) асосий ишлаб чиқаришда банд болган ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари;

г) ишлаб чиқариш хусусиятидаги устама харажатлар;

д) сотилган маҳсулотлар таннари;

е) сотишҳамаъмурий-бошқарувхаражатлари;

з) ишлаб чиқаришдан кутилаётган фойда ёки зарар.

Корхонанинг бош бюджети операцион, инвестиция ва молиявий бюджетлардан ташкил топади (5.2.-чизма).

Операцион бюджетнинг асосий мақсади молиявий маблағларнинг тахминий манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаб беришдир. Уни ишлаб чиқиш сотишлар режасини тузишдан бошланади. Ишлаб чиқариш ҳажми, таннарх, фойда каби корхонанинг бошқа барча иқтисодий кўрсаткичлари сотиш ҳажми ва таннархига боғлиқ бўлади.

Шунингдек, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг алоҳида тамойиллари ва босқичларини тавсифловчи махсус техник-иқтисодий кўрсаткичлар (ТІК) ҳам операцион бюджет орқали акс эттирилади. Бунда маркетинг бўлимининг маълумотлари асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Корхонанинг операцион бюджетига даромадлар ва харажатлар миқдор ҳамда қиймат кўринишида ифодаланади.

Операцион бюджетни тузишда қуйидаги бюджетлардан фойдаланилади: 1.

Ишлаб чиқариш бюджети;

2. Товар-моддий захиралар ва асосий воситаларни сотиб олиш бюджети; 3.

Тайёр маҳсулотлар захиралари бюджети; 4. Давр харажатлари бюджети:

а) сотиш харажатлари бюджети;

б) маъмурий харажатлар бюджети.

Сотиш харажатлари бюджети стратегик режалаштириш асосида харидорлан имконияти ва маҳсулотлар ҳажмини эътиборга олиб вертикал ҳамда горизонтал тартибда тузилади. Кўпгина ҳолларда сотишлар ҳажми майжуд ишлаб чиқариш қуввати билан белгиланади.

б) бевосита ва билвосита таъсир қиладиган омиллар жуда кўп. Бу омилларга қуйидагилар киради:

— рақобатчиларнинг фаолияти;

— миллий ва жаҳон бозоридаги умумий ҳолат;

— харидорлар ва мол этказиб берувчиларнинг молиявий барқарорлиги;

— реклама ва бошқа ҳамкорлик хизматларининг самарадорлиги;

— баҳо сиёсати;

— маҳсулотнинг рентабеллиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда сотиш бюджетини тузишда қуйидаги икки усулдан фойдаланилади:

— статистик прогноз (умумиқтисодий шароитлар, бозор конъюнктураси кабиларнинг графикли математик таҳлили);

— экспертлар баҳоси (сотиш бўлими мутахассислари ва менежерларнинг фикрларини умумлаштириш асосида).

Сотишларнинг режалаштириладиган ҳажми белгиланганидан кейин ишлаб чиқариш бюджети, унинг асосида товар-моддий захиралари ва асосий воситаларни сотиб олиш, маъмурий харажатлар бюджетлари тузилади.

Инвестиция бюджети корхонанинг бюджет давридаги капитал харажатлари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режаси ҳисобланади. Ушбу бюджет тури жорий даврдаги ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (асбоб-ускуналар

сотиб

олиш ва ҳ.к.) ҳамда бюджет давридан четга чикувчи узоқ муддатли харажатлар (капитал қурилиш, корхонани модернизация қилиш ва шу каби)ни ўз ичига олади. Инвестиция бюджетида корхонанинг бюджетлаштириш давридаги капитал қўйилмалари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режалаштирилади.

Корхона бош бюджетининг муҳим таркибий қисми молиявий бюджет ҳисобланади. Унинг ёрдамида сотишлар ҳажми ва таннархи, даромадлар ва харажатларнинг нисбати, соф фойда, ўз маблағларидан фойдаланиш, инвестиция қўйилмаларининг қопланиш муддати ва бошқалар ҳақида тоиик ахборот олинади.

Молиявий бюджет амалиётда "Пул маблағлари ҳаракати бюджети" деб ҳам номланиб, унинг таркибига корхонанинг бюджет давридаги пул маблағлармингкиримивачиқими, айланмамаблағларҳаракати бюджети, шунингдек, тахминий бухгалтерия баланси (корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот) киради

Жадвал малумотларидаги ҳисобот даври охирига пул маблағларининг ижобий қолдиғи 1740,0 минг сўмни ташкил этганлиги корхонанинг ишлаб чиқариш қуватларини оширишга имконияти майжудлигини кўрсатади.**5.1.- жадвела**

Корхонанинг пул маблағлари бюджети кўрсаткичлари, минг сўмда

Моддаларнинг	2003 йилга	Шу жумладан чораклар бўйича			
		I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6
1. Ҳисобот даври бошига пул	1500,0	600,0	440,0	320,0	140,0
2. Ҳисобот даврида пул маб-	4340,0	975	1200	1200	965
шу жумладан:	4000,0	900,0	1100,0	1100,0	900,0
Маҳсулот (иш,					
Асосий воситаларни сотувдан	-	-	-	-	
Бошқа жиҳозларни	-	" -	-	-	-
қимматли қоғоз	60,0	-	30,0	30,0	-
Мулкни бошқа корхоналар-га	160,0	40,0	40,0	40,0	40,0
иҳсабга берилган					
Олинган	-	-	-	-	-
Бошқа	120,0	35,0	30,0	30,0	25,0
Пул	5840,0	1575,0	1640,0	1520,0	1105,0
маблағлари					

3. Ҳисобот давридаги жами	4550,0	1070,0	1110,0	1430,0	940,0
Хомашё ва материаллар	2000,0	400,0	500,0	700,0	400,0
Меҳнат ҳақи харажатларига	1000,0	280,0	240,0	240,0	240,0
Солиқлар, йиғимлар ва	200,0	50,0	60,0	40,0	50,0
Маъмурий	800,0	200,0	150,0	300,0	150,0
қурилиш харажатларига	450,0	100,0	100,0	150,0	100,0
Ускуналар ва номоддий	100,0	40,0	60,0	—	
активлар сотиб қимматли қозғалдирилган муома-	-	-	-	-	-
Бошқа тўловларга	150,0	80,0	-	20,0	50,0
4. Пул маблағларининг йетарлилиги	1290,0	505,0	530,0	90,0	165,0
5. Кредит ва бошқа қарзлар олиш	-	-	-	-	-
6. Кредит ва бошқа	100,0	100,0	-	-	-
7. Ҳисобот даври охирига	1190,0	405,0	530,0	90,0	165,0

Тахминий бухгалтерия баланси корхона активлари ва пасивларининг ҳисобот давригача бўлган ҳолатини акс эттиради. Мазкур баланс шаклини тузиш билан бош бюджетни тайёрлаш жараёни якунланади. "Тошкенцут" акционерлик жамиятининг 2004-йил учун бюджетлаштирилган тахминий баланси 9-иловада келтирилган.

Корхоналарда бюджетларни тузиш отган йилларнинг ҳақиқий харажатлари асосида амалга оширилади. Бунда режавий ва ҳақиқий кўрсаткичларни таққослашда аниқланган четланишлар келгуси давр учун тузиладиган бюджетда инобатга олинади. Бюджетларни тайёрлашда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

- еҳтиёткорлик ва аниқлик тамойилларига асосланиш;
- мувозанатланган ҳолда тузиш қонунчилигига риоя қилиш;
- моддий, меҳнат ва пул бирликларида баҳоланиш;
- бюджетни тузишда жавобгар қилиб тайинланган ходимнинг масъулиятли билан ёндашиши талаб қилинади.

Шунингдек, бюджетларни тузисб уларни тайёрлашда қатнашувчи барча бўлинмалар келисбуви асосида амалга оширилиши, кейин эсаж тасдиқлаш учун корхона раҳбариятига тақдим этилиши лозим. Корхона, раҳбарияти маъқуллагач бюджет ҳақиқий ҳисобланади. Тасдиқланган бюджетга асосланиб харажат ва даромадларнинг ойлик режалари тузилади. Мазкур режалар корхонада харажатларни бошқариш ва иқтисодий кўрсаткич!

(сотишлар ҳажми, соф фойда, активлар рентабеллиги, фойда меъёри ва ҳ.к.)ларнинг зарурий даражасига эришишга хизмат қилади

3. Мослашувчан ва статик бюджет, улами тузиш асослари

Бюджет олдида қўйилган вазифаларга мувофиқ, мослашувчан ва статик турларга ажратилади.

Статик бюджет корхонанинг ишчан фаоллигини муайян даражасида ҳисоб-китоб қилинади. Унда даромадлар ва харажатлар сотишлар даражасидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

Статик бюджет корхона молиявий натижаларининг ҳақиқийлигини ифодалайди ҳамда пул ва фоиз нисбатларидаги кўрсаткичларнинг мутлақ рақамларини таққослашга имкон беради.

Статик бюджет кўрсаткичларини мослашувчан бюджет кўрсаткичлар билан таққослашда сотишнинг ҳақиқий ҳажми эътиборга олинмайди, яъни натижаларнинг қиёсий таҳлили келтирилади (5.2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш корхонаси статик бюджетда назарда тутилган кўпгина кўрсаткичларга эришмаган

Статик бюджетда кўрсаткичларни режалаштириш амалга оширилса; мослашувчан бюджетни тузишда натижаларнинг омилли таҳлил усулидан фойдаланилади.

5.2-жадвал

Ишлаб чиқариш корхонасининг 2004-йил учун статик
бюджети, минг сўмда

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқий	Четланишлар (исх, ишх)
1. Сотув ҳажми, лона	150	200	50 (и)
2. Сотувлан олинган	45000	60000	15000 (и)
3. Ишлаб чиқариш	35000	41000	6000 (с)
4. Маржинал даромад	10000	19000	9000 (и)
5. Давр харажатлари: шу жумладан: - сотиш	6000 2000 4000	8000 3000 5000	2000 (с) 1000 (с) ■*Б■ 1000
6. Операцион фойда (4қ-	4000	11000	7000 (и)

Изоҳ. "(и)" - белгиси ресурслар иқтисод қилинганлиги сабабли ижобий четланишни, "(с)" - белгиси салбий четланишни ифодалайди.

Мослашувчан бюджетда ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган ҳажми тузатиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади. Унда сотиш ҳажмини ҳисоблашнинг бир қанча муқобил вариантларидан фойдаланилади.

Мослашувчан бюджетда ишлаб чиқариш харажатлари учтин аввал маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меъёрлар белгиланади, кейин ушбу меъёрлар асосида ҳақиқий сотиш ҳажмига мос келадиган ишлаб чиқаришни режалаштириладиган ҳажми аниқланади

Корхонада жавобгарлик марказлари бўйича мослашувчан бюджетлар тузиш харажат ва даромадларни самарали бошқаришга, четланишлар бўйича тезкор чоралар қабул қилишга, ижобий ва салбий четланишларни режалаштирилган фойда суммасига мос равишда тузатиб боришга имкон яратади.

5.3- жадвал

Ишлаб чиқариш корхонасининг 2004- йил учун
мослашувчан бюджети, минг сўмда

<i>иф</i> Кўрсаткичлар	Ҳақиқий бажарилгани	Ҳақиқий бажарилганга мослаштирилган бюджет	Ҳақиқий бюджетнинг мослаштирил- ганлан
1. Сотув ҳажми лона	3000	3000	-
2. Сотувдан олинган	300000	445000	145000 (с)
3. Ишлаб чиқариш	210000	350000	140000 (и)
4. Маржинал даромад	90000	95000	5000 (с)
5. Давр харажатлари:	55000	58000	3000 (и)
шу жумладан: - сотув	33000 22000	33500 24500	500 (и)
харажатлари: -			2500 (и)
6. Операцион фойда	35000	37000	2000 (с)

Изоҳ: * — (и) — белгиси ресурслар иқтисод қилинганлиги сабабли ижобий четланишни, (с) — белгиси салбий четланишни ифодалайди.

Шундай қилиб, корхона фаолиятини стратегик режалаштиришда бюджетлаштириш айланма ва молиявий ресурслар, инвестиция фаолияти учун молиялаштириш маблағларини жалб этиш, харажатлар ва даромадлар, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида зарур маълумотлар олиш имконини беради.

4. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини тузиш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш дастурини тузиш корхона фаолиятини бюджетлаштиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш дастури маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг йиллик ҳажми, номенклатураси, товарлар ва хизматлар бозори талаби асосида сифат ва муддатни тавсифловчи комплекс режани ўзида намоён этади.

Буюртмачиларнинг талаб ва таклиф қонуни талаблари асосида товарларга бўлган эҳтиёжи, тузилган шартномалар ва буюртмаларнинг мавжуд портфели, шунингдек, маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таклифи корхона ишлаб чиқариш дастурининг асосини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш дастурини тузишда турли усуллар: даражали тахминлаш, вазиятли режалар тузиш, чизиқли дастурлаш, маҳсулот (иш ва хизмат)лар турларини диверсификациялаш (кенгайтириш) қўлланилади.

Даражали тахминлаш сотишлар ва фойданинг кутилган ҳажмини учта: максимал, эҳтимол, минимал нуқталари бўйича аввалдан режалаштиришни назарда тутди.

Вазиятли режалаштириш корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб, чиқиш жараёни билан бир қаторда беқарор бозор шароитларида уни амалга оширишда ҳам бир қанча қулайликлар тугъдиради.

Ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш, одатда, уч босқичда амалга оширилади:

- 1) бутун корхона учун йиллик ишлаб чиқариш режасини тузиш;
- 2) режалаштирилаётган ҳисобот даври учун устувор мақсадларни аниқлаш;
- 3) йиллик ишлаб чиқариш режасини корхонанинг алоҳида бўлинмалари ёки иштирокчилар бўйича тақсимлаш.

Амалиётда ишлаб чиқариш дастурини режалаштиришнинг "қуйидан юқорига" ёки номарказлаштирилган ҳолда, "юқоридан қуйига" ёки марказлаштирилган ҳолда ва такроран режалаштириш кўринишлари қўлланилади.

қуйидан юқорига режалаштириш шунинг асосидики, бунда ишлаб чиқариш режаси бошқаришнинг қуйи даражасида, яъни, корхона бўлинмаларида ва функционал хизматлар бўйича тузилади.;

Юқоридан қуйига режалаштирилганда режалар бутун корхона бўйича ишлаб чиқилади ва бўлинмалар учун тезкор режалаштириш асос бўлиб хизмат қилади.

Такроран режалаштириш корхона раҳбарияти билан барча бўлинмалар ва функционал хизматлар ўртасидаги узвий ўзаро ҳамкорликни назарда тутди.

Корхона ёки унинг бўлинмасининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми маҳсулот бирлигини мос тахминий бозор баҳоларига қўйиштириш орқали қуйидаги формула билан ҳисобланади:

режасини тузишдан бошланади. Унда ҳар бир маҳсулот, шунингдек корхона фаолиятининг келгуси даврида амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар кўрсатилади. Бир маромда маҳсулот этказиб берилганда режалаштирилган муддатда сотишлар ҳажмини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

Бу каби ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш келгусида сотиш режасини тузишда юқори самара беради.

Мавсумий тебранишларга хос бекарор ишлаб чиқаришда сотиш режаси, одатда, ҳар ойга тузилади. Корхона маҳсулот сотишининг йиллик режасига товарлар ва хизматларнинг қуйидаги турлари киритилади: ички бозорда маҳсулот сотиш ҳажми, ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ҳажми, товарларни экспортга жўнатиш ҳажми, тайёр маҳсулот захиралари, ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлар ва хизматлар миқдори ва ҳ.к.

Жадвал маълумотлари бир вақтнинг ўзида бозор сигъими ва унда ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари ҳиссасини акс эттиради. Унга асосланиб келгусида сотиш ҳажми моддий ва қиймат кўринишида режалаштирилади.⁸

Сотиш режаси асосий стратегик ва тезкор ҳужжат ҳисобланади. Сотиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш режа алари ўзаро узвий боғлиқдир.

Корхоналарнинг маҳсулот турлари бўйича бозордаги мавқеини баҳолашда 5.5-жадвалдан фойдаланилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш режаси маркетинг тадқиқотлари натижаларини корхона ишлаб чиқариш имкониятлари билан таққосласб асосида ишлаб чиқилади.

Сотув ҳажми каби ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган ҳисобот йилининг охирида номенклатура нуқтаи назаридан даврлар бўйича бюджетлаштирилади: биринчи йили — кварталлар бўйича (зарурат тугъилганда — ойлар бўйича); иккинчи йили — ярим йилликлар бўйича; кейинги йилларда эса йиллик истиқболли режалар тузилади.

Корхонанинг бозор сегментлари бўйича режалаштирилатган савдоси ҳажми

Истеъмолчилар бўйича	ўлчов бирлиги	2001й.				2002й.		2003й .
		Iч.	IIч.	IIIч.	IVч.	1яғй.	2яғй.	
А маҳсулот:	тонна	200	300	350	250	500	100	1050
- X	тонна	150	200	250	200	350	450	850
Истеъмолчи	тонна							
Жами:		500	850	1100	750	1550	1900	3700
В маҳсулот:	тонна	1400	1150	2150	2150	4050	5500	11000
- З	тонна							
Жами	тонна	4300	3450	6500	5050	12500	15050	30500
Ҳаммаси	тонна	4800	4300	7600	5800	14050	16950	34200

5.5-жадвал

Товар бозорида ишлаб чиқариш корхонаси иштирокининг тавсифи

Маҳсулот тури •ф	Ишлаб чиқариш ҳажми,(мин г сўм)	Бозорга чиқарил ган маҳсуло т (минг	Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бозорга чиқарилган	Ишлаб чиқариш корхонасининг бозорга йеткизиб берган маҳсулот улуши, %да
Творог	2900	2635	23960	11,0
Сметана	3100	3898	25991	15,0

Мавжуд ва талаб этиладиган захираларни солиштирма таҳлили менежерларни ҳисобот даври давомида ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланиш имкониятларини аниқлашга кўмаклашади.

Корхонани ишлаб чиқариш захираларига болган талабини қуйидаги шартли мисолларда ифодалаш мумкин (5.6-жадвал).

5.6-жадвал

Товар-моддий захираларга бўлган талабнинг ҳисоб-китоби

Товар-моддий захираларнинг	2002-йилги ишлаб чиқариш дастури		2003-йилги ишлаб чиқариш дастури		Мол етказиб берувчилар
	миқдори	қиймати	миқдори	қиймати	
Материаллар		485	15400	450	Савдо акционерлик жамиятлари, фермер ҳўжалиқлари
- ҳаммаси		262	4890	264	
шу	12300	148	4760	190	
жумладан:	4200				АЖ «Браво-сут» «Нестле» қўшма корхонаси
Асосий	2650				
Сотиб олин- диган ярим	10550	625	11430	870	
тайёр маҳсу- лотлар –	3310	245	4315	305	
ҳаммаси шў	2040	172	3150	435	
Жами					

Шундай қилиб, мазкур жадвал маиумотлари асосида корхонанинг товар-моддий захираларга болган талабини аниқлаш мумкин. Бу эса, келгусида ишлаб чиқариш режасини тузишда муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

Меҳнат, умумишлаб чиқариш, маъмурий ва сотиш харажатларидаги талаб ҳам худди шу тарзда аниқланади. Кейин ўтказилган ҳисоб-китоблар асосида инвестициялар — асосий воситаларни сотиб олиш ва айланма капитал ўсишига бўлган умумий талаб аниқланади.

Корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш, одатдагидек, ишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарини режалаштириш билан якунланади

5. Харажатлар ва маҳсулот таннархини режалаштириш хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида харажатларни режалаштириш харажат таркиби ва маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг режа таннархини дастлабки баҳолашдан бошланади.

Харажатларни режалаштириш ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган товар-моддий захираларнинг қиймати ва кутилаётган фойда ҳажмини аниқлашда юқори самара беради.

Харажатларни дастлабки баҳолаш эса бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. У қуйидагилар асосида амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш ҳажмини аниқ белгилаш;
- маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси;
- материалларни алмаштириш вариантлари;
- материаллар ва чет корхоналар хизматларининг қулайлигини баҳолаш

Ишлаб чиқариш харажатлари бюджетини ишлаб чиқиш жараёнида асосан смета ва норматив усулдан фойдаланилади.

Смета усулида корхонанинг барча бўлинмалари режалари асосида корхона миқёсида харажатларнинг йиғма режаси шакллантирилади.

Республикамизда смета усули анча кенг тарқалган усул ҳисобланади. Унинг қўлланилиши комплекс режалаштиришни ягона тизимга келтиришни таъминлайди.

Норматив усул асосида ишлаб чиқариш харажатлари бюджети тузилади.

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини инобатга олиб, алоҳида маҳсулотлар таннархини харажатларнинг иқтисодий элементлари ва калкуляция моддалари бўйича сметасини тузиш учун шахматли жадвал ишлаб чиқилади (6-илова):

Харажатларни шахматли жадвали тузилгандан сўнг, корхонанинг фаолият даври учун режалаштириладиган харажатларнинг йиғма сметаси ишлаб, чиқилади. Халқаро амалиётда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни режалаштиришда норматив усулдан кенг фойдаланилади. Норматив харажатлар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

- бевосита ва билвосита харажатларни ўзгариши, сотиб олинган материаллар қийматидаги четланишлар натижасида;
- маҳсулот сифатини таъминлашга сарфланган харажатлар натижасида;
- нормалар ва нормативларни ўзгаришлари натижасида;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, талаб, баҳо таъсири ёки бошқа омиллар натижасида.

Харажатларни дастлабки баҳолаш таннархи юқори ва фойда келтирмайдиган маҳсулотлами ишлаб чиқаришни тўхтатиш имконини беради.

Харажатларни баҳолашнинг сўнгги босқичида режалаштириш жараёни стандарт маҳсулот тайёрлаш учун барча зарурий харажатларни ҳисобга олишни назарда тутди, чунки янги маҳсулот ишлаб чиқариш катта миқдордаги моддий, меҳнат ва қўшимча харажатларни талаб этади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган тахминий моддий харажатлар маҳсулотлар ва сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар моддий харажатлар нормативидан ва бозор баҳоларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

Ходимларнинг асосий меҳнат ҳақига кетадиган тахминий харажатлар асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи, умумишлаб чиқариш, маъмурий-бошқариш, сотиш харажатларини режалаштирилган улушини қўшиб аниқланади.

Агар маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган тахминий харажатлар ҳажми кутилган фойдадан ошиб кета, бу ҳолат маҳсулотни иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош эмаслигини англатади ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш чораларини кўриш талаб қилинади. Маҳсулотни алоҳида турлари таннархини режалаштириш хомашё ва материаллар, технологик мақсадлар учун фойдаланиладиган ёнилғи ва энергия, меҳнат ҳақи харажатлари нормативларига риоя этишни назарда тутлади. Шунингдек, режалаштириш билвосита умумишлаб чиқариш, давр* харажатлари ва сотиш харажатлари нормативлари учун ҳам зарур.

Маҳсулот таннархи режасини ишлаб чиқишда техник, ташкилий ва бошқа омиллар ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш манбалари аниқланади.

Бундай ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш номенклатураси бўйича ўртача таннарх (T_y), маҳсулот таннархининг ҳақиқий ва режа таннархи ўртасидаги фарқни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмига кўпайтмаси сифатида формула орқали топилади:

Режалаштириш жараёнида, одатда, жами ва бир бирлик маҳсулот харажатларини аниқлаш зарурияти туғилади. Шу мақсадда барча харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга бўлиш қабул қилинган. Жами таннархга маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришга сарфланган барча харажатлар киради, бир бирлик маҳсулот таннархига эса маҳсулот (иш ва хизмат)лар бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар киритилади. Бир бирлик маҳсулот таннархи - бу харажатларнинг ўртача катталиги бўлиб, у жами харажатларни маҳсулотни ишлаб чиқариш йиллик режасини ташкил этувчи умумий бирликлар миқдорига бўлиш билан белгиланади. Жами ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархи билан уларни ташкил этувчи доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги аналитик боғлиқлик қуйидаги формулалар билан ифода этилади:

Келтирилган формулалардан кўриниб турибдики, жами таннарх — бу маҳсулотни йиллик ҳажмини ишлаб чиқаришга сарфланган доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи — бу жами ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулотлар миқдорига бўлиш орқали аниқланган таннархдир.

Жами харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатлар суммасига тенг, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи ўзгарувчан ва доимий харажатларга алоҳида ҳисоб-китоб қилинган. Ўзгарувчан харажатлар бевосита моддий ва меҳнат харажатлари суммасига тенг. Доимий харажатлар маъмурий-бошқариш ва маҳсулотни сотиш, шунингдек, бинолар ижараси, умумкорхона

аҳамиятидаги биноларнинг эскириши, ходимларнинг меҳнат ҳақини ўз ичига олади. Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган чегаравий харажатларни ҳисоблаш учун жорий даврдаги жами харажатлар суммасини базис даврдаги жами харажатлар суммасига бўлиб, уни шу даврдаги маҳсулот ҳажмига кўпайтирилади.

Режалаштирилаётган харажатлар динамикасини омилли таҳлил усули ёрдамида аниқлаш 5.7-жадвалда кўрсатилган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йил давомида маҳсулот ҳажми 10 бирликка ошиб борган. Жами доимий харажатлар 420000 сўм даражасида сақланиб қолган.

Жами ўзгарувчан харажатлар ойлар бўйича ўсиб борган. Омилли таҳлилнинг занжирли боғланиш усулини қўллаб, харажатлар динамикаси базавий ойга нисбатан ҳисоблаб топилади. Мисол, феврал ойида жами харажатлар 434000 сўм бўлса, уни январ ойидаги 428000 сўм жами харажатларга бўлиб, топилган суммани январ ойининг режалаштирилган маҳсулот (15 дона) миқдорига кўпайтирилади ва натижада бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган чегаравий харажатлар топилади. $((434000:428000) \cdot 15=15,21)$.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, корхонада бир бирлик маҳсулот таннархини ойлар бўйича пасайиши кузатилган. Бунинг сабаби маҳсулот ҳажмининг ортиш интервали билан харажатларнинг ўсиш динамикаси бир текисда бўлмаганлигидир.

5.7-жадвал

Режалаштирилаётган харажатлар динамикасини жорий йил учун омилли таҳлил усули ёрдамида аниқлаш тартиби, минг сўм

Ой-Лар	Маҳсу-лот ишлаб чиқариш,	Жами таннарх			Хара-жатлар динам и-каси	Бир бирликнинг таннархи		
		Дои-мий	ўзга-рув-чан	Жами (Т.)		Дои-мий	ўзга-рув-чан	Жами
1	15	420	8	428	0.0	28.00	0.53	28.53
2	25	420	14	434	15.21	16.80	0.56	17.36
3	35	420	18	438	15.14	12.00	0.51	12.51
4	45	420	20	440	15.07	9.33	0.44	9.77
5	55	420	26	446	15.20	7.64	0.47	8.11
6	65	420	36	456	15.34	6.46	0.55	7.01
7	75	420	45	465	15.30	5.60	0.60	6.20
8	85	420	84	504	16.26	4.94	0.99	5.93
9	95	420	136	556	16.55	4.42	1.43	5.85
10	105	420	206	626	16.89	4.00	1.96	5.96
11	115	420	282	702	16.82	3.65	2.45	6.10
12	125	420	375	795	16,99	3,36	3,00	6,36

Корхона 9-ойда 95 донa маҳсулот ишлаб чиқарганда 556000 сўмлиб жами харажатлар ҳажмида энг катта даромад олади. Демак, бу ҳолатда корхона 95 бирлик миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Режалаштирилган жами ва бир бирлик маҳсулотнинг таннарҳини маҳсулоф ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигини 5.3-чизма ёрдамида таҳлил қилиш? мумкин.

Чизмадан кўриниб турибдики, жами маҳсулот таннарҳи ойлар давомида бир текисда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган, натижада жами маҳсулоф таннарҳи тўғри чизик кўринишида бўлган. Бир бирлик маҳсулотнинг таннарҳи эса ёйсимон кўринишга эга бўлган.

Демак, маҳсулот ҳажми ортиб бориши билан жами таннарҳ ортиб боради. Шу билан бирга, бир бирлик маҳсулот таннарҳи ишлаб чиқарилган маҳсулот* миқдори ортиши билан қисқариб боради.

ТРАНСФЕРТ БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

- 1. Корхона баҳо сиёсатида трансферт баҳонинг тутган орни ва мазмуни**
- 2. Трансферт баҳони аниқлаш тартиби ва тамойиллари**
- 3. Трансферт баҳони белгилаш усуллари**
- 4. Трансферт баҳони харажатлар ва қиймат ёндашувлари асосида шакллантириш**

Республикамизда бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида сотиладиган маҳсулот (иш ва хизмат)ларга илмий асосланган баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларидан бири саналади. Амалиётда ҳар бир корхона ўз маҳсулотини ишлаб чиқара бошлашидан аввал қанча фойда олиши мумкинлигини режалаштиради. Корхона фойдаси маҳсулот баҳоси ва уни ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳақиқий харажатларга бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолатда маҳсулот баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки харидор хоҳиши бўйича баланд ёки паст бўлиши мумкин эинас, у талаб ва таклиф асосида тартибга солиб борилиши лозим.

Инфляция жараёнида, яъни, баҳоларнинг ўсиши содир болаётган пайтда пулнинг фойдалилиги пасайиб боради. Шу сабабли, бундай шароитда барча ҳисоб-китоблар қиёсий ёки базис давр баҳоларида амалга оширилиши зарур, акс ҳолда, нотўғри малумотлар асосида оқилона молиявий бошқарув қарорлари қабул қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи-назардан қиёсий баҳолардан фойдаланиш молиявий менежментдаги барча ҳисоб-китобларга тегишли талаб ҳисобланади. Бунда бир ўлчамнинг ўзгариши иккинчи ўлчамнинг ўзгаришига қандай таъсир этиши таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва баҳолар даражаси турлича бўлган ҳолатда фойда суммасини солиштиришнинг бир нечта варианты мавжуд. Маҳсулотнинг қўшимча бирлигини ишлаб чиқариш умумий тушумнинг малум бир бирликда ошишига олиб келади ва у чекланган тушум дейилади.

Бунда ўз навбатида харажатлар миқдорининг ҳам бир бирлик миқдорида ошиши кузатилади ва у чекланган харажатлар, деб атаилади. Максимал фойда чекланган тушум билан чекланган харажатлар бир-бирига тенг бўлган ёки улар бир-бирига максимал даражада яқинлашган ҳолда юзага келади.

Фойдалиликнинг чекланганлиги назариясига мувофиқ, ишлаб чиқаришнинг ўсиши туфайли чекланган тушум чекланган харажатларга нисбатан тезроқ суръатларда ўсиб боргунга қадар фойда ҳажми ўсиб бораверади, бироқ чекланган харажатлар чекланган тушумдан ошиб кетган пайтда маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш зарур. Шундай қилиб, чекланган харажатларнинг чекланган тушумга яқинлиги (максимал) энг юқори даражада таъминланганда ёки унга тенглаштирилганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва баҳоси ишлаб чиқарувчини энг юқори (максимал) фойда билан таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада баҳони шакллантириш ва бошқариш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш зарурияти туғилади. Бунинг учун бошқарув тизимида баҳони шакллантириш бўйича функционал блокларнинг ўзаро алоқасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга

Келтирилган чизмадан кўриниб турибдики, баҳонинг шаклланиши ташқи муҳит таъсирига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ташқи муҳитда қуйидаги макродаражадаги ўзгаришлар корхона фаолиятида баҳони шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади:

1. Иқтисодиётдаги ўсиш ва пасайиш (ҳар қандай маҳсулотга бўлган эҳтиёж аҳолининг реал даромадлари, инвестиция фаоллиги, давлат харажатлари, кредит олиш ва уни қайтариш имкониятлари, баҳоларнинг ўзгаришига боғлиқ). Шу сабабли ташқи муҳитни таҳлил қилиш корхонани баҳолаш учун бошланғич нуқта ва қадам бўлиб ҳисобланади;

2. Табiiй ресурсларга яқинлик ва уларнинг заҳирасига эга бўлиш нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчи, балки қайта ишловчи корхоналарни ҳам стратегик ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга;

3. Сиёсат ва ҳуқуқ. Корхонанинг фаолият юритишида давлатнинг иқтисодий барқарорлиги, турли хил мулк эгаларининг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинганлиги, солиқ қонунчилигининг ўзгариб туриши, божхона ҳуқуқи каби омиллар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга;

4. Демография. Корхона жойлашган ҳудуддаги аҳолининг сони ва таркиби унинг фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Агар ҳудудда тугъилиш даражаси юқори болса, болаларбоп маҳсулотлар ассортиментига талаб катта боғлади ёки катта ёшдаги аҳолининг ҳиссасига қараб уларнинг талабидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарур болса, корхона шунга қараб мўлжал олиши лозим;

5. Ижтимоий-маданий муҳит. Жамиятнинг иқтисодий фаровонлиги ошиб бориши билан унда иқтисодий хавфсизликни таъминлашга, аҳолининг кам таъминланган ва ишсиз қатламларини ҳимоя қилишга имконият ортиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда корхоналарда баҳоларни шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилишга таъсир этувчи омиллар ташқи ва ичкига бўлинади.

Ташқи омиллар қуйидагилар билан ифодаланади:

1. Корхона ишлаб чиқараётган товарга бозордаги умумий талаб;
2. Бозорга шу ҳилда бошқа фирмалар томонидан чиқарилган товарлар ҳажми;
3. Ушбу товарларнинг сифати ва баҳоси;
4. Харидорларни маҳсулот баҳоси паст бўлишига ёки товар сифати юқори бўлишига қизиқиши.

Баҳонинг шаклланишига таъсир этувчи ички омилларга қуйидагилар киритилади:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш таннари;
- узоқ муддатли капитал қўйилмаларни қоплаш имконияти;
- меҳнат ва материаллар сифати;
- ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;
- чекланган ресурслардан фойдаланиш даражаси.

Трансферт баҳолар механизмини ишлаб чиқиш корхона баҳо сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

Трансферт баҳо корхона ичида бир жавобгарлик марказидан бошқа жавобгарлик марказига ўтказиладиган маҳсулот (материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар) ёки хизматлар баҳосини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳодир.

2.Трансферт баҳони аниқлаш тартиби ва тамойиллари

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида трансферт баҳони аниқлаш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган шаклларига бевосита боғлиқ болади.

Ишлаб чиқариш марказлаштирилган ҳолда ташкил этилган шароитда жавобгарлик марказлари ўртасида маҳсулот ва хизматлар алмашинуви кўпроқ ҳақиқий (норматив) таннарх асосида амалга оширилади.

Марказлаштирилмаган ҳолда ташкил этилган ишлаб чиқаришларда жавобгарлик марказлари нисбатан мустақил бўлиб, корхона ичидаги узатув (топшириш) баҳоси ҳар бир бўлинма фойдасининг аниқ ва ишончли кўрсаткичини аниқлаш имкониятига эга бўлиши назарда тутилган ҳолда ўрнатилган бўлиши керак. Корхона ичидаги узатув (топшириш) баҳосини танлаш нафақат бўлинма фаолияти натижаларини аниқлаш учун, балки "қандай қилиб ишлаб чиқариш ва сотиб олиш", "сотиш ва бундан кейин ишлов бериш" каби саволлар бўйича қарорлар қабул қилиш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг муқобил вариантларини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Трансферт баҳони аниқлаш қуйидаги асосий талабларга таянади:

— ишлаб чиқариш корхонасининг пировард мақсадига эришишини ва алоҳида бўлинмалар мақсадини корхонанинг умумий мақсади билан уйғун ҳолда бирикиб кетишини таъминлаш;

— бошқарувнинг турли даражаларида менежерлар учун мослашувчан ва бир хилда бўлиш;

— марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш шароитида сотувчи ва харидор бўлинмалар раҳбарларига уларнинг мустақиллигини сақлаб қолишга имкон тугъдириши керак;

— ички ва ташқи бозорларнинг ўзгарувчан шароитларини тез илғаб олиш, фойдани самарали соҳаларга йўналтириш имконини бериш. Масалан, юқори фойдани солиқлардан имтиёзлар мавжуд бўлган соҳаларга, юқори бўлмаган фойдани эса солиқлари юқори бўлган соҳаларга йўналтириш лозим;

— амалдаги қонунлар талаблари асосида шакллантирилиши ва уларга мос келиши.

3. Трансферт баҳони белгилаш усуллари

Корхона ички бўлинмалари ўртасида трансферт баҳоларни шакллантиришда уни белгилаш усуллари алоҳида этибор қаратиш зарур: Трансферт баҳоларни белгилашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

— бозор баҳоси;

— толиқ таннарх плюс фойда (тўлиқ таннархдан % сифатида);

— ўзгарувчан харажатлар плюс фойда (ўзгарувчан харажатлардан %сифатида);

— томонларнинг ўзаро келишуви асосидаги шартномавий баҳо;

— толиқ ёки қисқартирилган таннарх.

Корхона бошқарувчилари, бўлинма-сотувчилар ва бўлинма-харидорларнинг талабларига бирдек жавоб берадиган ягона трансферт баҳо мавжуд эмас. Амалиётда корхоналарнинг бир қисми шартномавий бозор баҳосидан трансферт баҳо сифатида фойдаланади, бошқа бир қисми эса "тўлиқ таннарх плюс фойда" усулидан фойдаланишни афзал кўради.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг шартномавий бозор баҳоси ҳажми қулай трансферт баҳо ҳисобланади, чунки бу баҳо ҳар бир марказнинг фойдасини мустақил хўжалик бирлиги сифатида таҳлил қилиб чиқиш имкониятини яратади.

Агар ташқи бозорда баҳо аниқ болса (масалан, янги маҳсулот турига муқобил товарлар бозори бўлмаганда ва баҳо олдиндан белгиланмаган бўлса), унда "тўлиқ таннарх плюс фойда", яъни, тўлиқ таннархдан фоиз сифатида олинган баҳони қўллаш лозим болади, чунки бундай баҳо бозор баҳосига яқин ҳисобланади ва бўлинмалар фаолияти камчиликларини аниқлашга имкон тугъдиради.

Баҳога устама белгилаш вақтида бутун корхонани фойдалилик коеффицинини эмас, балки мазкур бўлинманинг харажатлари хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Амалиётда фойда кўпинча молиявий

қўйилмалардан олинган даромад ҳисобланади ҳамда белгиланган режа кўрсаткичи билан солиштирилиб борилади. Агар трансферт баҳо сифатида "ўзгарувчан харажатлар плюс фойда" усулидан фойдаланилса хомашё, материаллар, хизматлар ва иш ҳақи каби харажатларни ўзгаришига тузатишлар киритадиган қоидага амал қилинади.

Трансферт баҳо ҳақиқий таннарх плюс қўшимча фойда тарзида белгиланиши ҳам мумкин. Мазкур усулдан менежерлар о'з бўлинмаларида маблағлар сарфи учун жавобгар бўлган ҳолларда фойдаланади. бироқ бу усул маблағларни тежаш имкониятини пасайтиради, яъни, ҳақиқий таннарх қанча ёнжори бўлса, бўлинма—сотувчи сотиш баҳосини шунча юқори белгилайди. Шунинг назарда тутиш зарурки, таннарх асосида трансферт баҳоларни белгилаш вақтида қои*хона таркибига кирувчи бўлинмаларни фойда ёки инвестиция марказлари сифатида эмас, балки харажатлар марказлари сифатида қараб чиқиш лозим. Бундай шароитда ўзгарувчан харажатлар асосида белгиланган трансферт баҳолар самарали ҳисобланади. Бу усулда қуйидаги иккита шартга амал қилинади:

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бирлигига сарфланган активлар қиймати бир хил;

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бирлигига тўғри келадиган о⁴згарувчан харажатлар даражаси қолган харажатларга нисбатан деярли ўзгармас. ўзгарувчан харажатлар асосида корхона ичидаги топширувлар пайтидаги баҳо усули тўйиқ таннарх асосидаги усулдан корхона захираларидан янада самаралироқ фойдаланишни таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

4. Трансферт баҳони харажатлар ва қиймат ёндашувлари асосида шакллантириш

Трансферт баҳо сиёсати масаласи бўйича молиячи ва маркетинглар ўртасида уни шакллантиришга нисбатан икки муқобил ёндашув — харажатлар ва қиймат ёндашувлари соҳасида баҳс-мунозара келиб чиқади. Уларнинг моҳиятини 7.2-жадвал ёрдамида ифодалаш мумкин.

7.2-жадвал Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан ёндашувлар

Тғ н	Харажатлар асосидаги ёндашув	қиймат ёндашуви
1.	<i>Маҳсулот</i>	<i>Харидорлар</i>
2.	<i>Технология</i>	<i>қийматликлар</i>
3.	<i>Харажатлар</i>	<i>Баҳо</i>
4.	<i>Баҳо</i>	<i>Харажатлар</i>
5.	<i>қийматликлар</i> ^	<i>Технология</i>
6.	<i>Харидорлар</i>	<i>Маҳсулот</i>

Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан харажатлар ёндашуви энг синалган ва ишончли ёндашувдир. Унинг асосида реал категория ётади, бу —

махсулот ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланадиган харажатлардир. Ушбу харажатлар маҳсулот ишлаб чиқаришга ва сотишга сарфланган ҳақиқий харажатлар категорияси орқали ифодаланади ҳамда бухгалтерияда дастлабки хужжатлар билан расмийлаштирилади.

Бунинг устига, малум даражада бу ёндашувнинг нуфузи уни иқтисодий назарияда қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ, чунки маҳсулотлар ўртасида харажатларни тўғри тақсимлаш, таннархни шакллантириш ва бошқариш баҳони корхона учун нафтилиқ нуқтаи назаридан даромад олиш манбаига айлантиради

Маҳсулотни сотишда баҳо даражасини сотувнинг ва шунга мос равишда ишлаб чиқаришнинг тахминий ҳажми белгилайди. Шу билан бирга, бошқарув ҳисоби эътироф этадики, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришнинг **умумий** харажатлари ўзгариши бевосита ишлаб чиқариш миқёсига боғлиқ. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши билан бир буюмга тўғри келадиган доимий харажатлар суммаси ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган ўртача харажатлар ҳажми ҳам ўсади. Бинобарин, тадбиркор менежер трансферт баҳони белгилаётганда харажатлар усули асосида ёки рақобатчиар томонидан баҳо бўйича қабул қилинган қарорлар таъсири остида пассив баҳо белгилаш ёлини танламаслиги лозим.

Энг оқилона ёндашув — трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан фаол ёндашув усули бўлиб, бунда трансферт баҳони бошқариш орқали сотишларнинг зарур ҳажмига мос келувчи ўртача харажатлар ҳажмига эришилади, бу эса корхонани фойдалиликнинг кутилаётган даражасига олиб чиқади.

Трансферт баҳони шакллантиришга фаол ёндашув мантиқига ўхшаш масалаларни қуйидагича тавсифлаш мумкин: "Енг паст баҳода сотиладиган товарлар миқдорини катта миқдордаги фойда олиш учун қанчагача оширишимиз керак?" ёки "Сотиладиган маҳсулотларнинг қанча миқдорини кўпроқ фойда олиш учун юқори қанча баҳода сотиш керак?".

Айнан мана шундай ёндашув "заиф бозорда (яъни, талаб пасайиб боровчи бозорда) ёки "кучли" бозорда (яъни, талаб ортиб боровчи бозорда) жуда юқори баҳолар харажат ёндашувининг жиддий камчилигини четлаб ўтиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, трансферт баҳони шакллантиришга харажатли ёндашувдан воз кечиш корхона менежерларига осон бўлмайди, чунки улар ишлаб чиқаришга янги маҳсулот учун инвестиция қилиш ва баҳони шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилингунча, кутилаётган фойдани аниқлашлари лозим.

Лойиҳалаштирилаётган янги маҳсулот замонавий техник даражага мос келувчи ўлчамлар ва хусусиятларга эга бўлиши, конструкторлик хизматлари, технологлар, молия-иқтисодий бўлим ва бухгалтерияда техник-иқтисодий асоснома (ТИА) билан тасдиқланган боииши лозим. Шу босқичнинг ўзида баҳо аниқланади, у харажатларнинг ўрнини тўлдириши ва инвестицияларни зарурий даражада қоплаши керак. Шундан сўнг маркетинглар (агар шундай мутахассислар бор бўлса) маҳсулот сотиш ҳажмини аниқлайди. Улар

маҳсулот сотишни ташкил этиш, маҳсулот хоссаси ва сифатига харидорларни ишонтиришга интилади. Агар бундай "тарғибот" натижалари ижобий натижа бермаса, корхона раҳбарияти одатда баҳони пасайтириш таклифи ҳисобига вазиятни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бундай шароитда, одатда, харидорлар бозорда устунлик қиладиган вазият юзага келади. Бунда айнан улар ўз шартларини қўяди ва баҳони янада пасайтиришга эришади.

Трансферт баҳони шакллантиришга харажатли ёндашувни мўлжал қилиб муваффақиятга эришиш ғоят мушкул. Бундай шароитда трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан қийматли ёндашувга кўпроқ этибор бериш лозим

Трансферт баҳога нисбатан қийматли ёндашувнинг вазифаси корхона миқдорларининг рағбатлантирилишидан иборат эмас. Бундай натижага баҳога катта чегирмалар бериш ҳисобига ҳам эришиш мумкин., лекин қийматли ёндашув корхона учун сотишлар ҳажмини тобора авж олиши ҳисобига эмас, балки "қиймат — харажатлар" нисбатининг мутаносиблигига эришиш ҳисобига фойда олишни таъминлаши керак.

Трансферт баҳони шаклланиши меҳнат бозорида рақобатда бўлган бошқа корхоналар таъсирига ҳам боғлиқ. Шу боис, корхонанинг баҳо сиёсати бухгалтерлар, молиячилар, маркетинглар, менежерлар ва бозорни ўрганивчи ахборот хизматчиларининг доимий ҳамкорлиги натижасида туғилади ва такомиллашади. Бундай шароитда баҳо сиёсатини шакллантириш корхонага фойда, харидорга эса кўпроқ наф келтириши лозим.

Назаримизда, трансферт баҳоини шакллантиришда маҳсулотнинг зарарсиз сотилишини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун маҳсулотни зарарсиз сотиш баҳосини формула ёрдамида аниқлаймиз:

Юқорида таъкидланган зарарсизлик баҳосини аниқлаш учун **қуйидаги** мисолдан фойдаланамиз.

1-мисол. "Шаҳрихонсут" ХЖнинг 2003-йилги фаолиятини изоҳлайдиган қуйидаги малумотлар келтирилган.

Сотишдан олинadиган тушум, (сўм)	358357
Ўзгарувчан харажатлар, (сўм)	288916
Маржинал даромад, (сўм)	69441
Доимий харажатлар, (сўм)	45568
Операцион фойда, (сўм)	23873
Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, (дона)	205

Биринчи навбатда, остонавий тушумни белгилаб олиш учун қуйидагича ҳисоб-китоблар амалга оширилади: 1. Маржинал даромад ҳажмини топамиз:

358357 - 288916 қ 69441 3. Маржинал даромад коэффициентини чиқариб ташлаймиз:

69441:358357 қ **0,19**

4. Остонавий тушум (зарарсизлик нуқтаси)ни аниқлаймиз: 45568:0,19 қ 239831,6

Остонавий тушумни ҳисоблаб топгач, унинг ёрдамида маҳсулотни зарарсиз сотиш баҳоси аниқланади:

$239831,6 : 205$ дона қ $1169,9$

Демак, маҳсулотни бир бирлигини сотиш баҳоси 358357: 205 дона қ1748,08 сўм бўлса, бир бирликка тўғри келадиган фойда суммаси 578,18 сўмни ташкил этади.

Баҳо ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаши ва корхонага фойда келтира бошлашига имкон бериш учун уни сотиладиган маҳсулотга қандай белгилаш лозим? Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги мисолдан фойдаланамиз.

2-мисол. Корхона 5000 дона маҳсулот сотишни режалаштирган, бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган ўзгарувчан харажатлар 1600 сўмни ташкил этади. Доимий харажатлар — 2000000 сўм. Корхона 3000000 сўм миқдорида фойда олишни мўлжаллаган. Маҳсулотни қандай баҳода сотиш керак?

1. Дастлаб, маржинал даромад ҳажмини аниқлаймиз. Бунинг учун доимий харажатларга фойданинг режалаштирилган ҳажмини қўшамиз.

2000000 сўм қ 3000000 сўм қ 5000000 сўм

2. Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган маржинал даромад суммасини топиш учун ялпи маржинал даромад суммасини сотиладиган маҳсулотлар миқдorigа боламиз:

5000000 сўм : 5000 дона қ 1000 сўм.

3. Маҳсулот бирлиги баҳосини аниқлаш учун ўзгарувчан харажатлар орқали ҳисобланган маржинал даромад суммасига доимий харажатлар ва фойдани қўшиш натижасида аниқланган маржинал даромад суммасини қўшамиз:

1600 сўм қ 1000 сўм қ 2600 сўм

Зарарсизлик баҳосини таҳлил қилишга доир юқорида келтирилган формулалар маҳсулотнинг белгиланган ҳажмини сотиш жараёнида фойданинг малум даражасига эришиш учун сотишнинг зарарсиз баҳосини аниқлашга кўмаклашади.

Демак, мослашувчан трансферт баҳо сиёсатини юритиш ва унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни чуқур таҳлил қилиш исте[?]молчиларни рағбатлантириш ҳамда товар бозоридаги рақобатда устунликка эришиш имконини беради.

КОРХОНАНИНГ СЕГМЕНТАР ҲИСОБОТИ

- 1. Сегментар ҳисоботнинг моҳияти, турлари ва шакллари**
- 2. Корхоналарда сегментар ҳисоботни тузиш тамойиллари**
- 3. Сегментар ҳисобот жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг асоси сифатида**
- 4. Сегментлар бўйича даромад ва харажатларни аниқлаш**

Бозор муносабатлари шароитида бизнес сегменти деб аталувчи янги атама бошқарув ҳисобига кириб келди.

Бизнес сегменти — бу корхонанинг маълум қисмини ёки нисбатан мустақил бўлинмасини муайян ваколатлар ва масъулият бериш мақсадида ажратишдир.

Бошқарув ҳисоби корхонанинг ташкилий тузилмасини ҳисобга олган ҳолда, жавобгарликнинг турли марказлари (бизнес сегментлари) мажмуидан таркиб топади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда сегментлар бўйича ҳисоботни шакллантириш тартиби 14-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МХХС) билан тартибга солинади. Бу стандарт 1993-йилдан амал қилиб келмоқда. Унга кўра, сегментларнинг иккита: хўжалик ва географик турлари ажратиб кўрсатилади.

Географик сегмент — бу муайян иқтисодий муҳитда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этувчи, риск ва фойда каби иқтисодий шарт-шароитлар таъсирида, маълум маконда ҳаракат қилувчи ажратиб қўйилган компонентдир.

Сегмент ажратишни тақозо этадиган, фарқ қилувчи ҳолатларни, яъни, кўпчилик омилларнинг мос тушишини 8.1-жадвалда кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1996-йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан кучга киритилган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасида таъкидланганки, корхона раҳбари ҳисоб ва ҳисоботнинг ички хўжалик тизимини, хўжалик муомалаларини назорат қилиш тартибини, ташқи истеъмолчилар учун молиявий ҳисоботни, солиқлар ва молиявий ҳужжатларнинг бошқа шакллари ва ҳоказоларни ташкил этишга мажбур.

Ташқи истеъмолчилар учун сегментлар бўйича молиявий ҳисоботни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998-йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган "Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон Республикасининг 1-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) билан тартибга солинади. Ушбу стандартнинг 96-бандида қуйидагилар таъкидланади: "фойдаланувчи учун ҳисоб сиёсатини юритишнинг ўзига хос устуворлиги кўрилганда раҳбарлар хўжалик юритувчи субъектнинг таваккалчилиги ва пул оқимининг келажагини баҳолаш имкониятини беришини ҳисобга олишлари керак.

8.1-жадвал

Хўжалик ва географик сегментларнинг белгилари бўйича қиёсий тавсифи

Сегмент ҳосил қилиш учун мезон	Сегментлар	
	Хўжалик	Географик

Хўжалик ёки географик сегментларни ҳисобот сегменти сифатида ажра-тишни тақозо этадиган омиллар: - сотишларнинг 50% дан ортиғи ташқарида содир бўлган ҳолда; - жами сегментларни сотишдан олинган тушумлари, сегмент фаолияти натижалари активламинг 10%идан ортиқ ёки унга тенг бўлган умумий суммасига эга бўлганда; - корхона жами тушумларини 75%идан кам бўлмаган улуши ҳисобот сегментларини ташқи фаолиятининг биргаликдаги жами тушумига тўғри келганда ҳисоботлар мувофиқлаштирилади.	Агарда куйидаги белгилар бўйича ўхшашликлар мавжуд бўлса, маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқарувчи хўжалик бўлинмалари ўзаро боғлиқ бўлади: - уламинг тавсифланишида; - ишлаб чиқариш жара-ёнлари тавсифида; - миқдорлар тури ва тавсифида; - сегментнинг асосий фаолияти натижасида пайдо бўлган харажатлар ва даромадларни тақсим-лаш усулларида; - муайян фаолият турлари учун тартибга солувчи муҳит талабларида (масалан, солиқлар, банклар ва суғуртада).	Бир нечта мамлакатлардаги гуруҳ, алоҳида мамлакат, мамлакат ичидаги минтақада жойлашган сегментлар куйидаги белгиларга кўра географик сегмент ҳисобланади: - ўхшаш иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар; - амаиға ошириладиган муомалаламинг ўхшашлиги; - мазкур географик ҳудуддаги муомалалар билан боғлиқ фавқулодда рисклар кутилаётганда; - валюта назоратининг алоҳида қоидалари амал қилганда; - валюта муомалала-ридан кутилаётган рисклар мавжуд бўлганда.
---	--	--

Ҳисоб сиёсатининг ёритилиши куйидагиларни ўз ичига олади, аммо ушбу ахборот билан чегараларимайди:

"96.17. Фаолият турларини, географик сегментлар ва чиқимларни сегментлар ўртасида тақсимлаш усулларини аниқлаш".

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжатларда сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот муаммоси ўзининг толиқ ечимини топмаган.

Ташқи истеъмолчилар учун мўлжалланган ва молиявий ҳисоб малумотлари манбасида ишлаб чиқиладиган молиявий ҳисоботдан фарқ қилган ҳолда сегментар ҳисобот ички истеъмолчилар учун мўлжалланади ва махфий ҳисобланади. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига кўра, бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади, бухгалтерия ёзувлари мазмуни билан танишишга фақат раҳбарият рухсати билан ёки қонунчиликда рухсат этилган ҳолларда қўйилади. Бирок таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда кўпинча солиқ ва бошқа назорат органлари бошқарув ҳисоби ҳамда ҳисоботи малумотларига бевосита кириб бориш имкониятига эга бўлмоқда.

Бошқарув ҳисобида мустақил ишлаб чиқилган ёки марказлаштирилган ҳолда тасдиқланган бошқарув ҳисоботлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳисобот шакллари аниқлаш бўлиб, журнал-ордер шаклини қўлламайдиган корхоналар (кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини қўллаётган корхоналар, бухгалтерия ҳисобини компютерда махсус ишлаб чиқилган жадвалларда олиб бораётган корхоналар), шунингдек, ҳисобнинг журнал-ордер шаклини қўллашга мослаштирилган корхоналар ҳам (аналитик ҳисоб шаклларига ўзгартириш киритиш йўли билан, масалан, янги қўшимча қатор ва устунлар қўшиш орқали, аммо мавжуд ҳисоб тизимини бузмасдан зарур маълумотлар олиш учун мувофиқлаштирилади) юритишлари мумкин.

Бошқарув ҳисоботининг стандарт (минимал) тўпламига асос бўладиган қуйидаги муҳим шакллари келтириш мумкин:

- материаллар ва бутловчи қисмлар захиралари тўғрисида ҳисобот;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) тўғрисида ҳисобот;
- харид қилинган қийматликлар тўғрисида ҳисобот;
- тайёр маҳсулот захиралари тўғрисидаги ҳисобот;
- сотишлар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида ҳисобот;
- йиғма ҳисобот.

Молиявий ҳисоботнинг афзаллик томони молиявий ҳолатни, корхона фаолияти натижаларини таҳлил этишда ахборот манбаси сифатида қўлланилишида намоён бўлса, сегментар ҳисобот маълумотлари эса бизнеснинг ҳар бир сегменти иш сифатини баҳолаш имконини беради.

2. Корхоналарда сегментар ҳисоботни тузиш тамойиллари

Мамлакатимиз ва МДХ ҳисоб амалиётида бундай тажрибанинг майжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, сегментар ҳисобот тузишнинг баъзи тамойилларини кўриб чиқиш зарур:

— сегментар ҳисобот аниқ манзилли, ишончли, тушунарли, муҳимлик қаби хусусиятларни ўзида акс эттириши ҳамда асосан харажатлар, даромадлар, маҳсулот сотиш ҳажмини ҳисобга олишга ёналтирилган бўлиши лозим;

— ички ҳисобот тезкорлик, эҳтиёткорлик, таққосланувчанлик хусусиятларига эга бўлиши ҳамда менежернинг режалари, психологияси ва усулини назарда тутиши керак;

— сегментар ҳисобот аҳамиятли, ҳаққоний, ҳолис тақдим этилган бўлиши, изчил ва тугалланган бўлиб, жавобгарлик маркази ишини янада яхшилашга ёналтирилиши лозим;

— сегментар ҳисоботнинг шакллари ва регистрларини тез-тез ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ҳолат уларнинг самарадорлигини пасайтиради;

— бошқарувчига минимал ҳажмдаги ҳамда мураккаб ҳисоб-китобларсиз, тизимлаштирилган ҳисобот тақдим этилиши лозим;

— ҳисоботнинг бош мақсади корхона жамоасини жипслаштириш, уларнинг салоҳиятларини корхона инвестиция лойиҳалари ва бизнес-режасини амалга оширишга ёъналтириши лозим.

— бошқарув сегментар ҳисоботи корхона ҳисоб сиёсатига мувофиқ келиши билан бирга молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари, ҳисоб ва ҳисоботнинг миллий стандартлари, давлатимиз томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий манбага ҳам асосланиши лозим.

3. Сегментар ҳисобот жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг асоси сифатида

Сегментлар бўйича ҳисоботни жавобгарлик марказлари бўйича шакллантирилган ҳисобот сифатида таърифлаш мумкин.

Сегментлар (жавобгарлик марказлари) бўйича ҳисобни ташкил этиш зарурати муносабати билан бошқарув ҳисобида уларнинг чегараларини қуйидаги мезонларга мувофиқ белгилаш лозим:

— мустақил сегмент ҳисоботлари қандай кўринишда бўлиши лозим (яъни, сегментар ҳисобот бирлжкларини ажратиш мезони);

— сегментлараро ўзаро ҳисоб-китобларда баҳони шакллантиришнинг қайси усули қўлланилиши зарур;

— даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни сегментларга тақсимлаш учун қандай асос мавжуд бўлади?

Мустақил сегмент ҳисоботи шаклланиши шарт-шароитлари сифатида ҳар бир хўжалик ва географик сегментнинг ички ҳисоботларидан фойдаланиш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона сегментлари ўртасида ички ҳисоб-китоб нархларини ўрнатиш, яъни, трансферт баҳо ҳосил бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, бунда битта жавобгарлик маркази ўз маҳсулоти ёки хизматларини бошқа жавобгарлик марказига узатади, натижада бўлинмалар ўртасида ўсиб боровчи тартибдаги баҳолар юзага келади.

Трансферт баҳолари бўйича сегментар ҳисоботни тузишда, трансферт баҳоларни ҳисоб-китоб қилишнинг қуйидаги усуллари таҳлил қилинади:

— бозор баҳолари асосидаги;

— таннарх (ўзгарувчан ёки толиқ) асосидаги "таннарх плюс" тамойили бўйича;

— шартномавий трансферт баҳолари асосидаги (маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бозор конъюнктураси ва харажатлари таъсири остида).

Бозор баҳоларининг шаклланиши объектив хусусиятга эга бўлган шароитда трансферт баҳоси ҳам жавобгарлик марказлари менежерларининг ва харидорларнинг муносабатлари ҳамда малакаларига бевосита боғлиқ бўлмайди. Бу усулнинг заиф томонини ҳам таъкидлаш лозим, яъни, унинг жорий этилиши ривожланган бозор муҳитини талаб қилади, бундан ташқари корхона жавобгарлик марказлари (сегментлари) ишлаб чиқариладиган

маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизматларга бозор баҳоларининг даражаси тўғрисида ахборот йиғиш учун қўшимча харажатлар қилиши лозим.

"Таннарх плюс" номли иккинчи усулда кутилаётган фойда миқдори устига маълум фоиз қўйилади. Масалан, битта бўлинма маҳсулот (ишлар, хизматлар) тўлиқ таннархининг 110 %*ли* ҳисоб-китобидан келиб чиқса, бошқа сегмент эса сегментни узатувчи маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннархни 150 %*ли* ҳисоб-китобидан келиб чиқиши мумкин.

4. Сегментлар бўйича даромад ва харажатларни аниқлаш

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар амалиётида сегментлар бўйича даромад ва харажатларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга,

Бухгалтерия ҳисобининг 14-сонли "Сегментлар бўйича ҳисобот" номли халқаро стандарти (БҲХС)га кўра, сегментар ҳисоботда бирламчи акс этириладиган қуйидаги ҳолатлар назарда тутилиши лозим:

- ташқи мижозлардан олинadиган даромадлар;
 - бошқа сегментлар билан бўладиган муомалалардан олинadиган даромадлар;
 - активларнинг баланс суммаси;
 - сегментларнинг мажбуриятлари;
 - асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш харажатлари;
 - амортизацияхаражатлари;
 - ассоциациялашган компаниялар ёки қўшма корхоналар фаолиятида иштирок этишдан олинган соф фойда ёки зарарлар ва инвестициялар ҳиссаси;
 - даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни таққослаш.
- Сегмент даромадлари корхона сегментига ёки умумий тушум таркибига бевосита киритилиши мумкин.

Сегмент даромадларига қуйидаги кўрсаткичлар тегишли эмас:

- молиявий қўйилмаларни сотишдан олинган фоизлар, дивидендлар ва даромадлар (бундай даромадлар сегментнинг асосий фаолияти боиган ҳоллар бундан мустасно);
- фавқулодда даъвомадлар (форс-мажор мажбуриятлар).

Сегмент харажатлари - бу бевосита сегмент таркибига киритилиши мумкин бўлган харажатлар ёки уларни корхона умумий харажатларининг бир қисми сифатида намоён бўлишидир. (8.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари корхона сегментлари харажатларини қиёсий таҳлил қилиш имконини беради ва уларни пасайтириш ёналишларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Сегмент харажатларига қуйидагилар киритилмайди:

- қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар бўйича харажатлар (улар сегментнинг асосий фаолияти бўлган ҳол бундан мустасно);
- даромад (фойда) солиғи;
- фавқулодда харажатлар (форс-мажор мажбуриятлари). Корхонада ички (сегментар) ҳисоботларни бухгалтер бошқарув ҳисоби

малумотларига асосланиб тузади.

Сут маҳсулотлари комбинатининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ва унинг муомала сегментлари (млн. сўмда)

Кўрсаткичлар	Товар ишлаб чиқариш сегментлари				
	Тиббиёт муассасалари	Мактаб-гача тарбия муассасалари учун	Савдо корхоналари учун	Умумий овқатла-ниш корхоналари учун	Жами
1	2	3	4	5	6
1. Сотишдан олинган тушум	39,8	50,8	26,0	132,0	248,6
2. Чегирмалар "-" устамалар "Қ"	Қ34,0	Қ16,8	Қ 10,6	-38,6	Қ22,8
3. Сотиш-нетто	73,8	66,4	36,6	93,4	270,2
4. Сегментларнинг харажатлари	29,2	18,8	17,0	12,6	77,6
5. Сегментларнинг молиявий натижалари	64,2	55,0	49,4	24,0	192,6
6. Тақсимланмаган харажатлар (маъмурий)	19,9	17,2	15,4	7,5	60,0
7. Корхонанинг молиявий натижаси	44,3	37,8	34,0	16,5	132,6

8.3-жадвал

Самарқанд "Бравосут" қўшма корхонасида
бошқаришнинг турли даражаларида харажат марказлари
бўйича умумлаштирилган ҳисобот, минг сўмда

Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври, III чорак	Жами: йил бошидан
--------------	--------------------------	-------------------

	Режа	Ҳақиқ.	Режа	Ҳақиқ.
Н»л бригада бўйича ҳисобот				
Асосий материаллар	8600 3700	-200 -60	26800 8000	Қ240 -160
Ёрдамчи материаллар	42800	Қ480	113660	Қ1680
Бевосита меҳнат ҳақи	1960 680	Қ70	5880	Қ500
харажат-лари,	57740	Қ20	1080	Қ80
ажратмалари билан		Қ310	155420	Қ2340
Технологик эҳтиёжлар				
учун энергия				
харажатлари Бошқа				
харажатлар ЖВал				
бригада бўйича жами				
Сут сеҳи бўйича ҳисобот				
Н»л бригада	57740	Қ310	155420	Қ2340
Н°2 бригада	35440	Қ222	129700	Қ1780
ЖВ»3 бригада	44680	Қ20	137000	Қ720
ЖВ°4 бригада	39700	-60	128640	Қ360
Бригадалар бўйича жатни	177560	Қ492	550760	Қ5200
Умумишлаб чиқариш Харажатлари				
-Сех устасининг иш ҳақи,	25200	-	140000	-
Ажратниаиари Диан -	20800	—	61600	-
Сех ускуналарининг эскириши				
-Умумишлаб чиқариш эҳтиёжлари-	7000	Қ520	20900	Қ1280
Га сарфланган				
электрэнергия				
-Кичик хизмат кўрсатувчи	3780	-134	16700	-600
Ходимлар харажатлари	234340	Қ878	789960	Қ5880
Умумишлаб чиқариш харажатлари-				
ни жами,				
бригадалар харажатлари билан				
Комбинат бўйича ҳисобот				
Сут сеҳи	234340	Қ878	789960	Қ5880
Пишлоқ пишириш	240600	-780	861200	-1740
цеҳи				
Сут-қатик	269580	Қ 1160	974640	Қ3940
махсулотлари ишлаб				

чиқариш сехи	178700	-380	605358	Қ460
Ёрдамчи сехлар				
Сехлар бўйича жами	923220	Қ878	3231158	Қ8540
Давр харажатлари:			$m \sim u$ $m^*z \quad zz \quad z^*z$ $z \sim z$	
ЛКорхона идораси	7000	—	33000	
Биоларининг	47000	Қ2460	97520	Қ9156
эскириши 2.Бошқарув ходимлари иш				
ҳақи, ажратмалари билан 3.Асосий воситаларни	16800	Қ300	42600	Қ956
суғурталаш	1400	Қ 150	8000	Қ653
харажатлари - бошқа маъмурий харажатлар	72200	Қ2910	181120	Қ10765
Давр харажатларининг жами				
Корхона бўйича жами	995420	Қ3788	3412278	Қ19305

МАҲСУЛОТ, ИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ

Режа

1. Тайёр маҳсулот ва уни баҳолаш
2. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва унинг омборга келиб тушиши ҳисоби.
3. Тайёр маҳсулотни юклаб жунатиш ҳисоби.
4. Маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар сотилиш ҳисоби.
5. Товарлар ҳисоби.
6. Корхонанинг бошқа даромадлари ҳисоби.

1. Тайёр маҳсулот ва уни баҳолаш

Тайёр маҳсулот - корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсулотидир.

Технологик ишлов беришнинг барча босуичларидан утган, тасдиқланган стандартлар ва техник шартларга махфий келадиган (унинг сифатини тасдиқлайдиган сертификат ёки бошқа ҳужжат билан

таъминланган), техник назорат булими убул уилган ва омборга топширилган ёки харидорга юклаб жунатилган махсулот тайёр махсулот деб ҳисобланади.

Тайёр махсулот айланма маблағлари таркибига киради ва шунинг учун «Бухгалтерия ҳисоби туғрисида»ги узбскистон Республикаси уонунига биноан у балансда ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалар, хомашё, материаллар, ёуилғи, уувват, меҳнат ресурслари ва уни ишлаб чиқаришга доир бошқа харажатлардан фойдаланиш билан боғлиу харажатларни уз ичига оладиган махсулотнинг ҳауиуий ишлаб чиқариш таннархи буйича акс эттирилиши керак.

Тайёр махсулотнинг ҳауиуий таннархини фауат ҳисобот даври (ой) тугаши билан ҳисоблаш мумкин. Махсулотнинг ҳаракати (ишлаб чиқариш, юклаб жунатиш, сотиш) эса ҳар куни юз беради, шунинг учун жорий ҳисоб учун махсулотнинг шартли баҳоси зарур.

Тайёр махсулот ҳаракатининг жорий, кундалик ҳисоби ҳисоб нархларида режадаги ишлаб чиқариш таннархи ёки шартномавий нархлар буйича юритилади.

Ой охирида тафовут (четга чиуиш) аниуланади ва ҳисоб нархи ҳауиуий таннархга уадар етказилади.

Жорий ҳисобда тайёр махсулотни баҳолаш «Товар-моддий бойликлар» деб номанлан 4-сонли БҲМСга биноан ФИФО ёки уртача ҳисоблаш (АВЕКО) усулларида бирига кура амалга оширилиши мумкин.

2. Тайёр махсулот ишлаб чиқарилиш ва уннинг омборга келиб тушиши ҳисоби

Ишлаб чиуарилган тайёр махсулотлар цеҳидан тайёр махсулотлар омборига топширилади. Тайёр махсулотни омборга топшириш убул қилиш топшириш юк хатлари билан расмийлаштирилади, уларда қуйидаги курсаткичлар урин олади: махсулотни убул уилган омборнинг рауами (коди), махсулотнинг номи, унинг миқдори, улчов бирлиги, нархи ва суммаси. Бажарилган ишлар ва хизматлар убул қилиш топшириш далолат номаси билан расмийлаштирилади.

Омборда тайёр махсулот омбор ҳисоб варақа (карточка)ларида табиий куринишда, материаллар ҳисобига ухшаб ҳисобга олинади. Уларда ҳар бир ким ва чиуим ҳужжати буйича маълумотлар ёзилади; ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ чиуарилади.

Топшириш юк хатлари асосида махсулот чиқариш уайдномалари тузилади, бунда тайёр махсулот уайдномаларда икки хил: ҳисоб нархларида ва ҳауиуий таннархи буйича акс эттирилади.

Тайёр махсулотнинг синтетик ҳисоби 2810 «Тайёр махсулот» ҳисоб варағида юритилади.

Мисол. Ҳисобот даври мобайнида омборга ҳисоб нархлари буйича 80 минг сумлик тайёр маҳсулот келиб тушди. Ой охирида унинг ҳауикий таннархи белгиланди, у 75 минг сумни ташкил этди.

Келиб тушган маҳсулотга ҳисоб нархлари буйича қуйидаги утказма берилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 80 минг сум.

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 80 минг сум.

Ҳисоб нархининг ҳауиуий таннархдан тафовути, агар ҳауиуий таннарх ҳисоб нархидан оз бўлса, «Қизил сторно» усулида қуйидаги утказма билан расмийлаштирилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» -5 минг сум. _

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» -

Ҳауиунй таннарх ҳисоб нархидан ошиб кетса, фарқ қўшимча «уора» ёзув билан уша утказма ёрдамида ёзилади. (қўшимча бухгалтерия проводкаси берилади)

Мисол. Айтайлик, ишлаб чиуарилган маҳсулотнинг ҳауиуий таннархи 90 минг сумни ташкил этди.

Ҳисобот даври давомида омборга тайёр маҳсулотнинг келиб тушиши:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 80 минг сум.

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 80 минг сум.

Ҳисобот даври охирида тайёр маҳсулот ҳақиуий таннархининг ҳисобдан чиуарилиши учун 10 минг сумлик фарқ уша утказмада қўшимча ёзув билан ёзилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 10 минг сум.

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 10 минг

3. Тайёр маҳсулотни юклаб жунатиш

Тайёр маҳсулотни бериш ва уни корхона омборидан юклаб жунатиш буйруу юк хат билан расмийлаштирилади, унга икки ҳужжат киритилган: омборга доир буйруу ва бериш учун юк хат. Улар асосида ҳисоб варақ фактуралар ёзилади, уларда юклаб жунатилган маҳсулот миқдори ва ушбу маҳсулот учун тегишли сумма курсатилади. Юклаб жунатилган маҳсулотни ҳисобга олишнинг икки усули мавжуд: юклаб жунатиш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) топшириш ва банкка тулов ҳужжатаарини таудим этиш санаси пайти деб ҳисобланадиган биринчи усул (ҳисоблаш усули) ва харидордан олинган туловлар ҳисоб-китоб варағига уайд этилган сана сотиш пайти деб ҳисобланадиган иккинчи усул (касса усули) Бухгалтерия ҳисоби туғрисидаги узбекистон Республикаси уонунининг 13- моддасига биноан ва Бухгалтерия Ҳисоби Стандартларига махфий даромад ва харажатлар ҳау тулаш вақти ва пул келиб тушиш санасидан уаътий назар улар таъллуули булган ҳисобот даврида акс эттирилади. Бинобарин узбекистон Республикаси корхоналарини юклаб жунатилган маҳсулот ҳисобининг биринчи варианты уабул уилинган. Юклаб жунатилган сотишга берилган лекин туланмаган маҳсулотнинг ҳисоби 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи ҳисоб варағида юритилади. Сотиш пайтида тайёр маҳсулот товарлар ишлар ва хизматлар

таннархи харажатларини ҳисобга олувчи 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» 2810 «Тайёр маҳсулот», 2910 «Товарлар» ҳисобварағлари билан корреспондентланган ҳолда 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи», 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи», 9130 «Бажарган ишлар ва курсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобварағларининг дебитида акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи», 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи», 9130 «Бажарган ишлар ва курсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобварағлари 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи билан ёпилади.

Харидоларга маҳсулот юклаб жунатилган пайтда ҳисоблаш усули билан қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

- сотилган маҳсулотнинг ҳауиуий ишлаб чиқариш таннархига:

Д-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»,

К-т 2810 «Тайёр маҳсулот»

-савдода юклаб жунатилган маҳсулотларнинг ҳауиуий таннархига:

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»,

К-т 2910 «Товарлар»

-бажарилган ишлар, курсатилган хизматларнинг ҳақиуий таннархига:

Д-т 9130 «Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматларнинг таннархи»

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Ҳисобот даврининг охирида сотилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағига қуйидаги утказмалар билан ёпилади:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»

К-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

К-т 9130 «Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматларнинг таннархи»

Жорий ҳисобда юклаб жунатилган тайёр маҳсулотлар ҳисоб (режадаги ёки сотиш) нархларида расмийлаштирилади. Чунки юклаб жунатиш пайтида унинг ҳақиуий таннархи номаълум бўлади. Ой охирида юклаб жунатилган маҳсулотнинг ҳауиуий таннархи ва унинг ҳисоб нархлари билан фарқи аникуланади.

Мисол. Юклаб жунатилган маҳсулотнинг ҳауиуий таннархини ҳисоблаймиз, минг сум:

Курсаткичлар	Ҳисобдаги нарх	Ҳақиқий таннарх	Фарқ (Қ,-)
Ой бошига омордаги тайёр маҳсулотнинг қолдиги	200	208	Қ8
Ишлаб чиқаришдан ҳисобот оғи давомида қабул қилинган тайёр маҳсулот	800	772	-28
Жами	1000	980	-20

Хақикий таннарнинг ҳисобдаги нархга нисбати, % (980₸1000*100)у98%			
Бир ойда юклаб жунатилган маҳсулот	900	882у(900*98%₸1000)	-18
О Ой охирига омбордаги тайёр маҳсулот колдиги	100	98	-2

Ой охиридаги фарқлар суммасига қуйидагича утказмалар берилади:
Д-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»-18 минг сум.
К-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 18 минг сум;

4. Маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар сотилиши ҳисоби

Сотиш жараёни икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, у маҳсулот бериш, иш бажарши, хизмат курсатишнииг моддий-ашёвий жараёни, бошқа томондан эса у маҳсулот, иш, хизматларга ҳау тулаш жараёнидир. Ушбу жараёнлар вауг буйича мос тушмайди, улар амалга ошириладиган хўжалик операциялари хусусиятига кура фарқланади.

Сотиш жараёнида корхона даромад олади, уни туғри улчаш ва уз вақтида ҳисобга ууйиш керак, чунки корхона бюджетга тулаши зарур булган солиуларнинг миқдори ана шунга боғлиу.

Маҳсулот(ишлар ва хизматлар) сотилишидан олинадиган даромадни ҳисобга олиш тартиби «Асосий фаолиятдан олинган даромадлар» деган 2-сон БҲМСда келтирилган. Ушбу стандартга кура қуйидаги шартлар бажарилганда товарларни сотишдан даромад олинган деб тан олинади:

—агар корхона харидорга товарларга эгалик қилишга доир хатарлар ва имтиёзларнинг анчагина қисмини берса;

—корхона сотилган товарларга эгалик қилиш ва уларни назорат уилий ҳукууини саулаб уолмаса;

—даромад суммаси ҳаууонийликнинг катга даражаси билан баҳоланиши мумкин;

—корхонага битим билан боғлиу даромаднинг келиб тушиш эҳтимоли мавжуд.

Маҳсулотлар, ишлар хизматлар сотилишининг ҳисоби 9000 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга олувчи сётлар» сётларида олиб борилади. Ушбу ҳисобварақлар гурухи тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва уурсатилган хизматлар сотилиши жараёни туғрисидаги маълумотни умумлаштириш учун мулжалланган.

9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлардан олинган даромадлар» ҳисобварақларининг кредитида, олинадиган, пул маблағлари ёки утган даврда олинган, лекин ҳисобот даврига таъллуули булган даромадлар ҳисобварақлари билан корреспондентланган ҳолда, даромадлар акс эттирилади.

Юуоридаги 9010,9020,9030 счётлари ҳисобот даврининг охирида 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисоварағи билан ёпилади.

Асосий воситалар (9210 «Асосий воситаларнинг реализация уилиниши ва бошқача чиуиб кетиши») ва бошқа активларнинг (9220 «Бошқа активларнинг реализация уилиниши ва бошқача чиуиб кетиши») сотилишидан натижалар алоҳида ҳисобварақларда аниуланади ва ҳисобга олинади.

Бозор иугисодиёти шароитларида корхоналар уз маҳсулотлари сифатига турли хил кафолатларни берадилар, шунинг учун харидорни юклаб жунатилган маҳсулот сифати уониутирмаса, у олинган товарни қайтариш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда қайтарилган товар ёки маҳсулотнинг ҳисоби 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» ҳисобварағида олиб борилади. Бу ҳисобварақ 9000 гуруҳли даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларига нисбатан контрпассив ҳисобланади ва даромадлар суммасини камайтиради.

Қайтарилган товар қиймати қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан уайд этилади:

- харидордан пул маблағлари олинган тақдирда, харидорга пул маблағларини қайтариш пайтида:

Д-т 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварага»

- харидорлардан пул маблағлари олинмаган тақдирда, харидорнинг дебиторлик қарзини бекор қилиш суммасига:

Д-т 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»

- ҳисобланган уушилган уйймат солиғи, акциз солиға суммасига:

Д-т 6410 «Бюджетга қарзлар буйича туловлар (турлари буйича)»
К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» ёки 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» қайтарилган маҳсулот ёки товарлар таннархи қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» ёки 2910 «Товарлар» К-т 9110, 9120

«Сотилган товарларнинг таннархи» Ҳисобот даврининг охирида 9040

«Сотилган товарларни қайтариш» ҳисобварағи қуйидаги тарзда ёпилади:

Д-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» К-т 9040

«Сотилган товарларни қайтариш»

Шартнома шартларига махфий корхоналар харидорларга шартномада белгиланган муддатдан олдин тулов учун чегирмалар ёки яроусиз маҳсулот буйича нархлардан чегирмалар, шунингдек катга ҳажмда товар сотиб олганлиги учун чегирмалар бериши мумкин. Бундай чегирмалар 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» махсус

ҳисобварағда ҳисобга олинади. Бу ҳисобварақ 9000 гуруҳдаги даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларига нисбатан контрпассив ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ёки курсатилган хизматлар сотилишидан олинган суммани камайтиради.

Берилган чегирмалар суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Д-т 9050 «Хардорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар» ёки 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Ҳисобот даврининг охирида 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» Ҳисобварағи қуйидаги тарзда ёпилади:

Д-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» К-т 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

Юклаб жунатиш ва сотишнинг ҳисоби, 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010 ҳисобварақлари кредитида айланмаларни ва 9010, 9020, 9030 ҳисобварақлари учун таҳлилий маълумотларни уайд этиш учун мулжалланган 11-сонли журнал-ордерда ҳисобварақлар ва жамлама курсаткичлар буйича олиб борилади. 11-сонли журнал-ордер 15- ва 16-сонли уайдномаларнинг таҳлилий маълумотларига асосан тулдирилади. Шунинг таъкидлаш лозимки, 9110 ва 9010 ҳисоб-варақларига таҳлилий маълумотлар 11-сонли журнал-ордерда, нафаъат ҳисобот оyi буйича, балки йил бошидан, ҳауиуий таннархи, ҳисоблаш нархлари, таудим этилган ҳисобварақлар ёки уларнинг урнини босувчи ҳужжатлардаги суммалар буйича келтирилади.

«Асосий фаолиятдан олинган даромадлар» деган 2-сон БҲМС-нинг 18-моддасига кура оралиу туловлар ва харидорлардан бунақлар суммалари буйича даромадлар тан олинмайди, шунинг учун харидор ҳисоб-китоб варағига маҳсулот учун олдиндан ҳау утказса, у 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунақлар» ҳисобварағида акс эттирилади.

Мисол. Корхона 300 минг сумлик маҳсулотини сотиш учун контракт тузди ва ҳаунинг 15%ини, яъни 45 минг сумни олдиндан олди. Олдиндан олинган туловга утказма берилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» - 45 минг сум.

К-т 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунақлар» - 45 минг сум.

Ҳисобварақ фактура асосида товар юклаб жунатилганидан кейин утказма акс эттирилади:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар» - 300 минг сум.

К-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» - 300 минг сум.

Аввал олинган ҳау суммасига утказма берилади:

Д-т 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунақлар» - 45 минг сум.

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 45 минг сум.

Ҳисоб-китоб варағига харидорнинг уолган қарзи қайта-рилганидан сунг утказма берилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» - 255 минг сум. К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 255 минг сум.

5. Товарлар ҳисоби

Савдо корхоналарида товарларни уабул қилиш етказиб берувчилар илова ҳужжатларига мазкур савдо корхонасининг-мухри ва моддий жавобгар шахсинг имзоси қўйилиб, расмийлаштирилади.

Улгуржи савдода товарлар ҳисоб харид нархлари буйича юритилади.

Мисол. Етказиб берувчилардан 20 минг сумлик товар олинди. Савдо устамаси 20%, яъни 4 минг сум. Сотиш нархи 24 минг сум булади.

Ҳисобварақларда бу вазият қуйидагича ёзилади

- товарнинг келиб тушиши:

Д-т 2910 «Омбордага товарлар» - 20 минг сум. К-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган ҳисобварақлар» 20 минг сум.

- товарнинг сотилиши:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 24 минг сум.

К-т 9020 «Товарни сотишдан олинган даромадлар» - 24 минг сум.

- сотилган товар ҳисобдан чиуарилиши:

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» - 20 минг сум

К-т 2910 «Омбордаги товарлар» - 20 минг сум

- ҳисобот даврининг охирида даромадлар ҳисобварағининг ёпилиши:

Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» -24 минг сум

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 24 минг сум

- ҳисобот даврининг охирида товарлар таннархи буйича ҳисобварақ ёпилиши:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 20 минг сум

К-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» - 20 минг сум

- молиявий натижанинг аниуланиши ва ҳисобдан чиуарилиши:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 4 минг сум К-т 8710

«Тақсимланмаган фойда» - 4 минг сум. Чакана савдо корхоналарида товарлар ҳисоби одатда сотиш нархлари буйича юритилади, шунинг учун савдо устамаси 2980 «Савдо устамаси» ҳисобварағи кредитига кирим уилинади.

Чакана савдо корхоналарида юуорида келтирилган мисол бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида қуйидагича акс этгирилади:

Д-т 2920 «Чакана савдодаги товарлар» - 24 минг сум.

К-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган ҳисобварақлар» - 20 минг сум.

К-т 2980 «Савдо устама» - 4 минг сум.

Товарлар сотилишидан тушумнинг келиб тушиши: - кассага:

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 24 минг сум.

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» - 24 минг сум.

- ҳисоб-китоб варағи:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» - 24 минг сум.

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» - 24 минг сум.

Сотилган товарлар ва устама қийматини ҳисобдан чиқариш қуйидаги утказма билан акс эттирилади:

Д-т 2980 «Савдо устамаси» - 4 минг сум

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннари» - 20 минг сум

у-т 2920 «Чакана савдодаги товарлар» - 24 минг сум.

Муомала чиуимлари ҳисоби 9410-9430 «Давр харажатлари» ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақ дебетиға ой давомида савдо корхонасининг харажатлари жамланади. Ой охирида ушбу харажатлар утказма билан ҳисобдан чиуурилади:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа».

К-т 9410-9430 «Давр харажатлари».

Аҳолидан сотиш учун товар уабул уилинадиган тижорат дуқонларида унинг ҳисоби 004 «Комиссияға уабул уилинган товарлар» балансдан ташуари ҳисобварағида юритилади. Қабул уилинаётганда товар қиймати ушбу ҳисобварақ дебетиға ёзилади, товарлар сотилганида бу ҳисобварақ кредитланади. Сотиш учун товар топширган корхона комитент деб номланади. Ҳар бир комитент учун комитент варақаси очилади, комитентдан товар олиниши юк хатлар билан расмийлаштирилади.

Сотиш нархлари буйича товарларни сотиш қуйидаги утказма билан акс эттирилади.

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 24 минг сум

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» 4 минг сум.

К-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» - 20 минг сум. Кассадан комитентға берилади:

Д-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» - 20 минг сум.

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 24 минг сум.

Дуқон даромади қуйидаги утказма билан уайд этилади:

Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» - 4 минг сум.

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 4 минг сум.

6. Корхонанинг бошқа даромадларн ҳисоби

Бошқа даромадлар асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадлардан ташкил топади. Улар қуйидагилардан иборат: хўжалик

шартномалари шартларини бузганлиги учун қарздордан ундирилган ёки тан олинган жарималар, пенялар, боуимандалар ва бошқача жарималар, шунингдек етказилган зарарларни уоплаш буйича даромадлар;

ҳисобот йилида аниуланган олдинги йиллар буйича фойдалар;

- ишлаб чиқариш ва маҳсулот (ишгар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ булмаган операциялардан олинган даромадлар, яъни рента даромади, хўжалик юритувчи субъект уошидаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан олинган даромадлар;

- хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкани сотишдан даромадлар;

- даъво қилиш муддати утиб кетган кредиторлик ва депоненглик қарзларини ҳисобдан чиқарилишидан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликлар қийматини ошириш, товар-моддий бойликлар қийматини ошириш буйича суммалар маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиб борилиши мобайнида солиқуа тортиладиган базага киритилади;
- давлат субсидияларидан олинадиган даромадлар;
- бегараз курсатилган молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Ҳисобот даври мобайнида уайд этилган харажатлар 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларида акс эттирилади, ҳисобот йилининг охирида эса улар якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Корхона ҳисобот даври мобайнида қуйидаги бошқа даромадларни олган: мол етказиб берувчидан шартномавий шартларни бажармаганлиги учун 114 минг сум миқдорда жарима ундирилган, харидор билан тузилган шартнома буйича 40 минг сум суммада утган йилларнинг фойдаси аниуланган, даъво муддати утиб кетганлиги муносабати билан 6 минг сум суммада бошқа кредиторлик қарзлари ҳисобдан чиқаририлган, инвентарлаш пайтида аниуланган 10 минг сумлик тайёр маҳсулотнинг ортиқчаси қирим қилинган. Ушбу суммалар қуйидаги утказма билан акс эттирилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 114 минг сум

К-т 9330 «Пеня, жарима ва бошқа тулов ларни ундириш» - 114 минг сум

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 40 минг сум

К-т 9340 «утган йиллар даромади» - 40 минг сум

Д-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» - 6 минг сум

К-т 9360 «Кредиторлик ва депоненглик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар» - 6 минг сум

Д-т 2816 «Тайёр маҳсулот» - 10 минг сум

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар» - 10 минг сум

Ҳисобот даврининг охирида бошқа даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ёпилади:

Д-т 9330 «Пеня, жарима ва бошқа туловларни ундириш» - 114 минг сум

Д-т 9340 «утган йиллар даромади» - 40 минг сум

Д-т 9360 «Кредиторлик ва депоненглик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар» - 6 минг сум

Д-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар» - 10 минг сум

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 170 минг сум.

Даромадларнинг кейинги турлари - молиявий фаолиятдан олинган даромадлардир. Улар қуйидагилардан иборат

- олинган роялти ва капиталнинг трансферти;

Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисидаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли қатнашишдан олинган даромадлар, акциялар буйича дивидендлар, хўжалик юритувчи субъектга тегишли булган облигация ва бошқа уимматли уоғозлардан олинган даромадлар;

- мол-мулкни Узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар;

- валюта ҳисобварақлари, шунингдек чет эл валютаси билан амалга оширилган операциялар буйича мусбат курс фарқлари;

- уимматли уоғозлар, шуъба корхоналари ва бошқаларга қўйилган маблағлар қайта баҳоланишини олинган даромадар;

- молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Ҳисобот йили давомида юуорида уайд этилган даромадлар

9500 «Молиявий фаолиятдан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларнинг кредитида ҳисобга олинади, ҳисобот даврининг охирида эса улар якуний молиявий натижага ҳисобдан чиуарилади.

Мисол. Корхона ҳисобот даври мобайнида қуйидаги молиявий даромадларни олган: шуъба корхоналарига амалга оширилган инвестициялар буйича ҳисобланган дивидендлар - 50 минг сум, берилган заём буйича ҳисобланган фоизлар - 40 минг сум, дебиторлик қарзи буйича мусбат курс фарқи акс эттирилган - 70 минг сум, Узоқ муддатда ижарага берилган объектлар буйича фоизлар тан олинган - 100 минг сум. Ушбу операциялар қуйидагича акс эттирилади: ; .

Д-т 4840 «Олинадиган дивидендлар» - 50000 минг сум

К-т 9520 «Дивидендлар қуринишидаги даромадлар» - 50 минг сум

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 40 минг сум

К-т 9530 «Фоизлар қуринишидаги даромадлар» - 40 минг сум

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 70 минг сум

К-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар» - 70 минг сум ;

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 100 минг сум

К-т 9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинадиган даромадлар» - 100 минг сум

Ҳисобот даврининг охирида ушбу харажатлар ҳисобдан чиуарилади: .

Д-т 9520 «Дивидендлар қуринишидаги даромадлар» - 50 минг сум

Д-т 9530 «Фоизлар куринишидаги даромадлар» - 40 минг сум

Д-т 9540 «Валюта курсларидаги фаркдан олинadиган даромадлар» - 70 минг сум

Д-т 9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинadиган даромадлар» - 100 минг сум

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 260 минг сум

Шунингдек, фавуулodдаги фойдалар ҳам даромадлар таркибига киритилади. Фавуулodдаги фойдалар бандлари - бу кузда тутилмаган, ғайриодатий тавсифга эга булган, хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолият доирасидан четда булган воуеалар ёки операциялар натижасида олинган ва оlinиши кутилмаган фойдалардан иборат. Буларга асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар булимида акс этгирилиши лозим булган олдинги давр буйича даромадлар ёки фойданинг айрим бандлари киритилмайди.

Ҳисобот даври мобайнида фавуулodда фойдалар 9710 «Фавуулodда фойдалар» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади, ҳисобот даврининг охирида эса ушбу фойдалар якуний молиявий натижага киритилади.

Мисол Содир этилган ёнғин натижасида ишлатишга яроуди булган 27 минг сум суммадаги материаллар кирим килинган:

Д-т 1090 «Бошқа материаллар» - 27 минг сум

К-т 9710 «Фавуулodда фойдалар» - 27 минг сум

Ҳисобот даврининг охирида фавуулodда фойдалар ҳисобварағи ёпилади:

Д-т 9710 «Фавуулodда фойдалар» - 27 минг сум

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 27 минг сум.

КАПИТАЛ, ФОНДЛАР ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Режа:

- 1. Капитал (фонди)ни ташқил қилиш хусусиятлари ва уни ҳисобга олиш.**
- 2. Грантлар ва субсидияларни мақсадли молиялаштириш ва тушумларни ҳисобга олиш.**
- 3. Молиявий натиж аларни тўғри аниқлашнинг аҳамияти, вазифалари ва уларни йил давомида ҳисобга олишни ташқил қилиш.**
- 4. Фойда ва зарарларнинг таркиби уни ҳисобга олиш**

- 1. Капитал (фонди)ни ташқил қилиш хусусиятлари ва уни ҳисобга олиш.**

Бозор муносабатларининг ривожланиши корхона фаолиятини молиявий таъминлашда, маблағлар таркиби ва тузилишида катор узгаришлар содир булишига олиб келади. Бундай шароитда корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун узининг маблағларига эга булиши лозим. Кор-хонанинг уз маблағлари турли молия ресурсларидан

ташқил топиши мумкин. Масалан, устав фонди, таксимлямаган фойда, махсус мақсадларга мулжалланган фонлдар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётига утиш билан, яъни кичик корхоналар, хиссадорлик жамиятлари, ҳамкорликдаги корхоналар ташқил булиши билан, таъсисчилар томонидан корхонага қуйилган улушлар корхона маблағи манбаларини ташқил қилади.

Хозирги вақтда мулкчилик шаклларида катъи назар, корхоналарда устав фонди миқдори мазкур корхона ташқил бўлганда тасдиқданган таъсис ҳужжатларида курсатилган миқдор билан мувофиқ келиши лозим. Унинг миқдори йил давомида узининг мулкчилик шаклини узгартирмайдиган корхоналарда узгармайди. Давлат корхонаси хусусийлаштирилганда мазкур корхона мулкчининг сотиб олиниш қийма-тини аниқлаш талаб қилинади, чунки таъсис ҳужжатида устав фонди миқдорини курсатиш лозим.

Устав капитали — бу таъсис ҳужжатида белгиланган корхона мулкчини белгилашда, унинг фаолиятини бир маромда юргизишда таъсисчиларнинг пул ифодасида қуйган маблағларининг йиғиндисидир.

Устав фондининг бухгалтерия ҳисоби 8300-«Устав капитали» счётида юритилади. Бу счёта корхона узига қарашли маблағлар манбалари ҳисобини қуйидаги счётлар бўйича юритади:

8310-«Оддий акциялар».

8320-«Имтиёзли акциялар».

8330-«Пай ва улушлар».

8300-«Устав капитали» счёти давлат корхоналари устав фонди, хиссадорлик ва уртокдик жамиятлари устав капиталини ҳисобга олишга мулжалланган. Бу счёта руйхатга олинган миқдор чегарасидаги ҳақиқий устав капитали ёқи туланган акцияларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Устав капи-талининг миқдори руйхатга олинган устав суммасидан ошиб кетмаслиги керак- Иштирокчиларга улар улуши (пай) бир қисмининг қайтарилиши устав капитали суммасини камай-тирмаслиги лозим, балки хиссадорлик жамияти уз акцияларини сотиб олиши, деб расмийлаштирилади. Бу субсчёт бўйича аналитик ҳисоб чиқарилган ҳамда туланган акциялар турлари, «таъсисчилар ва обуначилар» шахсий счётлари бўйича маълумотлар билан таъминланиши лозим.

8310-«Оддий акциялар» счёти оддий акцияларни узидан му-жассам этган акционерлик капитали ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

Акционерлик жамияти давлат руйхатидан утганидан кейин, унинг устав капитали руйхатдан ўтказилган суммада счётларда акс эттирилади. Бунда қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т 4610-«Устав капиталига тулов бўйича таъсисчилар қарзи».

К-т 8310-«Оддий акциялар».

Акционерлик жамияти узининг устав капиталини қупайтириши мумкин. Бунинг учун янги акциялар чиқариши ёқи акциялар номинал қийматини ошириши мумкин.

8320-«Имтиёзли акциялар» счёти имтиёзли акциялар кури-нишида чиқарилган акционерлик капитали ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

Акциялар 8310-«0ддий акциялар» ва 8320-«Имтиёзли акциялар» счётларида номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади.

8310-«0ддий акциялар» ва 8320-«Имтиёзли акциялар» счётлари бўйича аналитик ҳисоб устав капиталининг таркиб топиш босқичлари ва таъсисчи корхоналар бўйича маълумотларни таъминлаши лозим.

8330-«Пай ва улушлар» счёти мулкдор капитали ёки унинг ташқилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ ҳолда иштирокчилар улуши қурлишидаги корхона устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

Корхона руҳатдан ўтказилгандан кейин унинг устав капитали, уставда акс эттирилган ва таъсисчилар пай ва улушлари суммаси счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 4610-«Устав капиталига тулов бўйича таъсисчилар қарзи».

К-т 8330-«Пай ва улушлар».

Давлат корхоналари узларининг ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини бошлаши учун умумдавлат фондидан маълум миқдорда асосий воситалар ва оборот мабларлари ажратилади, улар корхоналарга доимий фойдаланиш учун бириктирилади. Асосий воситалар корхоналарга ишлаб чиқариш режасини бажаришини таъминлайдиган миқдорда, оборот маблаглари эса ушбу маблагларнинг энг кам миқдорини таъминлайдиган норматив бўйича ажратилади. Уларнинг манбалари корхона устав фондини ташкил қилади. Устав фонди миқдори корхона балансининг алоҳида моддасида акс эттирилади.

Хиссдорлик жамияти ва жавобгарлиги чекланган жамият юридик шахслар ёки фуқаролар билан кедишилган ҳолда тузилган бўлиб, уларнинг мулкни ухшаштиради. Мазкур мол-мулк чегарасида мажбурият учун уларнинг ҳар бири масъулият Хис этади, Хиссдорлик жамиятининг устав фонди акционерлар томонидан сотиб олинadиган акцияларга бўлинган, жавобгарлиги чекланган жамият устав фонди эса унинг аъзолари томонидан сотиб олинadиган бир неча улушларга бўлинади. Хиссдорлик жамияти инкирозга учраганда, акционерлар узларига тегишли акция қиймати миқдорида зарар қурадилар.

хиссдорлик жамиятларининг бошқа корхоналардан фарқи шуки, уларнинг мол-мулки, юқорида таъкидланганидек, акционерлар мол-мулки ҳисобидан ташкил топади. Жа-мият ҳеч қандай юқори ташкилот қурасмасисиз мустақил, эркин фаолият олиб бориб, акционерлар хиссдорлик жамиятини бошқаришда иштирок этади.

Бошқа турдаги корхоналардан хиссдорлик жамиятининг яна бир фарқи шундан иборатки, жамият даромади турли туловлардан сунг жамият аъзоларига уларнинг жамиятга қўшган мол-мулк улушига мувофиқ дивиденд қурлишида тақсимлаб берилади.

Демак, юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, хиссадорлик жамияти узининг фаолиятини давом эттира олиши учун у факат даромад олиб ишлаши, унинг аъзолари эса ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини бошқаришда, бошқарувини, технологиясини такомиллаштиришда фаол иштирок этмокдари лозим. Шундагина жамият аъзолари унинг фаолиятидан моддий манфаатдор буладилар.

Хиссадорлик жамиятларида устав фонди микдорининг кейинги узгариши ва 8300-счётга ёзув таъсис ҳужжатида, маълумотларига узгартириш киритилганда белгиланган тартибда амалга оширилади. Масалан, устав фонди микдорининг узгариши йил охирида жамият аъзолари ёқи мулкдорлар йирилишида корхона йиллик хўжалик фаолияти натижаларини куриб чиқиш натижасида юз бериши мумкин. Йигилиш иштирокчилари устав фонди микдорини узгартириш ҳақида қарор чиқаришлари мумкин, устав фонди микдори тақсимланмаган фойда, махсус мақсадларга муаллафланган фондларнинг ишлатилмай қолган қисми ёқи муомалага акциялар чиқариш ва бошқалар ҳисобига олиниши мумкин. Таъсис ҳужжати ва давлат рўйхати реестрига узгартириш киритилгандан сўнг 8300-«Устав капитали» счётига ёзув ёзилади. Акция қимматли қозоннинг бир тури ҳисобланади. Умуман, қимматли қозонларга акциялар, облигациялар, омонат қасса сертификатлари қиради.

Акция хиссадорлик жамиятлари, корхона, ташкилотлар, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилади. Бу қимматли қозон тури уз эгасига корхона оладиган фойдасининг бир қисмини дивиденд қуринишида олиш ҳуқуқини беради. Дивиденд - бу акциядорлик жамиятининг ҳисобот даврида олинган ва акцияларга қараб акционерлар уртасида тақсимланадиган фойдаси.

қуйидаги турдаги акциялар фарқланади:

- 1) меҳнат жамоалари;
- 2) корхона;
- 3) хиссадорлик жамиятлари акциялари.

Меҳнат жамоалари акциялари корхона, бирлашма ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар томонидан чиқарилиб, фақат шу меҳнат жамоаларининг аъзоларигагина сотилади. Корхона акциялари корхона, ташкилотлардан ташқари яна тижорат банклари, хўжалик жамиятлари томонидан чиқарилади. Улар бошқа корхона ва ташкилотлар, ихтиёрий тарзда тузилган жамиятлар ҳамда банкларга тарқатилади. Хиссадорлик жамиятлари акциялари эса жамият аъзолари уртасида тарқатилади. Бу акция эгаларининг бошқа акция эгаларидан фарқи шундаки, агар хиссадорлик жамияти тарқатилиб юбориладиган бўлса, у ҳолда жамият мол-мулки жамият аъзолари уртасида тақсимланади.

Акция қуйидаги маълумотларни ўзида акс эттириши лозим: акцияни чиқарган корхона ёқи ташкилот номи, унинг жойлашган жойи, қимматли қозон номи, унинг тартиб рақами, чиқарилган муддати, чиқарилган акциялар сони, дивиденд тулаш муддати, корхона ёқи ташкилот раҳбари имзоси, дахлдор шахс имзоси. Хиссадорлик жамиятида акцияларни чиқариш унинг

устав фонди микдорида амалга оширилади. Агар давлат корхонаси хиссдорлик жамиятига айлантирилган бўлса, унинг бутун мол-мулки микдорида акция чиқарилади. Мехнат жамоалари ҳамда корхона акциялари жамоа ва корхона аниқлаган микдорда акциялар чиқаради. Мехнат жамоалари акциялари ва хиссдорлик жамияти акциялари жамият ҳамда жамоа аъзолари томонидан шахсий мулк сифатида сотиб олинади.

Акция учун дивиденд мехнат жамоалари, хиссдорлик жамияти фойдаси ҳисобидан туланади. Хиссдорлик жамияти акциясининг эгалари мазкур жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Мехнат жамоалари ва корхона акциялари эгалари бундай ҳуқуқга эга эмаслар.

Мехнат жамоалари ва корхона акцияларини муомалага чиқаришдан асосий мақсад қўшимча молия мабларларини амалда фойдаланишга жалб қилишдир. Бу акция турлари акция чиқарувчи корхона ҳамда ташкилотларда мулкчилик шаклини ва ҳуқуқий ҳолатини узгартиришга имкон беради. Қимматли коғозлар туғридан-туғри унинг эгалари ёки банк орқали сотилади. Фонд биржаси — бу қимматли коғозлар олиб сотилади-ган савдо жойи. Хиссдорлик жамиятлари пайдо бўлиши билан мамлакатда қимматли коғозларнинг дастлабки бо-зор элементлари ҳам пайдо бўла бошлайди. Бир вақтнинг узида корхоналарни узоқ, муддатли молия маблағлари билан таъминлашда қимматли коғозларнинг роли ошади. Уларни сотиш ва сотиб олиш фақатгина фонд биржаларида амалга оширилади. Фонд биржалари қимматли коғозларнинг иккинчи бозори, яъни қимматли коғозларни сотувчи ва сотиб олувчининг учрашадиган жойи ҳисобланади.

Хусусий капитал ҳўжалик юритувчи субъектнинг активи ва мажбуриятлари ургасидаги фарқни узида мужассамлаштиради.

Уз навбатида, хусусий капитал икки гуруҳга бўлинади: қўйилган капитал (инвестиция) ва таксимланмаган фойда.

Мамлакатимиз ҳудудида ва хорижда тузилган бошқа корхо-наларнинг қимматли коғозларига, авлод, қўшма корхоналарнинг устав капиталлари (фондлари)га узоқ муддатли қўйилмалар (ин-вестициялар) нинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

0610-«Қимматбаҳо коғозлар».

0620-«Шўба ҳўжалик жамиятларига инвестициялар».

0630-«Қарам ҳўжалик жамиятларига инвестициялар».

0640-«Хорижий сармоя катнашган корхоналарга инвестициялар».

0690-«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар».

